

413

Ўттиз бешинчи йил чиқиши  
Жумодуссоний 1442ҳ – Феврал 2021м



Ал-Ваъй

Кенг қўламли,  
фикрий, сақофий журнал

Ал-Ваъй сўзи



(Исроил)нинг «Едиот Ахронот» газетаси: Саудиянинг таълим дарсликларида энди сионизм хатари ҳақида гапирилмайди

Исломнинг ғариблиги,  
унинг янгиланиши ва  
Ҳизб ут-Таҳрир (1)

Марокашнинг (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштириши Моссад билан ўрнатилган узоқ йиллик яширин ҳамкорлик тарихига эга



413

Ўттиз бешинчи  
йил чиқиши  
Жумодуссоний 1442ҳ  
Феврал 2021м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

## Ушбу сонда

- Яҳудий вужуди келажаги... Ғарб  
истаклари билан Ислом кўз-қараши  
ўртасида..... 3
- Умнатнинг тақдирий масаласи ва Ҳизб  
ут-Таҳрир ..... 11
- Капиталистик ҳазорат ҳамда унинг  
дарвинизм асосидаги кўз-қарашининг  
яроқсизлиги (3)  
Дарвинизм кўз-қарашининг Капиталистик  
низомларни яроқсиз ҳолга келтириши..... 21
- Исломнинг ғариблиги, унинг янгиланиши  
ва Ҳизб ут-Таҳрир (2) ..... 32
- Ҳуд сураси мени қаритди (2)..... 41
- **Олам муслмонлари хабарлари** .... 54
- **Қуръони Карим суҳбатида** ..... 59
- **Жаннат боғлари:** Росулulloҳ ﷺнинг  
пайғамбарлик даври олдинги пайғамбарлар  
даврдан оғир эди (2)..... 66
- Ғазабдан тийилиш ..... 72
- **Сўнги сўз:** (Исроил)нинг «Едиот  
Ахронот» газетаси: Саудиянинг таълим  
дарсликларида энди сионизм хатари ҳақида  
гапирилмайди ..... 75
- Марокашнинг (Исроил) билан  
муносабатларни нормаллаштириши Моссад  
билан ўрнатилган узоқ йиллик яширин  
ҳамкорлик тарихига эга ..... 76

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## ЯХУДИЙ ВУЖУДИ КЕЛАЖАГИ... ҒАРБ ИСТАКЛАРИ БИЛАН ИСЛОМ КЎЗ-ҚАРАШИ ЎРТАСИДА

Ҳамд Тобиб – Байтул Мақдис

Яҳудий вужуди келажаги ҳақида гапиришдан олдин, аввало, яҳудийлар, уларнинг сифатлари ва Ислом Умматига душманлиги ҳақидаги Ислом кўз-қарашини айтиб ўтиш лозим. Шунингдек, Росулulloҳ ﷺ элчи қилиб юборилган кундан бошлаб, то бугунги кунгача яҳудийлар тарихида юз берган воқеа-ҳодисаларга бу кўз-қарашнинг мос келишини ҳам айтиб ўтиш керак.

Аллоҳ Азза ва Жалла яҳудийларнинг ер юзидаги Ислом Умматига энг қаттиқ душманлик қилувчи кимсалар эканига гувоҳлик бериб бундай дейди:

﴿لَتَجِدَنَّ أَشَدَّ النَّاسِ عَدَاوَةً لِلَّذِينَ ءَامَنُوا الْيَهُودَ وَالَّذِينَ أَشْرَكُوا﴾

**«Имон келтирган зотларга энг қаттиқ адоват қилгувчи одамлар яҳудийлар ва мушрик бўлган кимсалар эканини кўрасиз»** [Моида 82]

Қуйидаги оятда Аллоҳ Таоло уларнинг бузғунчилик қилишни асло тўхтатмасликларини, доим одамлар ўртасида фитна қўзғаб, урушлар оловини ёқишларини айтади:

﴿وَالْقِيَنَا بَيْنَهُمُ الْعَدَاوَةَ وَالْبَغْضَاءَ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ كُلَّمَا أَوْقَدُوا نَارًا لِلْحَرْبِ أَطْفَأَهَا اللَّهُ وَيَسْعَوْنَ فِي الْأَرْضِ فَسَادًا وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُفْسِدِينَ﴾

**«Уларнинг ораларига то қиёмат кунигача кетадиган буғзу адоватни ташлаб қўйганмиз. Улар қачон (сизга қарши) уруш оловини ёқсалар, Аллоҳ уни ўчирур. Улар ерда бузғунчилик қилиб юрурлар. Аллоҳ эса бузғунчи кимсаларни севмас»** [Моида 64]

Аллоҳ уларнинг қўрқоқ эканлигига ҳам гувоҳлик беради. Улар Аллоҳдан қўрқишдан кўра кўпроқ одамлардан қўрқишади. Уларга хорлик ва бечораҳоллик битилиб, қиёмат кунигача Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлишади. Улар Аллоҳнинг ва одамлар (мўминлар)нинг паноҳида бўлишсагина бу хорликдан қутулишади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿ضُرِبَتْ عَلَيْهِمُ الذَّلَّةُ أَيَّنَ مَا تَتَفَوَّأُ إِلَّا مَجْبِلٍ مِّنَ اللَّهِ وَحَبْلٍ مِّنَ النَّاسِ وَبَاءُوا بِغَضَبٍ مِّنَ اللَّهِ وَضُرِبَتْ عَلَيْهِمُ الْمَسْكَنَةُ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ كَانُوا يَكْفُرُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَيَقْتُلُونَ الْأَنْبِيَاءَ بِغَيْرِ حَقِّ ذَلِكَ بِمَا عَصَوْا وَكَانُوا يَعْتَدُونَ﴾

**«Агар Аллоҳнинг ва одамларнинг (яъни муслмонларнинг) аҳди паноҳида бўлмасалар, албатта уларга қаерда бўлмасинлар, хор-зорлик битиб қўйилди. Улар Аллоҳнинг ғазаби билан кетдилар ва уларга бечораҳоллик ёзиб қўйилди. Бунга сабаб уларнинг Аллоҳ оятларини инкор қилишлари ва пайғамбарларни ноҳақ ўлдиришларидир. Бунга сабаб уларнинг қилган исёнлари ва тажовузкор бўлганларидир»**

[Оли Имрон 112]

Яна айтади:

﴿لَا نَنْتُمْ أَشَدُّ رَهَبَةً فِي صُدُورِهِمْ مِّنَ اللَّهِ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَا يَفْقَهُونَ﴾

**«(Эй мўминлар), аниқки, сизлар (мунофиқларнинг) дилларида Аллоҳдан кўра қўрқинчлироқдирсизлар. Бунга сабаб, улар (Аллоҳнинг қудратини) англамайдиган қавм эканликларидир»**

[Ҳашр 13]

Бу сифатлар яҳудийлар ҳаётига ва уларнинг тарихига мос келади. Улар Росулulloҳ ﷺ ни ўз фарзандларини танигандек танишларига ҳамда у зотнинг пайғамбарлиги ҳақида тавротда келганини билишларига қарамай буни ёлғонга чиқаришди. Бундан ташқари, Росулulloҳ ﷺ ни ўлдиришга бир неча бор ҳаракат қилишди, у зотни Мадинадан чиқариб юбориш учун Қурайш кофирлари билан тил бириктиришди. Шу жиноятлари сабабли Росулulloҳ ﷺ уларнинг баъзиларини ўлдириб, қолганларини Мадинаи Мунаварадан кўчириб юбордилар ва Араб ярим оролида уларнинг яшашларига йўл қўймасликни васият қилдилар.

Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

﴿لَا أُخْرِجَنَّ الْيَهُودَ وَالنَّصَارَىٰ مِنْ جَزِيرَةِ الْعَرَبِ حَتَّىٰ لَا أَدَعَ إِلَّا مُسْلِمًا﴾

**«Мен яҳудий ва насронийларни Арабистон ярим оролидан қувиб чиқараман. Ҳатто у ерда муслмонлардан бошқа ҳеч кимни қолдирмайман».** Саҳиҳи Муслим. Росулulloҳ ﷺ вафот топишлари олдидан бундай деган эдилар:

﴿أُخْرِجُوا الْمُشْرِكِينَ مِنْ جَزِيرَةِ الْعَرَبِ﴾

**«Мушрикларни Арабистон ярим оролидан қувиб чиқаринглар».** Бухорий ривояти. Яҳудийларнинг бузғунчиликлари ва ёмон ишлари муслмонларгагина чекланиб қолмаган. Улар Исломдан олдин тарих давомида ўз пайғамбарларига нисбатан ҳам

бузғунчилик қилишган ва Аллоҳ уларни «пайғамбарлар қотили» деб сифатлаган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَفَلَمْآ جَاءَكُم رَّسُولٌ بِمَا لَا تَهْوَىٰ أَنفُسُكُمُ اسْتَكْبَرْتُمْ فَفَرِيقًا كَذَّبْتُمْ وَفَرِيقًا تَقْتُلُونَ﴾

**«Ҳар қачон бир Пайғамбар сизларга ёқмайдиган нарса (оятлар) билан келса, (унга бўйсунидан) кибр-ҳаво қилиб бировини ёлғончи деб, бировини ўлдираверасизларми?»**

[Бақара 87]

Яҳудийлар Аллоҳнинг пайғамбари Исо алайҳиссаломга қарши уруш очиб, уни ўлдиришга уринишган. Исо алайҳиссалом уларга юборилган пайғамбар бўлиб, ўзидан олдин нозил бўлган тавротни тасдиқлаган ва ўзидан кейинги пайғамбар Муҳаммад ﷺ ҳақида башорат қилган эди. Аллоҳ Таоло уларнинг макри ва тил бириктирувини чиппакка чиқариб, Исо алайҳиссаломни Ўз ҳузурига кўтарди. Улар яҳудийлик динини ҳам, насронийлик динини ҳам ўзгартиришди ва ўрта асрларда Европада яшаган пайтларида у ерда бузғунчилик қилишди. Бу бузғунчиликлар уларнинг ўлдирилишига ҳамда Испания, Германия ва булардан бошқа юртлардан бир неча бор қувиб чиқарилишига сабаб бўлди. Европанинг бир нечта мамлакати уларни қувғин қилиб, таҳқирлади ва уларни энг паст даражадаги одамларга айлантди. Европаликларнинг бундай кўз-қараши ва муносабати биринчи жаҳон уруши охирига қадар давом этди. Европаликлар биринчи навбатда улардан халос бўлишга, иккинчидан улардан фойдаланиб, уларни ўз манфаатлари йўлида ишлатишга қарор қилишди. Шунинг учун, Сайкс-Пико ва Бальфур декларацияси каби келишувлар орқали уларни Фаластин заминига жойлаштириш тўғрисида катта тил бириктирув бошланди.

Ғарбнинг Фаластинда яҳудийлар учун миллий ватан пайдо қилиш ҳақида фикрлаши, уларни яхши кўрганлигидан ва уларга манфаат келтириш учун бўлмади. Аксинча, биринчи жаҳон уруши ортидан Халифалик қулатилганидан кейин муслмонларга қарши, шунингдек, Халифаликнинг қайта барпо бўлишига тўсиқ қўйиш учун тузилган илк режа бўлди. Яъни, муслмон юртларида Халифалик ғоясига қарши турадиган куч сифатида яҳудий вужуди ташкил этилди. Айни пайтда бу вужуд муслмон мамлакатлар билан Ғарб ўртасида кўприк вазифасини ўтамоқда. Ғарб ҳар қандай тезкор ҳарбий амалиётни шу куч ва кўприк орқали амалга ошироқда.

Ғарбнинг бундай кўз-қараши бошида яҳудийлар учун миллий ватан тузишга қаратилган эди. Кейин бу кўз-қараш ривожланиб, зарба бера оладиган кучга эга бўлган суверен давлатни тузишга ўтди. Яъни, бу давлат – Ғарб кўз-қарашига кўра – унинг

минтақадаги манфаатларига хавф туғдирувчи ҳар қандай кучга, айниқса, ислоний ҳаракатларга қарши Фарб армиясини қўллаб-қувватлаши керак. Бу ғояни Фарбнинг сиёсий доиралари, айниқса, ўша пайтда халқаро позицияда фаол бўлган Британия, Америка ва Совет Иттифоқи каби давлатлар қабул қилишган эди. Бу ғояни минтақадаги малай ҳукмдорлар ҳам қўллаб-қувватлашди. Шунинг учун биринчи жаҳон урушидан кейин буюк давлатлар минтақадаги айрим ҳукмдорларнинг бевосита ёрдами ва қўллаб-қувватлови билан яҳудийлар учун миллий ватан барпо этишга, бунинг ортидан, иккинчи жаҳон урушида ғолиб бўлган иттифоқчилар чиқиб кетганидан кейин халқаро доирада тан олинган давлатни пайдо қилишга шошилишди.

Фарб лойиҳаси шу чегарада тўхтаб қолмади. Аксинча, бундан бошқа янги ўзгаришлар пайдо бўлди. Айниқса, 11 сентябр воқеаларидан кейин халқаро аҳвол ўзгарди. Британия ва Россия орта чекиниб, халқаро майдонда Америка деярли ёлғиз ўзи ҳукмрон бўлиб қолди. Бу ўзгаришлар қаторида, босқинчи яҳудий вужудини минтақадаги тизимга қўшиб, у ердаги давлатлар ва халқлар томонидан қабул қилиниши учун ҳамда Миср, Кўрфаз давлатлари, Туркия, Иордания ва Эронга ўхшаган минтақадаги фаол давлатлар билан ҳамкор давлатга айлантириш орқали унинг регионал ҳукмронлик доирасини кенгайтириш учун амалий қадамлар ташланди. Бу биринчи навбатда Фаластин масаласи ҳисобига бўлди. Аниқроқ айтганда, Фарб илгари сурган «яҳудий вужудини мустақил давлатга айлантириш» лойиҳаси доирасида бўлди. Шунингдек, яҳудийларга ва сионистик лойиҳага душманлик тушунчаси ҳисобига бўлди. Бу борада кўплаб масалалар «яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштириш» режаси асосида ҳал этилди. Масалан, Ислон ва Араб давлатлари Лигасининг номи Ўрта Шарқ сиёсий Лигаси деб ўзгартирилиб, яҳудий вужуди унга киритилди. Бундан кўзланган мақсад, ушбу янги лигага кирган айрим давлатлар билан яҳудий вужуди ўртасида иттифоқ тузиш ҳамда Катта ёки Янги Ўрта Шарқ ғоясини амалда қўллаш эди.

Фарбнинг, аниқроғи, Американинг бундай кўз-қараши «терроризмга қарши кураш» номи остидаги сохта лойиҳага мос келди. Америка 2001 йилдаги сентябр воқеаларидан кейин «терроризмга қарши кураш» лойиҳасини Ироқ ва Афғонистонда бошлади. Бу лойиҳанинг асоси Америка ҳамда унинг қўлида қурол бўлиб келаётган минтақа давлатлари, халқаро кофир кучлар, шу жумладан яҳудий вужуди даъво қилаётганидек, террорга қарши кураш эмас, балки Ислонга қарши курашдир.

Ушбу янги лойиҳа бутун минтақа давлатларини қамраб олган кенг кўз-қарашга, шунингдек, Фаластин масаласига хос кўз-қарашга эга. Бу икки кўз-қараш битта нуқтада бирлашади. У ҳам бўлса, Исломга қарши курашиш ҳамда яҳудий вужудини халқаро ва регионал жиҳатдан қўллаб-қувватлашдир. Бу янги лойиҳага хизмат қиладиган энг муҳим ишлар қуйидагилардир:

1 – Айни лойиҳани қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг қаршисида турган ҳар қандай кучга қарши курашиш учун қўшма регионал куч (Араб давлатлари НАТОси)ни тузиш. АҚШ давлат котиби 2019 йил 11 декабрда Қоҳирага ташриф буюрганида айни шундай кучни тузишга чақириб, бундай деди: (Трамп маъмурияти минтақадаги энг хавфли таҳдидларга қарши туриш учун Ўрта Шарқда «стратегик альянс» таъсис этиш устида ишламоқда... Араб Кўрфази ишлари бўйича АҚШ давлат котиби ёрдамчиси ўринбосари Тим Лендеркингнинг айтишича, АҚШ маъмурияти келгуси январ ойида янги альянснинг очилиш маросимини ўтказиш учун саммит ўтказишни режалаштирмоқда... Тим Лендеркинг Амирликларнинг The National газетасига берган интервьюсида: «Альянс Миср, Иордания ва Қўшма Штатлардан ташқари Кўрфаз Ҳамкорлик Ташкилоти давлатлари бошчилигидаги тўққизта араб давлатини ўз ичига олади» – деди).

2 – «Аср келишуви» лойиҳасини терроризмга қарши кураш лойиҳасининг янгича кўз-қарашига мос келадиган янгича қиёфада фаоллаштириш; яҳудийларни бутун Фаластин устидан ҳукмрон қилиб, Ҳазода Синайгача чўзилган сохта бир давлатни пайдо қилиш. Тадқиқотчи Мансур Абу Карим «Аср келишуви ва регионал мақсадлар... янги Ўрта Шарқ» сарлавҳаси остида Ал-Жазира нетда нашр қилинган мақоласида бундай дейди: «Аср келишувида кўзланган регионал мақсад, қўшма хавфсизлик ва сиёсий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, янги НАТОни ташкил этиш орқали (Исроил) билан араб давлатлари ўртасидаги муносабатларга алоҳида эътибор қаратишдан иборат. Ўрта Шарқ минтақасида ривожланиш ва иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш (Исроил) ва минтақа давлатларини ўз ичига олган янги тизимини ўрнатишда тамал тоши бўлади...».

3 – Эски сиёсий лойиҳалар ўрнига бир қатор давлатларни ўз ичига олган Янги ёки Катта Ўрта Шарқни ва Ўрта Шарқ бозорини тузишга ҳаракат қилиш; Бу лойиҳада асосий рол яҳудийларга берилади. Янги Ўрта Шарқ ғояси минтақада яҳудий вужудини таъсис этиб, уни қўллаб-қувватлашга ва мустақамлашга қаратилган. Бу ғоя АҚШ президенти кичик Буш даврида, 2003 йили Ироқ ва Афғонистон босиб олинганидан кейин фаоллашди. Кичик Буш даврида давлат котибаси бўлган Кондолиза Райс 2005 йили

бундай деган эди: «Қўшма Штатлар 2003 йили Ироқда бўлганидек, бутун араб дунёсида демократик қадриятларни ўрнатиш учун Янги Ўрта Шарқни тузишга ҳаракат қилмоқда».

4 – Ўрта Шарқ Лигасини тузиш маълум тушунчалар орқали Янги Ўрта Шарқ лойиҳасини қўллаб-қувватлайди. Бу – минтақада яҳудий вужудининг мавжудлигига рози бўладиган, минтақа фарзандлари учун янги сақофатни белгиладиган ҳамда динлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ғоясини, шунингдек, минтақа давлатлари ўртасидаги сиёсий, фикрий ва иқтисодий муносабатларнинг нормаллашувини қўллаб-қувватладиган тушунчалардир. Иорданиянинг Арабул Явм газетаси 2002 йили қуйидагича фикр билдирган эди: «Кичик Жорж Буш (Исроилни) Араб давлатлари хавфсизлик ташкилотига киритишга, шунингдек, (Исроил) билан араб давлатлари ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича катта келишувлар имзоланиб, тўлақонли муносабатлар ўрнатилишига ҳаракат қилмоқда... Бутун минтақа янги пойдеворлар асосида қайта қурилиши керак ва бу террорга қарши курашиш учун зарурдир».

Фаластин масаласи, ундаги мусулмонлар ҳуқуқи ҳамда Фаластин атрофидаги минтақа давлатлари хусусидаги Ғарбнинг эски кўз-қараши, янги лойиҳалари ва тасаввурлари мана шулардир. Ғарб ва у билан бирга бўлган малай ҳукмдорлар мусулмон юртларда, хусусан, муборак Фаластин заминида ўзларининг сиёсий истак ва лойиҳаларини амалга ошириб, мустаҳкамлашда ютуққа эришадими? Ислом Уммати ва унинг муқаддас масканлари учун хавфли бўлган ушбу лойиҳада Ғарб қандай тўсиқларга учрайди?!

Бу саволга жавоб беришдан олдин шуни айтмоқчимизки, Ислом Уммати ўзининг узун тарихи давомида бундан бир неча бор хатарли ва катта лойиҳаларга дуч келган. У бизнинг бугунги воқелигимиздан ҳам заиф ҳолатда бўла туриб, душман лойиҳаларига нафақат қарши тура олган, балки уларни муваффақиятсизликка учратиб, барбод этган. Бунга ўрта асрлардаги салибчилик лойиҳасини ва ундан кейинги мўғуллар лойиҳасини мисол қилиш мумкин. Уммат бу лойиҳалардан кейин яна қайта оёққа туриб, ўзининг муқаддас масканларини, шон-шарафини ҳимоя қилган ва дини атрофида жипслашган. Бу ерда бир қанча ишлар борки, улар Умматнинг бундай лойиҳаларга қарши туриб, уларни рад этиши, бу лойиҳаларни амалга ошириш уринишларида Ғарбнинг муваффақиятсизликка учраши ҳақида хабар беради. Бу ишлар:

1 – Ер юзининг шарқу ғарбида Уммат умумий шаклда куфрни, хоссатан яҳудий вужудини рад этмоқда. Кэмп-Дэвид шартномасидан қирқ йил ўтганидан кейин яҳудий вужуди бош вазири кнессетда бундай деди: (Миср билан бўлган тинчлик ҳамон



совуқ тинчлик бўлиб қолмоқда. Чунки тинчлик фақат дипломатияга чекланиб, халқларга етиб бормаяпти).

2 – Ғарбнинг ғоя ва сиёсатлари ўз ерида муваффақиятсизликка учраб, ўз халқи ундан воз кечмоқда. Бунга Ғарб мамлакатларида кетма-кет юз бераётган фикрий ва сиёсий инқирозлардан кучлироқ далил бўлмаса керак. Халқлар Ғарб мамлакатларида юз бераётган воқеаларни кўргач, унинг сиёсий лойиҳаларини рад этмоқдалар, фикри ва турмуш тарзидан воз кечмоқдалар. 2015 йил 15 октябрда норозилик намойишлари биринчи бор бутун дунё шаҳарларини қамраб олди. Чунки бутун дунё бўйлаб 1500дан ортиқ шаҳарда норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Ёлғиз Қўшма Штатларнинг ўзида юзта шаҳарда намойишлар юз берди. Дунёнинг кўп пойтахтларида намойишлар зўравонликларга айланиб кетди.

3 – Умнат дини атрофида жипслашмоқда. Барча мусулмон мамлакатларда Умнатнинг динига қайтиши тезлашмоқда ва Умнат исломий сиёсий лойиҳани жонлантиришга чақирмоқда... Умнатнинг ушбу лойиҳа ва унинг йўлида фаолият олиб борувчилар атрофида жипслашишида Фаластиннинг зое бўлиши ва бу масалада ҳукмдорлар лоқайдлигининг таъсири кучли бўлди.

4 – Ҳукмдорларнинг халқ олдида – айниқса 2011 йилдаги кўзғолонлардан кейин – ҳақиқий башараси очилди. Ҳукмдорларнинг яҳудий вужуди ортидан чопиши ва кофир хўжайинлари қўйнига ўзларини отиши халқ олдида уларнинг башаралари очилишини тезлаштиради.

Булар ва булардан бошқа ишлар кофир Ғарбнинг нафақат муборак заминдаги ва унинг атрофидаги лойиҳаси барбод бўлишидан, балки бутун лойиҳалари муваффақиятсизликка учраб, мусулмон юртлардаги малай ҳукмдорларнинг заволга юз тутишидан ҳам хабар бермоқда. Фаластин масаласи ўзининг шаръий аслига қайтиб, Ислом диёрининг марказига ва замон охирида Халифалик бешигига айланади. Умнат солибчилар ва мўғулларга қарши бирлашганидек, яна қайта бирлашади. Абу Довуд ўз Сунанида ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ башорат қилганларидек ушбу муборак замин Халифалик бешиги бўлади:

«إِذَا رَأَيْتَ الْخِلَافَةَ قَدْ نَزَلَتْ الْأَرْضَ الْمُقَدَّسَةَ فَقَدْ دَنَتْ الرَّزَالُ وَالْبَلَابِلُ وَالْأُمُورُ الْعِظَامُ،

وَالسَّاعَةُ يَوْمِنِذٍ أَقْرَبُ مِنَ النَّاسِ مِنْ يَدِي هَذِهِ مِنْ رَأْسِكَ»

«Агар Халифалик муқаддас заминга кўчганини кўрсангиз, демак, зилзилалар, нотинчликлар ва улкан ишлар яқинлашган бўлади. Ўша кунда одамларга қиёмат соати бошинг устидаги мана бу қўлимдан ҳам яқин бўлади». Росулulloҳ ﷺ ушбу муборак заминнинг яҳудийлар учун қабрга

айланиши ҳақида башорат қиладилар. Аллоҳ Таоло яҳудийларга Ўзининг ушбу сўзлари билан таҳдид қилади:

﴿عَسَىٰ رَبُّكُمْ أَن يَرْحَمَكُمْ وَإِنْ عُدتُّمْ عُدْنَا وَجَعَلْنَا جَهَنَّمَ لِلْكَافِرِينَ حَصِيرًا﴾

«(Агар тавба-тазарру қилсангизлар), **шояд Парвардигорларингиз сизларга раҳм қилса. Агар (яна бузғунчиликка) қайтсангизлар, биз ҳам (сизларни ҳалок этишга) қайтурмиз. Биз кофирлар учун жаҳаннамни зиндон қилиб қўйганмиз»** [Исро 8]

Яъни, улар яна бузғунчилик қилишадиган бўлса, Аллоҳ уларни яна жазолашни ва ушбу муборак заминдан йўқ қилишни ваъда қилмоқда.

Умат армиялари Муҳаммад Фотиҳ ва Абдуррахмон Ғофиқийлар йўлини қайта давом эттириш учун кофир диёрлар маркази бўлган Рум сари йўлга тушадилар. Ўша кунда Росулulloҳ ﷺнинг сўзлари ўз тасдиқини топади. Росулulloҳ ﷺдан «Икки шаҳардан қайси бири биринчи фатҳ қилинади, Константинополми ёки Румми? – деб сўралганида, у зот:

مَدِينَةُ هِرَقْلٍ تُفْتَحُ أَوْلًا، يَعْنِي قُسْطَنْطِينِيَّةَ

«**Ирақлининг шаҳри, яъни Константинопол биринчи фатҳ қилинади»**, деб жавоб қилдилар. Бу ҳадисни Имом Аҳмад ривоят қилган.

Аллоҳ Таолодан Муборак заминнинг барча яхшиликлар очқичи бўлиб қолишини сўраймиз. Аллоҳ Таоло хоинларга ва Ғарб лойиҳаларига қарши буюк ҳазорий лойиҳа бўлмиш пайғамбарлик минҳожиди асосидаги рошид Халифалик лойиҳасида Ислому Умматини бирлаштиради. Умат армиялари бирлашиб, Европани, Румни ва барча куфр мамлакатларини фатҳ қилиш сари ҳаракатга келсин. Бу билан Росулulloҳ ﷺнинг ушбу башоратлари ўз тасдиқини топади:

﴿إِنَّ اللَّهَ زَوَىٰ لِي الْأَرْضَ فَرَأَيْتُ مَشَارِقَهَا وَمَغَارِبَهَا، وَإِنَّ مَلِكًا أُمَّتِي سَيَلْبُغُ مَا زَوَىٰ لِي مِنْهَا، وَأُعْطِيَتِ الْكَنْزَيْنِ الْأَحْمَرَ وَالْأَبْيَضَ﴾

«**Аллоҳ ерни менга йиғиб кўрсатди, шунда унинг кун чиқишидан кун ботишигача барча жойларини кўрдим. Аниқки, Умматим мулки менга йиғиб кўрсатилган жойларгача етиб боради. Менга қизил ва оқ икки хазина (Форс ва Рум давлати хазиналари) берилди»**. Муслим ривояти. Бунинг яқин кунларда бўлишини Аллоҳдан сўраб қоламиз. □

## УММАТНИНГ ТАҚДИРИЙ МАСАЛАСИ ВА ҲИЗБ УТ-ТАҲРИР

Набил Абдулкарим Абу Мусъаб

Маълумки, бугунги кунда мусулмонларнинг яшаш тарзи мутлақо Ислом мафкурасига мос келмайди. Чунки Ислом давлати қулатилганидан буён мусулмонлар куфр низомлари асосида бошқарилмоқда. Уларнинг битта давлати элликдан ортиқ давлатга парчаланиб, битта ҳукмдор ўрнига элликдан ортиқ ҳукмдор пайдо бўлди. Ўша пайтдан бошлаб мусулмонлар Дорул куфрда яшашга маҳкум бўлиб қолдилар. Улар Аллоҳнинг қонуни билан бошқарилиш ўрнига Ғарб томонидан тузилган конституциялар асосида бошқарилмоқда ва капиталистик тузумга мувофиқ яшашмоқда. Гарчи уларнинг нафсияси исломий бўлса-да ва улар динни руҳий ибодат сифатида тутсаларда, бироқ, улар шариат ҳукмларини ҳаётнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳаларида татбиқ қилишдан йироқлашдилар.

Мусулмонлар ихтилоф қилмайдиган нарса шуки, биз бугун Ҳузайфа رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда айтиб ўтилган, Пайғамбарлик минҳожини асосидаги Халифалик босқичидан битта олдинги золим-зўравон ҳокимлар замонида яшаяпмиз. Ҳузайфа رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم айтадилар:

«تَكُونُ النَّبُوءَةُ فِيكُمْ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَا جِ النَّبُوءَةُ فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا عَاصِيًا، فَيَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا جَبْرِيَّةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَا جِ النَّبُوءَةُ. ثُمَّ سَكَتَ.»

«Сизларнинг орангизда Аллоҳ хоҳлаганича пайғамбарлик давом этади. Сўнг Аллоҳ хоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожини асосида Халифалик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг раиятига зулм ва адолатсизликлар етадиган подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг золим-зўравон подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожини асосидаги Халифалик бўлади. Кейин Пайғамбар صلى الله عليه وسلم сукутга чўмдилар». Кўриб турганимиздек, зўравон ҳукмдор бошқарувнинг қайси шакли (қироллик, президентлик ёки республика) билан бошқаришидан қатъий назар, у инсонлар томонидан ишлаб чиқилган конституция

билан бошқарадиган тоғутдир. Шунингдек, у Исломга қарши курашувчи хоин бўлиб, Ғарбга боғланган ва унинг буйруғига биноан иш тутадиган ҳукмдордир. Унинг вазифаси Умнатни динига мос бошқарувдан узоқлаштириш ҳамда юрт бойликларини ўзи ва ғарблик хўжайинлари фойдасига талон-торож қилинишини таъминлашдир.

Ғарб Исломни давлатнинг конституцияси, Умнат қонунчилиги ва ҳаёт тузуми сифатида йўқ қилишга муваффақ бўлди ва унинг ўрнига бизнинг ҳаётимиз низомини ўзгартирган сунъий конституцияни олиб келди. Ғарб бизнинг давлатимизни қандай ағдаришга муваффақ бўлди? Қандай қилиб мусулмонлар бунга сукут сақлашди? Қандай қилиб бу сукунат давлат қулаганидан кейин бир аср мобайнида давом этяпти. Наҳотки бу масала Аллоҳ раҳм-шафқат кўрсатган бир неча кишигагина тегишли бўлиб қолган бўлса. Аслида, Умнат ўз давлатлари ағдарилган пайтда ҳаёт-мамот масаласи нима эканини билмаган эди ва у ҳамон шундай давом этмоқда. Шунинг учун кўряпмизки, Умнат мусулмонларни гавдалантириб, Ислом мабдасини кўтариб чиқадиган ва мусулмонларни шариат соясидаги муносиб ҳаётга қайтарадиган сиёсий вужудни пайдо қилиш масъулиятини зиммасига олишга бепарволик қилмоқда.

Дунёдаги ҳар бир миллат ва ҳар бир халқ ўз тақдири билан боғлиқ масалаларга эга бўлиши лозим. Улар ўз тақдири учун жони ва молини истак ва ғайрат билан, ҳеч қандай иккиланмасдан ва мунозарасиз бериши керак... Бу масалалар миллатлар ва халқлар ўртасида уларнинг ҳаёт ҳақидаги қарашларига кўра фарқ қилади. Ислом мусулмонларга уларнинг тақдирий масалалари нимада эканлигини тушунтириб, уни ҳаёт-мамот масаласи сифатида ушлашни вазифа қилиб юклади. Шунинг учун бу масалалардан хабардор бўлиш зарур ҳамда Қуръони каримда ва Росулulloҳ ﷺнинг ҳадисларида айтилганидек, унга нисбатан кўриладиган зарур тартиб-қоидаларни тушуниш керак. Шунингдек, бу йўлда ҳаракатсизлик содир бўлмаслиги ва орқада қолмаслик зарурдир.

Исломнинг диндан қайтган шахс ёки гуруҳга муносабати ва уларга чора кўрилиши ушбу тақдирий масалалардан биридир. Яъни Исломдан қайтган шахс ё тавба қилиши ёки ўлдирилиши керак. Шунинг учун Ислом ишни аниқлаб, тартибини белгилаб қўйди. Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ بَدَّلَ دِينَهُ فَاقْتُلُوهُ»

«Ким динини ўзгартирса, уни ўлдиришлар». Ибн Масъуд ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ айтдилар:

«لَا يَحِلُّ دَمُ امْرِئٍ مُسْلِمٍ يَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ رَسُولَ اللَّهِ إِلَّا يَأْخُذَ ثَلَاثَ: الثَّيِّبُ الرَّأْيِي، وَالنَّفْسُ بِالنَّفْسِ، وَالتَّارِكُ لِدِينِهِ الْمَفَارِقُ لِلْجَمَاعَةِ»

«Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва мен Аллоҳнинг Росули эканлигимга гувоҳлик берадиган мусулмоннинг қонини тўкиш ҳаромдир. Аммо ушбу уч тоифадаги кишилар бундан мустасно: уйланган зинокор, ноҳақдан одам ўлдирган қотил, динини тарк этувчи ва жамоатдан ажралиб чиқувчи киши». Муттафақун алайҳ. Саҳобалар, тобеинлар ва тобеинларнинг издошлари муртадни шафқатсиз ўлдиришган. Шунингдек, Ислом Уммат ва давлат бирлиги масаласини ҳал қилувчи масалалардан бирига айлантирди, Абу Саид Худрий Уммат бирлиги масаласида Росулulloҳ ﷺдан шундай ривоят қилади:

«إِذَا بُوعَ خَلِيفَتَيْنِ فَأَقْتُلُوا الْأَخَرَ مِنْهُمَا»

«Агар икки халифага байъат берилса, иккинчисини ўлдиришлар». Ислом давлатнинг бўлинишини ва унга қарши чиқишни ман қилган. Шунингдек, исён кўтариш ва Уммат сафини бузишни тақиқлаб, уни тақдирий масалага айлантирган. Аллоҳ Таоло бу ҳақда бундай дейди:

﴿وَإِنْ طَافَتَانِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ اقْتَتَلُوا فَأَصْلِحُوا بَيْنَهُمَا فَإِنْ بَغَتْ إِحْدَهُمَا عَلَى الْأُخْرَى فَقَاتِلُوا الَّتِي تَبَغَى حَتَّى تَفِيءَ إِلَى أَمْرِ اللَّهِ﴾

«(Эй мўминлар), агар мўминлардан бўлган икки тоифа (бир-бирлари билан) уришиб қолсалар, дарҳол уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Энди агар улардан бирови иккинчисининг устига тажовуз қилса, бас то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича, сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан уришинглар!» [Ҳужурот 9]

Аждодларимиз бу ишни энг буюк ва юксак иш деб билиб, бу борада хоҳ шахс, хоҳ жамоат бўлсин, эътиборсизлик қилишмаган. Шунингдек, Ислом жамиятда очиқ куфр пайдо бўлишини тақдирий муаммо қилиб белгилаган. Авф ибн Молик Росулulloҳ ﷺдан шундай ривоят қилади:

«سَتَكُونُ أُمَرَاءُ فَتَعْرِفُونَ وَتُنْكِرُونَ، فَمَنْ عَرَفَ بَرِيءٌ، وَمَنْ أَنْكَرَ سَلِمَ، وَلَكِنْ مَنْ رَضِيَ وَتَابَعَ، قَالُوا: أَفَلَا نُقَاتِلُهُمْ؟ قَالَ: لَا، مَا صَلُّوا»

«Келажакда амирлар бўлади, сизлар (уларнинг маъруф ва мункар амалларини жуда яхши) биласизлар ва (мункарларини) инкор этасизлар. Бас, ким (уларнинг мункар амалларини) билиб, (ёмон кўрса) пок бўлади, ким (уларнинг мункар

амалларини) **инкор қилса саломат қолади, лекин кимда ким** (мункарга) **рози бўлиб, эргашса борми!** Биз ундай амирларга қарши жанг қиламизми, деб сўрашди, Пайғамбар ﷺ айтдилар: **Йўқ, модомики намоз ўқир эканлар** (уларга қарши жанг қилмайсизлар)». Намозни ўрнатиш эса, динни ўрнатишда кўринади, шунингдек, бу Ислом билан бошқариш ва унинг шиорларини кўрсатиш маъносини англатади. Бундан ташқари, Ислом намозни ҳаёт-мамот масаласи қилиб белгилаган. Кимки Ислом билан бошқаришни ташлаб, куфр системаси билан ҳукмронлик қилса, муслмонлар бу ҳақда жим турмасликлари керак, чунки бу тақдирий масаладир. Аммо муслмонлар Исломни заиф тушунганлари ва Фарбнинг муслмонларга нисбатан фикрий ва сақофий кураши туфайли ҳамда мустамлакачи Фарб малайлари бўлмиш жиноятчи золим ҳукмдорларнинг зулмидан қўрққанликлари сабабли Аллоҳ нозил қилган аҳкомлардан бошқа ҳукмлар билан бошқарадиган ҳукмдорларга сукут сақлашди. Чунки бу масала муслмонларда тақдирий масала мақомидан тушиб кетди. Шундай бўлди ва муслмонлар ўзларининг ҳукмдорларидан очиқ куфрни кўрсалар ҳам уларни ўзгартириш учун ҳаракат қилмайдиган бўлиб қолишди. Шунингдек, шариат тақдирий масала қилиб белгилаб қўйган барча масалаларни Умнат тақдирий масала деб ҳисобламайдиган бўлиб қолди. Бундан ташқари, Умнат бундай ҳукмдорларни қулатиш учун ҳеч қандай чоралар кўрмайдиган ва ҳаракат қилмайдиган бўлиб қолди.

Фарб, муслмонларнинг тақдирий масалаларини қабул қилишларига ва уларни амалда қўллашларига йўл қўймаслик учун, айниқса Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан бошқариш масаласида уларга тўсқинлик қилиш учун ҳаракат қилиб келмоқда. Балки Фарб Исломни ҳокимиятга қайтармасликни тақдирий ва ҳаёт-мамот масаласи қилиб, у ҳақда гапирадиган ҳар бир кишини жиддий жиноятчи деб ҳисоблади. Шунинг учун кўряпмизки, Фарб давлатлари бугун Ислом гигантининг кўтарилишига йўл қўймаслик учун бор кучлари билан ҳаракат қилишмоқда. Улар бошқа ҳар қандай нарсада ихтилофлашсаларда, бу масалада яқдилдирлар. Бу йўлда улар ўлишга ҳам, ўз халқларини ўлдиришга ҳам, барча пулларини сарфлашга ҳам, ўз малайларидан воз кечишга ҳам, ўзлари ҳокимиятга олиб чиқиб, улар орқали динни бузган исломий башараларни йўқотишга ҳам тайёрдирлар. Бу нарса араб баҳори номли инқилобларда, айниқса улкан ва катта пулларни сарфлашган Шом инқилобида яққол кўзга ташланди.

Фарб давлатлари муслмонларни тақдирий масалаларидан чалғитиб, иккинчи даражали масалаларни тақдирий масала сифатида қабул қилишлари учун ҳаракат қилиб келди. Улар

тақдирий масалаларнинг Умнат фикридан йироқлатиш, иккинчи даражали масалаларни асосий масалаларга айлантириш, мусулмонларнинг ўз динларини нотўғри тушунишда давом этишини таъминлаш... мана шуларнинг барчаси учун малай муфаккир уламолар лашкарларини тузишди. Сўнг барча пойтахтларда бу лашкарларга имконият яратиб, уларни пул, ҳукмронлик ва куч билан қўллаб-қувватлашди. Бу кимсаларни ҳукмдорларга яқин кимсаларга айлантиришдики, улар орқали ҳукмдорлар ҳар бир ростгўй ва холис инсонга қарши курашиб, ўзлари жорий қилган таълим дастурлари ёрдамида биргаликда Умнатни саводсиз қилиш устида ишлашди. Натижада толиби илмлар фақат ўшаларнинг фикрини гапирадиган ва ўшалар тутган йўлдан юрадиган, ўзларини мен ҳақман ва мен тўғриман, деб биладиган бўлиб қолди. Ўша таълим дастурлари шундай фосиқ олим ва ҳуқуқшуносларни етиштириб чиқардики, улар кофир Ғарбга хизмат қилиш учун қайсидир юртда жиҳодни фарз деб фатво берсалар, ҳеч қанча вақт ўтмай ўша юртда жиҳод қилиш ҳаром эканига фатво беришди. Бунга мисол улар олдин яҳудийлар билан сулҳ тузиш ҳаромлигига фатво беришган бўлса, кейинроқ улар билан сулҳ тузиш жоизлигига фатво беришди... Шундай қилиб, биз уларни Ғарбнинг режаларига биноан гоҳ бир ишнинг ҳаромлигига, гоҳида эса ўша ишнинг ҳалол эканига фатво бераётганини кўряпмиз. Шунингдек, улар Қуръон ва Суннатдан далилларни танлаб, уларни ўз мавқеларидан бошқа ўринларда ишлатаётгани, уларга биз илгари эшитмаган маъноларни бераётгани ва ўзларига керакли нарсаларга далил қилаётганини кўриб турибмиз... Бу нарса мусулмонларнинг тушунчаларидаги тақдирий масалаларнинг суюлишига олиб келди ва олиб келмоқда.

Бугунги кунда мусулмонлар бошқа масалаларнинг калити бўлмиш юсак тақдирий масалани аниқлаб олишлари керак. Чунки у вужудга келса, бошқа муҳим масалаларни амалга оширишга ёрдам беради. Бу эса, Халифаликни тиклаш бўлиб, худди Росулulloҳ ﷺ ўрнатган давлат сингари бугунги кундаги куфр диёрини Исломи диёрига айлантиради. Мусулмонлар бу масалага ҳаёт-мамот масаласи сифатида ёндашишлари лозим. Агар Умнат ушбу тушунчани йўқотса, ожиз бўлиб қолади. Агар у Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан бошқаришни тақдирий масала сифатида ушламаса ҳамда Аллоҳнинг шариатини ҳакам қилиш орқали Халифаликни ўрнатишни асосий тақдирий масала деб билмаса ва ҳаёт-мамот масаласи сифатида ушламаса тезда муваффақиятсизликка учрайди.

Исломи мабдаси ушбу Умнатнинг мероси, сақофати ва тарихида мавжуд. Аммо Умнат бу нарсага бефарқ. Лекин у мабдани ўз

ҳаётига татбиқ қилмаса, унда мабданинг мавжуд бўлиши етарли эмас... Чунки Умматни ҳаётга қайтарадиган ягона нарса мабдадир. Демак, миллатни маърифатли қилиш, ундаги мабдани қайта тиклаш ва шариат ҳакамлигини ҳаёт-мамот масаласи бўлмиш тақдирий масалага айлантириш учун фаолият олиб борадиган бир гуруҳ ёки партия бўлиши керак. Уммат фикрат ва тариқатга эга бўлган мабдага шу тариқа йўл топади. Ушбу партия ёки уюшма Ислом ақидасига асосланиб, Ислом ғоялари, ҳукмлари ва муолажаларини қабул қилиши ҳамда унинг тариқати фикратидан келиб чиқиши ва Росулulloҳ ﷺнинг тариқати билан бир хил бўлиши керак.

Афсуски, Уммат орасида буни тушунган, билган ва шу йўлда 1953 йилда фаолият бошлаган фақат Ҳизб ут-Таҳрир бўлди. Ҳизб ут-Таҳрир мужтаҳид мутлақ томонидан ташкил этилган сиёсий партия бўлиб, мабдаси Ислом, фаолияти сиёсатдир. Ҳизб Умматга унинг асосий тақдирий масаласини англатиш ҳамда уни рошид Халифаликни ва Аллоҳнинг шариати асосидаги бошқарувни барпо этиш сари етаклаш учун Уммат орасида ва у билан бирга фаолият олиб бормоқда. Ҳизб Ислом Умматини уйғотиб, уни таназзулдан ва диндан узоқлашишдан қутқариш вазифасини ўз зиммасига олган. У Фарбнинг барча режалари ва макр-ҳийлаларини фош этади ҳамда муслмонларни Ислом диёрига ва Аллоҳнинг шариатини татбиқ қиладиган исломий жамиятдаги исломий турмуш тарзга қайтариш учун уларни тўғри йўлга бошлайди. Унинг ҳаёт ҳақидаги тушунчаси ҳалол ва ҳаромдан иборат бўлиб, мақсади – Улуғ ва буюк Аллоҳнинг розилигига етиш, бутун инсониятни нурга олиб чиқиш ҳамда куфр ва унинг режимларига қарши курашишдир. Токи, Ислом ер юзининг барча қисмларини қамраб олсин.

Шундан келиб чиқиб, бугун биз Ҳизб ут-Таҳрирга қарши турли яширин урушлар, жумладан, ахборот блокадаси, ҳибсга олиш, хунук қилиб кўрсатиш, тўхмат ва қийноқ каби ишлар олиб борилаётганини кўряпмиз. Ҳизб тўғридан-тўғри ҳужумга учраса, Уммат уни ўз бағрига олишини улар яхши билишади. Шу сабабли, маҳаллий малайлари орқали унинг ҳаракатини фалаж қилиш учун ўша малайларга ҳамда таҳлилий марказларга режа ишлаб чиқиш вазифасини юклади. Чунки у глобал мабдани олиб чиқаётган оламшумул Ҳизбдир. Агар у ўзи истаган давлатни барпо қилса, глобал тизим катта хавф остида қолади. Шунинг учун улар Ҳизбни фалаж қилишга ва унинг суратини бузиб кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда. Ҳизбнинг радикал фундаменталистик ҳаракат сифатида таснифланиши Фарбда уни айблов нишонига айлантирди ва у араб юртларида бутунлай тақиқланди.



Дарҳақиқат, Никсон маркази Ҳизб ут-Таҳрир борасида кенг қамровли тадқиқот бошлаб, 2007 йил 23 сентябрдаги ҳисоботида шу ҳақда тавсиялар берган. Қуйида ўша тавсиялардан айримларини келтириб ўтамиз:

«Ҳизб ут-Таҳрир халқаро феномен (кўриниш)га айланиб улгурди. Шундай экан, АҚШ ва Европадан нафақат ўз мамлакатларида, балки бутун дунёда унинг хавф-хатарини енгиш учун кенг қамровли стратегия тайёрлаш талаб қилинади.

Шунинг учун улар қуйидаги маслаҳатларни беришди.

– Диний эркинлик нуқтаи назаридан Ҳизб ут-Таҳрир билан муомала қилмаслик.

– Ҳизб ут-Таҳрирнинг антисемитизмни тарқатишга ҳаракат қилаётганини англаб етиш. Шунинг учун бу ҳизбни тийиб қўйиш учун янги воситаларни топиш лозим. Масалан, «нафрат пайдо қилишга ҳаракат қилиш жинояти» каби янги қонунлар ишлаб чиқиш мумкин.

– Германия андозасини ўрганиш. Чунки улар 2003 йилда партияни тақиқлашди.

– «Терроризмга қарши уруш»да Ҳизб ут-Таҳрир ва бошқа исломий ҳаракатларга қарши ғоявий даражада курашиш.

Бироқ, РАНД муассасаси 2007 йилги мўътадил исломий тармоқларни шакллантириш тўғрисидаги ҳисоботида жиддий ечимларни тақдим этди. Бу ҳисобот мафкуравий ёки интеллектуал (фикрий) урушга қаратилганлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Чунки у нафақат назарий ҳисобот, балки унинг доирасидан ташқарига чиқиб, реал режаларни ишлаб чиқди. Ушбу ҳисобот АҚШ ҳукуматида диаспоралар ва исломий жамиятлар ўртасида радикализмнинг ўрнини босадиган альтернативаларни тарғиб қилиш учун «тенг шароитлар яратиш»ни маслаҳат беради. Бундан кейин нима бўлишидан қатъий назар, муқобил ғояларни тарқатиш учун жой бўлади. Ҳисобот Салафий Исломга қарши курашда Сўфилик оқимидан фойдаланишни тавсия қилади. Шунингдек у (мутафаккирлар, либерал академиклар, аналитиклар, мўътадил нео-ваъзгўйлар, фаол халқ раҳбарлари, феминистик ҳаракатлар, тенглик тарафдорлари, журналистлар ва ёзувчилар)дан иборат мўътадиллар билан ҳамкорлик қилиш ва Америка концепциясига мувофиқ мўътадил оқимни қўллаб-қувватловчи институтларни яратиш тўғрисида маслаҳат беради. Ҳисоботда ушбу босқичда ҳақиқий ғалабага эришиш қийинлиги сабабли марказга зарар етказмасдан ёки унга яқинлашмасдан исломий оқимга қарши курашга эътибор қаратиш муҳимлиги тавсия этилади. Ушбу ҳисобот араб ва Ислом дунёсидаги қарор қабул қилувчиларга, шу жумладан олимлар, мутафаккирлар ва сиёсатчилар учун таржима қилиниб,

тарқатилиши ва Америка тавсияларига биноан улар билан ҳамкорлик қилиниши тавсия қилинади. Зеро, ҳисоботда унинг муаллифлари мўътадил деб таърифлаган муассаса номлари ва шахслар исмларини аниқ кўрсатувчи харита тақдим этилган.

2013 йилда Шеррилл Бенард ўзининг «Фуқаровий демократик ислом» номли китобида фундаменталистларга бундай таъриф берди: Улар демократик қадриятларни ва замонавий Фарб маданиятини инкор этадиган, ўзларининг шариат ва Ислом ахлоқи билан боғлиқ экстремистик қарашларини татбиқ қилувчи авторитар давлат қуришни хоҳлайдиган, ўз мақсадларига эришишда замонавий технологиялардан фойдаланаётган... Фарбга, хусусан Қўшма Штатларга душман бўлган ва демократик замонавийликни бузиш ва йўқ қилишга ҳаракат қилаётган кимсалардир. Китобда яна баъзи тавсиялар берилган бўлиб, қуйида уларни келтириб ўтамиз:

Анъанавийларни фундаменталистларга қарши қўллаб-қувватлаш: анъанавийчиларнинг зўравонлик ва фундаменталистик экстремизмни танқид қилишларини кенг миқёсда тарқатиш, улар ўртасидаги тортишувни кенгайтириш ва ҳар қандай яқинлашишнинг олдини олиш, анъанавийчиларни ўқитиш ва уларни фундаменталистлар билан баҳс-мунозараларга тайёрлаш – чунки улар фундаменталистлар анъанавийчилардан равонроқ эканини билишади – ва сўфиликнинг тарқалишини ва жамиятлар томонидан қабул қилинишини рағбатлантириш.

Фундаменталистларга қарши туриш: уларнинг Ислом ҳақидаги талқинларига қарши чиқиш, хатоларини кўрсатиш, уларнинг ноқонуний гуруҳлар ва фаолиятларга алоқадорлигини очиш, уларнинг зўравонлик ҳаракатларини оммавий равишда фош этиш, ўз мамлакатларини бошқаришга ёки ҳар қандай ижобий ривожланишга қодир эмасликларини исботлаш, уларни кенг қўламда тарқатиш, уларни ҳурматлашни ёки ишларига қойил қолишни олдини олиш ва уларни етук қаҳрамонлар эмас, балки каловланган кўрқоқлар сифатида кўрсатиш, журналистларни улар орасидаги бузуқлик ва ахлоқсиз хатти-ҳаракатларни ёритишларига рағбатлантириш ҳамда улар ўртасида бўлинишни чуқурлаштириш.

Биз бугун 2020 йилда яшаётган эканмиз, воқеда уларнинг айна ҳисоботларида айтилган нарсаларни исломий юртларда фаоллаштиришга уринишаётганига гувоҳ бўляпмиз. Дарҳақиқат, вайрон қилиш ичкаридан, ана шу ҳисоботлардан заҳарланган мусулмонлар томонидан бошланди. Зеро, ичкаридан бўладиган таъсир каттароқ ва муваффақиятлироқ бўлади.

Улар эришган нарсалардан қуйидагиларни эслатиб ўтамиз:

– Исломчилар (радикаллар)нинг ҳар қандай мансаб ёки ҳокимиятга эга бўлишига йўл қўймаслик.

– Сўфи оқимлар билан ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш. АҚШнинг собиқ элчиси (Френсис Ричард Донне) сўфи гуруҳлари билан муносабатларни мустаҳкамлади ва уларни Фарб манфаатларига хизмат қилишлари учун қўллаб-қувватлади.

– Азҳарга дунёвий оммавий ахборот воситалари орқали тинимсиз ҳужум қилиш, уларни реакцион ва қоқоқликда айблаб, (террорчилар) тайёрлайдиган ўчоқ сифатида таърифлаш.

– (Фундаменталист Ислом)га зарба бериш учун янги воизларга эшикларни очиш. Бу фақат ахлоқ ва ибодатга эътибор бериб, динни сиёсатдан четлаштириш, демократияни қабул қилиш ва ҳоказоларга қизиқувчи воизлар учун янги атамадир.

– Ва ниҳоят, эътиқодли мусулмонни хунук қилиб кўрсатадиган мўътадил исломни тарғиб қилиш. Бу кўп вақтни олиши ва улкан интеллектуал куч талаб қилинишига қарамай, муваффақиятли ва кучли таъсирга эга усулдир.

Мўътадил Ислом меъёрлари – демократик ғояни қабул қилиш, қонунчиликда замонавий манбаларни тан олиш, шариатдан фойдаланишни рад этиш, терроризм ва зўравонликни қоралаш, ўз фикрларини қўллаб-қувватлаш учун нусусларни Ислом меросидан чиқариб ташлашга чақириш ҳамда аёллар ва диний озчиликларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишдир.

Агар биз бу масалага аҳамият бермасак ва бу яширин фикрий ҳужумлардан хабардор бўлмасак, мўътадил динни ёйиш номи остида диннинг барқарор қоидаларини бирин-кетин бузади. Афсуски, Фарб ўзларининг мафкураларини тарқатиш учун бузуқ мутафаккирлар ва билиб ёки билмай Фарбга хизмат қилаётган кишиларга очиқ ёрдам бермоқда.

Исломни бошқарув низоми ва ҳаёт тарзи сифатида қайтармасдан туриб Ислом Умматининг бирлигига эришиш мумкин эмас. Ислом ҳукмларига риоя қилиш мусулмонларни битта Уммат бўлгани каби битта давлат бўлишга мажбур қилади. Умматдаги асосий тамойил шундан иборатки, уларнинг Роббиси битта, Пайғамбари битта, дини битта, Қуръони битта ва қибласи битта. Уларни Ислом билан бошқарадиган ҳамда уни даъват ва жиҳод орқали дунёга олиб чиқадиган битта халифаси ёки имоми бўлиши керак.

Биз ўз амалларимиз ва тақдирий масаламизга эътиборсиз бўлар эканмиз, Уммат бирлашмайди. Биз Фарбнинг динимизга ҳийланайранг қилаётганини кўрсакда ҳаракатсиз жим турибмиз. Фарб бизни фойдасиз ва жирканч ватанпарварлик ва миллатчилик масалаларида қонли урушларга шўнғишимизни истайди... Агар биз

тақдирий масалани (Аллоҳ нозил қилган шариат бошқарувини) амалда қўлламасак ва унга ҳаёт-мамонт масаласи сифатида қарамасак, аждодлар улуғворлигига қайта олмаймиз ва тезда Ғарбнинг қулларига айланамиз.

Бугунги кунда мусулмонлар Ислом рисолатини дунёга олиб чиқиш ва уни барча одамларга етказишга масъулдирлар ва улар Қиёмат куни одамларга қарши гувоҳ бўладилар. Аллоҳ Таолонинг қўйидаги қавли буни тасдиқлайди:

﴿وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ وَيَكُونَ الرَّسُولُ عَلَيْكُمْ

شَهِيدًا﴾

**«Шунингдек (яъни ҳақ йўлга ҳидоят қилганимиз каби), сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун васат (адолатли) бир уммат қилдик»**

[Бақара 143]

Одил Уммат миллатларнинг энг юксаги, адолатлиси ва комилидир. Биз Исломни тўлиқ татбиқ қилмагунча бу мақомга эриша олмаймиз ва буни фақат давлат орқали амалга ошириш мумкин.

Аллоҳим, бизга Халифаликни барпо этишни насиб эт ва бизни унинг содиқ аскарлари қаторига қўш ва Ўз изнинг билан уни яқинлаштир. □

## **КАПИТАЛИСТИК ҲАЗОРАТ ҲАМДА УНИНГ ДАРВИНИЗМ АСОСИДАГИ КЎЗ-ҚАРАШНИНГ ЯРОҚСИЗЛИГИ (3) ДАРВИНИЗМ КЎЗ-ҚАРАШНИНГ КАПИТАЛИСТИК НИЗОМЛАРНИ ЯРОҚСИЗ ҲОЛГА КЕЛТИРИШИ**

Табиий ҳуқуқ ва эволюция назарияси асосидаги илмонийлик ақидасидан балқиб чиққан капиталистик тузум-низомлarning бузуқлиги маълум ва машҳурдир. Буни ҳис қилиш учун Капиталистик низомлар таянган асос ва қоидаларни дарвинизм кўз-қараши асосланган фикрий асосларга боғлаш кифоя. Зеро, ирқчилик ва миллатчиликни мана шу дарвинизм кўз-қараши келтириб чиқарган. Бундан ташқари, миллионлаб инсонларнинг ҳаётига зомин бўлган урушлар ҳам унинг ҳаёт ҳақидаги кўз-қарашига асосланган бузуқ тушунчалар натижасидир.

Модомики, Ғарб ижтимоий дарвинизмни яроқсиз, ғайриинсоний ва инсоният учун хавfli, деб даъво қилар ҳамда унинг тарғиботчиларига қарши курашиш лозим, деб билар экан, ўз даъвосига мос иш тутиши ва қарши чиқмаслиги керак эди. Шунингдек, Ғарбнинг ҳар қандай низоmlарида ижтимоий дарвинизм назариясининг илдизлари мавжудлиги аён бўлиб, бу низоmlарнинг дарвинизм кўз-қарашидан келиб чиққанлиги ҳамда ижтимоий дарвинизмнинг бузуқ ва хавfli асосларига таянганлиги кўрингач, Ғарб ушбу жирканч ниҳолни ўстириб чиқарган асосларни қайта кўриб чиқиши ҳамда ундан келиб чиққан ва унга асосланган барча фикр ва низоmlарни рад этиши керак эди.

Улар қилиниши керак бўлган ишни қилмаган экан, биз уларга ва улардан бошқаларга дарвинизм ғояси келтириб чиқарган ижтимоий ва сиёсий парокандаликнинг асл сабаби табиий ҳуқуқ ва эволюция назариясида яширинганлигини очиб беришимиз керак. Зеро, эркинликлар ва демократия ғояси каби барча бузғунчиликларни келтириб чиқарган илдиз мана шу табиий ҳуқуқ ва эволюция назариясидир. Бундан ташқари, табиий ҳуқуқ ва эволюция назарияси Дарвин назариясини келтириб чиқарди. Табиийки, Дарвин назариясидан ижтимоий дарвинизм ғояси келиб чиқди. Ўз навбатида, ижтимоий дарвинизм ирқчилик, нацизм, фашизм ва миллатчиликни келтириб чиқарди. Сўнг, унинг ортидан бутун Европа вайрон бўлиб, миллионлаб одамлар қирғин қилинишига олиб келган даҳшатли жаҳон урушлари келиб чиқди. Эй европаликлар, нацизм ва фашизм айни шу урушларни келтириб чиқарган сабаблардан бири эканини ўз кўзингиз билан кўриб турибсиз. Шунга қарамай, дарвинизмнинг ҳаёт ҳақидаги кўз-қарашини қабул қилиб, Дарвин назариясига ҳамон содиқ қолмоқдасиз ҳамда табиятшунослик фани, деган эътиборда уни тўғри деб тасдиқламоқдасиз. Ҳатто, айрим олимларингиз «ақлли

дизайн» назариясини «тирик организмлар қандайдир ақлли яратувчи томонидан яратилган, деган ғояни» илгари сурсалар ҳам, Дарвин назариясига зид бўлган ҳар қандай мулоҳазани рад этмоқдасиз.

Шунинг учун сиёсат, иқтисод, ижтимо ва бошқа соҳаларда Капиталистик тузумнинг хавфлилиги унинг таянган асосига, яъни табиий ҳуқуқ ғоясига боғлиқ. Мудом ушбу мабдадаги асил бузуқлик сақланиб қолар экан, яъни, бузуқ фикрий пойдевордан, ҳаёт ҳақидаги утилитар кўз-қарашдан ва эркинликлардан келиб чиққан бузуқлик сақланиб қолаверар экан, таъмирлаш ва қисман ўзгартириш орқали бу бузуқликни ислоҳ қилиб бўлмайди. Аксинча, уни таг-томири билан йўқ қилиш ҳамда унинг ўрнига асоси, фикрий пойдевори ва ундан келиб чиққан низомлари соғлом бўлган, инсонни бахт-саодатга ва фаровонликка элтадиган бошқа фикрни қабул қилиш лозим.

Ривожланиш, модернизация ва урбанизация номи остида «Капиталистик тузумлар ўзгаришлар билан ҳамқадам бўлиши керак» деган даъвога келсак, бу Капиталистик тузумларнинг муваффақиятли эканига ҳамда янги давр билан ҳамқадам ривожланиб бораётганига далил эмас. Аксинча, инсон муаммоларини ҳал қилишда муваффақиятсизликка учраганини оқлашга уринишдир. Шунга биноан, ривожланиш ва модернизация ҳақидаги даъвога бузуқлик ва муваффақиятсизликнинг ўзига қаралгандек қаралиши лозим. Одамларнинг мана шу ривожланиш ва модернизация каби бузуқ ўлчовларини ўзгартириш лозим. Бунга замонга мослашиш ва мойилликни далил сифатида келтириб, бу нарса айни тузумнинг муваффақиятсизликка учраганига ҳамда муаммоларни ҳал этишга ярамаслигига далил эканини уларга кўрсатиб бериш зарур.

Биз иқтисодий низом, демократик бошқарув низоми, либерал ижтимоий низом ва булардан бошқа капитализмнинг энг муҳим низом-тузумлари ижтимоий дарвинизмга асосланганлигини ҳамда ундан келиб чиққанлигини баён қиламиз. Агар буларнинг дарвинизмга асослангани исботланса, демак, бу низомлар бузуқ ва башарият учун хавfli бўлади. Шунингдек, бу низомларнинг муаммолар учун берган ечимлари бузғунчиликка, ҳалокатли оқибатларга ва жиноятчиликка олиб келади. Агар Фарб ўз сўзида самимий бўлса, дарвинизмни рад этиши ва унга қарши аёвсиз уруш очиши керак. Қолаверса, бузғунчилик иллатига чалинмаган ҳар бир ақли расо инсон Капиталистик низомларни рад этиши, уларнинг ёйилишига ҳамда бутун дунёда татбиқ этилишига қарши курашиши лозим. Бу иш мусулмонлар учун энг биринчи навбатда мажбурийдир.

Лекин, биз ушбу мақолада бу низомлардаги энг муҳим фикрларнигина текшириб чиқиш билан кифояланамиз. Бинобарин, бу мақола ҳар бир низомнинг тўлиқ шарҳи эмас, балки унда ҳар бир низомдаги ечим ва асосий ғоя ҳаёт ҳақидаги дарвинизм кўз-қарашига боғланганини кўрсатиб, кейин, унинг бузуқлигини, сохталлигини, инсоний муаммоларга ечим беришга муваффақ бўлолмаганини ҳамда унинг ҳаётда татбиқ қилиниши оқибатларини баён қилишга ҳаракат қилинган. Биз илмонийликдан ҳамда ҳаёт ҳақидаги, яъни иқтисод, ижтимо ва бошқарув ҳақидаги дарвинизм кўз-қарашидан келиб чиққан энг муҳим низомларни кўриб чиқамиз.

### **Капитализмдаги иқтисод низомининг бузуқлиги:**

Адам Смит илгари сурган иқтисодий назария капиталистик мабдадаги энг муҳим назариялардан бири ҳисобланади. Чунки у капитализм асосланган энг кучли таянч бўлиб, у сиёсий иқтисод, бозор иқтисоди ёки эркин иқтисод, дея номланган энг муҳим назария ҳисобланади. Агар у бузуқ бўлиб чиқса, демак, капитализмнинг энг кучли таянчи қулаган бўлади.

#### **а) Иқтисодий муаммо таърифининг бузуқлиги:**

Адам Смит томонидан сайқаллаштирилган капиталистик иқтисодий назарияда даъво қилинишича, иқтисодий муаммонинг асоси эҳтиёжларнинг кўплиги ва бу эҳтиёжларни қондириш воситаларининг озлигидир. Бошқача айтганда, товар ва хизматларнинг нисбий камёблигидир. Бу назарияга кўра, чекланган ресурсларни чекланмаган эҳтиёжларга тақсимлаш кайфиятини белгилайдиган қоидалар зарур. Демак, капиталистик классик назарияда кўриш мумкинки, унда муаммо ресурслар, бошқача айтганда моддий бойликлар билан инсоннинг моддий эҳтиёжлари ўртасида белгиланади. Улар бу муаммони «нисбий камёблик» деб аташади. Нисбий камёблик ғояси чуқур илдизли капиталистик аксиома (исботсиз асос қилиб олинадиган қоида)дан келиб чиқади. Бу аксиомага кўра, инсоний эҳтиёжлар геометрик прогрессия билан ортиб боради. Бойликлар (товарлар ва хизматлар)нинг кўпайиши эса арифметик прогрессияга мувофиқ бўлади. Уларнинг наздида, муаммо мана шунда бўлиб, бойликлар ўрнини ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали тўлдириш лозим.

Ушбу назария бойлиқни тақсимлашда давлат аралашувига ҳожат йўқ деб даъво қилади. Чунки бу назарияда асос – мулк ва шахс эркинлигидир. Тақсимот бозорнинг табиий қонунига (талаб ва таклиф қонунига) мувофиқ табиий равишда юз беради. Талаб ва таклиф ўзини автоматик равишда созлайди ва давлатнинг иқтисодиётга аралашувига эҳтиёж қолмайди. Қолаверса, бунинг учун эркин бозор ва нарх механизми етарли. У мувозанатни, энг

қулай тақсимотни ва адолатли нархни яратадиган «яширин қўл» деб номланади.

**б) Иқтисодий муаммо ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали ҳал қилинади, деган бузуқ назария:**

«Капиталистик тузум иқтисодий муаммони аксинча тасаввур қилади. У иқтисодий муаммога жамият муаммоси, яъни, муносабатлар ва бойликни одамларга тақсимлаш муаммоси, деб қараш ўрнига, уни ишлаб чиқариш муаммосига айлантириб олди. Мулк масаласида ва мулкка эгалик қилиш, ишлаб чиқариш масаласида эркинлик бериб қўйди. Бу билан айти тузум муаммони ҳал қилмади, балки, уни адолатсизлик ва юксак қадриятларнинг йўқолиши асосида кучайтирди... У қашшоқликни ва шахсларнинг бойликлардан бебаҳра қолишини ҳал қилиш ўрнига жамиятда қашшоқликни кучайтиради... Модомики, иқтисодий низомнинг асоси ички даромадни ошириш бўлар экан, одамлар, албатта, қашшоқ бўлиб қолаверадилар». (Ислонда иқтисод низоми китоби).

Шунга кўра, капиталистлар наздида муаммо инсон эмас, балки эҳтиёжлардир. Яъни, уларнинг наздида муаммо ҳар бир шахснинг эҳтиёжларини қондириш эмас, балки эҳтиёжларни қондириш учун ресурсларни кўпайтиришдир. Шунинг учун, уларнинг наздида иқтисодий муаммонинг ечими жамиятдаги ҳар бир шахснинг турмушини яхшилаш эмас, балки ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўлди.

Демак, капиталистлар нисбий камёблик тушунчасини, яъни эҳтиёжларни қондириш воситалари етишмаслиги масаласини кўриб чиқиб, бойликни кўпайтиришни унинг ечими деб белгиладилар. Бу ечим аниқ хато хулосаларни ўз ичига олади. Гарчи бир қарашда, бу қондириш воситаларини бутунлай кўпайтириш бўлиб кўринса-да, бироқ, аслини олганда у жамиятдаги иқтисодий муаммони ҳал қилмайди. Бошқача айтганда, жамият аъзоларига бойликнинг тақсимланишини таъмин этмайди. Яъни, шахслар қашшоқлигини ҳал қилмайди. Ички даромадни ошириш муаммони ҳал қилмайди. Чунки бу жамият аъзоларидан кўпчилигининг бойликка эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинишига ва оз сонли одамларгина унга эгалик қилиб, бойлик фақат бойлар қўлида муомалада бўлиб қолишига олиб бориши мумкин. Бу билан номутаносиблик юзага келиб, бойлик оз сонли одамлар қўлида тўпланиб қолади. Бу билан бойликнинг жамият аъзолари ўртасида тақсимланишида ҳатто минимал даражада ҳам адолатга эришилмайди.

Капитализмдаги иқтисод низоми нарх механизми жамиятда бойликнинг тақсимланишини кафолатлайди деб ҳисоблайди ва буни «кўринмас қўл» деб атайди. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувини рад этадиган ҳамда улар бозорда мувозанатни ва



иқтисодий ривожланишни яратишга кафил деб ҳисоблашган ушбу «кўринмас қўл» ғояси, Дарвиннинг «Турли кўринишдаги жонли мавжудотлар яратувчининг аралашувисиз, табиат қонуни таъсирида пайдо бўлган ва бу қонунлар автоматик равишда ривожланишни пайдо қилишга кафилдир», деган ғоясига ўхшайди.

Бироқ, тарихий фактлар нарх механизмининг жиддий иқтисодий инқирозларни ҳал этишда муваффақиятсизликка учраганини исботлади. 1929 йили юз берган буюк депрессия пайтида ва ундан кейинги инқирозларда Америкада бўлганидек, давлат иқтисодий инқирозларни ҳал этишга аралашишга мажбур бўлди. Давлат аралашуви зарурлиги ҳақидаги ечим инглиз иқтисодий муфаккири Кейнснинг тавсиясига биноан бўлган. Бозорни ва унинг ривожланишини мувозанатга келтиришда бозор ва «кўринмас қўл» сиёсати муваффақиятсизликка учраганидан кейин Кейнс шундай деган эди: «Давлат аралашуви орқали капитализмнинг муқаррар ўлим сари юришини тўхтатиш ҳамда уни ўзини ўзи ўлдиришидан сақлаб қолиш лозим». Шунинг учун давлатнинг иқтисодга аралашмаслиги тўғрисидаги ғоя муваффақиятсиз ғоя бўлиб, унинг муваффақиятсизлиги тарихда бир неча бор исботланган. Лекин улар бу ғояни бозор иқтисодидаги асосий ғоя деб ҳисоблайдилар ва ҳар сафар инқирозлар тўхтаганидан кейин яна унга қайтадилар. Чунки у капитализмнинг ҳаёт ҳақидаги дарвинистик кўз-қарашининг асосини ташкил этувчи тушунчадир.

### **в) Мустамлакачилик капитализмнинг таркибий қисмларидан биридир:**

Капитализмдаги иқтисод низоми қоидалари давлатлар ва халқларни мустамлака қилиб, улар устидан ҳукмронлик қилишга туртки бўлганини тарих исботлаган. Мустамлакачи давлатлар урушларни, мусибатларни, очарчиликни келтириб чиқариш ҳамда ички низоларни қўзғаш орқали халқларни қашшоқлаштиришга ва уларнинг машаққатларини кучайтиришга ҳаракат қилишган. Шунингдек, улар мустамлака давлатларнинг саноатлашишига ва ривожланишига йўл қўймасликка ҳамда стратегик саноат маҳсулотлари ва машиналарни ишлаб чиқара олмайдиган давлат ҳолида қолдиришга ҳаракат қилишган. Мустамлака давлатлар хом ашё етказиб берувчи ва капиталистик давлатлар товари учун бозор сифатида сақлаб қолинган.

Тақийюддин Набаҳоний «Исломда иқтисод низоми» китобининг муқаддимасида шундай дейди: «Нарх механизмини тақсимотни чеклаб турувчи меъёр, деб белгилаш Фарбдаги капиталист монополистларни ўз мамлакатидан ташқарига чиқиб – хом ашёни қўлга киритиш ва ўз маҳсулотларини сотиш учун – бозорлар қидиришга ундади. Бутун дунёнинг азоб чекишига сабаб бўлаётган

мустамлакачилик, минтақаларга ўз нуфузини ўтказиш ва иқтисодий босқинчилик, буларнинг барчаси ана шу монополист ширкатлар зўравонлигининг ва бойликни тақсимловчи нарса нархдир, деб белгилаб қўйишнинг натижасидир, холос. Дунё бойликларининг барчаси ана шу асосда капиталист монополистлар қўлига келиб тушяпти. Буларнинг барчаси капитализмдаги иқтисод низомидаги қоидаларнинг ёмонлиги оқибатидир».

Бу – улар орқали дунё капиталистик очкўзликка гувоҳ бўлган даҳшатли натижаларнинг бир қисмидир. Ғарбнинг эркинликлар ва инсон ҳуқуқлари ҳақидаги, айниқса, иқтисодий ва сиёсий эркинлик ҳақидаги даъволарининг ёлғонлиги ҳам бутун дунёга кўринди. Капитализм ушбу эркинликларни ўз мамлакати ичида монополияга айлантирди. Айни пайтда дунёни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қул қилди ҳамда ҳийла найранглар ишлатиш, сиёсий тузоқлар қўйиш ва куч ишлатиш орқали унинг бу қулликдан қутулишига тўсқинлик қилди.

### **г) Капитализм соясида ҳеч қандай ривожланиш ва ҳузур-ҳаловат бўлмайди:**

Капитализм ҳаёт ҳақидаги дарвинизм кўз-қарашини ҳатто ўз мамлакатидеги жамиятлар аъзоларига ҳам қўллайди. Чунки у шахсга ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи деган эътиборда қарайди. Модомики, у ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи бўлар экан, унинг ҳаётда қолиши иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлади, акс ҳолда, унинг ўлгани яхши деб ҳисобланади. Британия бош вазири ва ундан бошқалар коронавирус эпидемиясига ўз муносабатларини билдиришган пайтда айни шу нарсага чақирди. Чунки улар «жамоавий иммунитет» ғоясига, яъни энг кучли ва яроқлиларнинг тирик қолишига чақирди. Бу эса, дарвинизм кўз-қарашига мувофиқ кекса ёшдагилар, касаллар ва ожизлардан халос бўлиш лозим, демакдир. Бу сўзларнинг Гитлер айтган гапдан ва унинг ишидан қандай фарқи бор?

Булар капитализмнинг иқтисод низоми бутун дунёга олиб келган хатарли оқибатлар, мусибатлар ва унутилмас ваҳшийликлардир. Шунинг учун бутун капиталистик мабда ҳамда бойликларни монополия қилиб, бошқаларга ўз ҳукмини ўтказётган элита фош этилиши лозим. Одамлар очлик ва қашшоқликдан азият чекаётган бир пайтда ўз манфаатларини сақлаб қолиш учун капиталистик тузум сақланиб қолишини истаётган мана шу элита албатта фош этилиши лозим. Бироқ, ушбу бузуқ тузум айрим одамлар учун «ўрта синф» сегментига (бўғинига) айланиш имконини беради. Ушбу ўрта синф сегменти бойларнинг манфаатлари рўёбга чиқиши учун иқтисодни ишга туширади ва солиқ тўлайди. Шунинг учун улар бойлар хизматида бўйсундирилган қул бўладилар. Уларга

бундай имкониятнинг берилиши капиталистик тузум умрини узайтириш учун кўрилган чорадир.

Капитализмнинг иқтисод низоми ҳамма одамларнинг ҳақиқий фаровонликка эришишини ва ривожланишини рўёбга чиқармайди. Бунинг сабаби шундаки, жамият ишлаб чиқарган бойликларнинг асосий қисми оз сонли бойлар қўлида тўпланиб, бу бойликларнинг бироз қисмигина жамиятнинг бошқа аъзолари учун қолади. Ривожланиш ва фаровонлик иқтисодий жиҳатдан барча одамларнинг турмуш даражасини кўтариш ҳамда уларнинг бойликлардан адолатли тарзда фойдаланишлари учун имкон бериш билан амалга ошади. Бунга капиталистик иқтисод қоидалари асосида эришиб бўлмайди. Қуръон Карим ўлжалар тақсимланиши ҳукмининг иллатини баён қилган пайтида одамлар ўртасида бойликнинг тақсимланиши масаласининг муҳимлигига ишора қилган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿كَيْ لَا يَكُونَ دُولَةً بَيْنَ الْأَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ﴾

**«Токи сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина айланиб юраверадиган нарса бўлиб қолмасин учун»** [Ҳашр 7]  
Мустамлакачи капиталистик давлатлардан мусулмонлар қасос оладиган кун – Аллоҳнинг изни ила – албатта келади.

**д) Иқтисодий тузатишлар ва ривожланиш даъвосининг бузуқлиги:**

Капитализмдаги иқтисод низомининг татбиқ қилинишидан келиб чиққан кескин норозиликлар ҳамда ушбу низом одамларга олиб келган бахтсизликлар турли социалистик назарияларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди. Ун тўққизинчи асрда капиталистларнинг ўзлари томонидан ижтимоий адолат ғояси илгари сурилди. Бундан мақсад Капиталистик низомни «ямаб» тузатиш ҳамда ушбу низом одамларга келтирган талофатлар ва бахтсизликларни енгиллатиш эди. Тузумни бу тарзда «ямаб» тузатиш муаммони ҳал этиш эмас, балки унинг атрофида ўралашишдир. Чунки хато жамиятдаги иқтисодий муаммонинг ҳақиқатини тушунишда, шунингдек, уни ҳал этиш кайфиятида юз берди.

Капитализмдаги иқтисод низоми бир неча ўн йиллар татбиқ қилинганидан кейин унинг бузуқлиги кўрингач, Европанинг ўзида, аниқроғи 1848 йили Британияда капитализмга альтернатив иқтисодий ва сиёсий тузум сифатида марксистик социализм пайдо бўлди. Бу ушбу тузум инқирозининг алоҳида белгиси эди. Кейин, 1917 йили Ленин томонидан ушбу янги социалистик мабдани олабий ҳазорат ва тузум сифатида кўтариб чиққан коммунистик давлат барпо этилди. Бу – бузуқ капиталистик ҳазоратга альтернатива борлигининг ҳақиқий эълони эди. Бироқ, Шарқий

Европа ва Россияда ушбу янги социалистик мабданинг бузуқлиги ва муваффақиятсизлиги тезда кўринди, сўнгра, йигирманчи асрнинг саксонинчи йиллари охирида қулади.

Тақийюддин Набаҳоний «Исломда иқтисод низоми» китобининг муқаддимасида шундай дейди: «... Миллий иқтисодни ва истеъмолчиларни ҳимоя қилиш, баъзи товарлар имтеъмолини камайтириш ва монополиялар ҳукмронлигини чеклаб қўйиш учун давлатга айрим ҳолатларда нархни белгилаш ҳуқуқини беришди ва ишлаб чиқаришни тартибга солишда давлат бошқарадиган умумий лойиҳаларни ишлаб чиқишди. Бу ва бунга ўхшаган «ямаб» тузатишлар иқтисод низомининг асоси бўлмиш иқтисод эркинлигига зид бўлса-да, бироқ бундай уринишлар муайян ҳолат ва шароитларда юз бериб туради... Бироқ шунга қарамай, бу «ямаб» тузатишлар ҳатто мана шундай ҳолат ва шароитларда ҳам бойликни жамият аъзоларига уларнинг барча эҳтиёжлари тўла қондирилишини рўёбга чиқарадиган тарзда тақсимлашга ёрдам беролмайди. Шунинг учун мулк эркинлиги асосига ва нархни бойлик тақсимлашнинг ягона механизми деб билиш асосига таянган ёмон тақсимот капиталистик иқтисод низомини татбиқ қилаётган барча жамиятларда ҳукмрон бўлиб қолаверади».

Иқтисод низомидаги нуқсон очик бўлгани сабабли, улар қашшоқлар, ишсизлар, оч қолганлар, бошпанасизларнинг процент ҳисоби каби кўрсаткичларни ва булардан бошқа кўрсаткичларни яшира олмайдилар. Шунинг учун ушбу тузум-низомни «ямаб» тузатиш ишларини олиб борадилар ва буни юмшоқ ном билан «мустақил равишда ривожланиш» деб атайдилар. Улар – иқтисод низоми нуқсонни мустақил равишда ҳал этади ҳамда аср билан ва шу асрда юз берган янги муаммолар билан ҳамқадам бориш учун ўзи мустақил равишда ривожланади, деб ҳисоблайдилар.

Аммо Европада капиталистик иқтисоднинг социалистик фикрлар ва ижтимоий адолат ғояси билан эмланганига келсак, аслини олганда бу «ямаб» тузатиш бўлиб, у бутун тузумдаги ва унинг асосий ғояларидаги бузуқликни ифодалайди. Аммо ривожланиш номи остида ушбу бузуқликни яшириш уринишларига келсак, бу ушбу бузуқликни тан олишдан қочиш уринишидир. Бундан хатони ва кўпчилик одамларга нисбатан содир этилган жиноятни тан олишдан ва асосни ташкил этувчи тушунчани қайта кўриб чиқишдан қочиш кўзланади. Бошқача айтганда, ушбу даҳшатли парокандаликка олиб борган тушунчанинг асосини текширишдан қочишдир.

#### **е) Сохта молиявий иқтисод:**

Капиталистик иқтисод ривожланиш баҳонасида ҳақиқий саноатлаштиришдан молиявий чайқовчиликка ва фонд биржаларга

асосланган сохта молиявий иқтисод босқичига ўтди. Капиталистлар ҳақиқий иқтисодга параллел равишда молиявий иқтисодни ўйлаб топишди. Унда ҳақиқий иқтисодга алоқаси бўлмаган текинхўр чайқовчилар қўлида компания ва корхоналар акцияларининг айланиши орқали пулни пул билан ўстириш амалга ошади. Улар компания ва корхоналар фойдаларидан юқори бўлган улкан фойдаларни қўлга киритиш учун қимор ўйинларига ўхшаш тарзда акциялар билан савдо муомаласини юритишади. Улар учун энг муҳим қиймат – фойда ва манфаатни катталаштиришдир. Иқтисодни ривожлантириш ва жамият фаровонлигини ошириш улар учун ҳеч қандай қийматга эга эмас. Америкада 1984 йили Рейган президентлиги даврида ҳақиқий иқтисод билан молиявий иқтисод ўртасидаги боғлиқлик узилган пайтда молиявий иқтисоднинг бундай тури янги босқичга ўтди.

Фонд биржалар кенгайиб, глобаллашди ҳамда дунё иқтисодига, бутун хом ашёга, товарларга, олтин ва валютага ҳукмини ўтказадиган бўлиб қолди. Молиявий бозорларда айланаётган пуллар қиймати компания ва корхоналардаги мавжуд ҳақиқий пуллар қийматидан бир неча баробарга ортиб етди. Бу эса, халқаро майдондаги баъзи шароитлар ёки миш-мишлар натижасида оддий сабабларга кўра исталган пайтда ёрилиб кетадиган «иқтисодий пуфакчалар»ни пайдо қилди. Шарқий Осиё (йўлбарси) давлатларининг иқтисоди айна шу сабабларга кўра инқирозга учради.

Америкада 2008 йили ушбу сохта молиявий иқтисоднинг ҳозиргача оқибатлари сақланиб қолаётган энг катта молиявий инқирози юз берди. Греция, Испания ва Португалияга ўхшаган ҳақиқий капиталистик давлатлар жиддий инқирозларга гувоҳ бўлди. Грецияда ушбу инқироздан кейин халқ кўзғолони юз берди. Грецияни қўллаб-қувватлаган ва уни қулашдан сақлаб қолган давлат Германия бўлди. Кўпчилик экспертларнинг тахмин қилишича, 2020 йил ушбу сохта молиявий иқтисод ва ундан келиб чиққан тармоқлар учун катта инқироз йили бўлади. Бугунги кунда коронавирус пандемияси пайтида капиталистик молиявий бозорлардаги биз гувоҳ бўлаётган инқирозлар ушбу бузуқ сохта иқтисоддан келиб чиққан инқирозларнинг натижасидир.

### **ё) Капиталистик тузум инқирозларни юргизувчи тузумдир:**

Капиталистик тузум даврий инқирозлар тузумидир. Деярли ҳар ўн йилликда иқтисодий инқирозлар унинг таянчларига зарба беради. Бундай инқирозларнинг энг яқиндагиси 2008 йилда юз берган «ипотека инқирози» деб ном олган молиявий инқироздир. Иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун кўрилган бузуқ иқтисодий

чоралар аслини олганда иқтисодий инқирозлар юз беришини кечиктириб, уларни келажакка кўчириш ёки инқирозларни бошқа давлат ва халқларга экспорт қилишдир. Яъни ўзларининг бузғунчилиги юкини бошқаларга юклашдир. Чунки уларнинг иқтисодий қоидалари ҳамда дарвинизм кўз-қарашига асосланган бузуқ фикрлаш тариқатига қараганда, уларда инқирозларнинг ҳақиқий ечими мавжуд эмас.

Демак, шуни кўриш мумкинки, капитализмнинг иқтисод низоми кетма-кет инқирозлардан азият чекиб келади. Капитализмдаги муаммо шундаки, ҳар қандай инқирозни ҳал этиш бошқа иқтисодий ва инсоний жиҳатларнинг инқирозга учрашига олиб келади. Агар ишсизлик муаммосини ҳал этишса, инфляция муаммосига дуч келишади. Агар инфляция муаммосини ҳал этишга уринишса нархлар кўтарилиши инқирозига учрашади. Шундай қилиб, ҳар сафар бир муаммони ҳал этишга уринишса, бу уриниш бошқа муаммоларни келтириб чиқараверади, бир инқироздан чиқиб, бошқа каттароқ инқирозга дуч келишаверади. Улар бир-бирига зид бир тўп ечимлар ўртасида айланиб юришаверади. Ҳар бир инқироз бошқа инқирозни ёки инқирозларни келтириб чиқаради.

Капиталистлар буни билишади, одатда кўрилган чора вақтдан ютиш ва келгуси авлоднинг фаразий бойликларидан қарз олиш орқали инқирозни келажакка кўчириш бўлади. Бу худди, келажакда тўлаш умидида фоизга қарз олган кишининг ишига ўхшайди. Аммо қарз инқироzi ёмонлашиб, қарз берувчининг қарздорга нисбатан ишончи йўқолганида, қарз олиш ғилдираги тўхтайдди. Бунинг натижасида катта инқироз юз беради. Шундай қилиб, қарздор бу инқирозни бошқа ишлар ҳисобига ҳал этишга уринади. Масалан, хусусийлаштириш ва стратегик ҳамкорлик номи остида давлат секторлари чет элликларга сотилади.

Сохта молиявий иқтисод билан ҳақиқий иқтисод ўртасида улкан жарлик борлигини ҳисобга олиб айтиш мумкинки, қандайдир сабабга кўра ҳақиқий иқтисодда юз берган тебраниш фонд биржалари ва акция бозорларида қулашга олиб келади. Бу билан сохта молиявий иқтисод қулаб, пуллар ва ҳиссадорларнинг даромадлари ҳавога учадди. Уларнинг ечими одатда пулнинг навбатдаги миқдорини рақамли равишда бозорга чиқариш бўлади. Бу муаммодир, чунки пулнинг кўплиги молиявий инфляцияга, шунингдек, кўплаб компанияларнинг касодга учраб, қулашига олиб келади. Бундай турғунликдан чиқиш учун уларга вақт керак бўлади ёки 1929 йилдаги буюк депрессиядан кейин иккинчи жаҳон уруши аланга олганидек, улар урушларни авж олдиришлари ҳам мумкин. Бу капитализмнинг бутун ер юзини қамраб оладиган бузғунчилигидир. Очкўз монополист капиталистлар ҳар қанча

пулни ва фойдани қўлга киритишса ҳам тўйишмайди. Уларнинг очкўзлиги келгусида ҳам шундай давом этади. Шунинг учун улар вақтдан ютиб иқтисодий ва молиявий муаммоларни келажакка кўчиришга ҳаракат қилишда давом этишаверади. Улар одамларнинг пулларини ноҳақ ейиш учун ривожланиш ва замонавийлик номи остида молиявий иқтисоднинг янги тармоқларини ўйлаб топишни тўхтатишмайди.

Модомики, капиталистик ҳазоратнинг асос ва тузумлари, шунингдек, дарвинизм кўз-қараши мавжуд бўлиб қолаверар экан, капитализмнинг бузуқлиги сақланиб қолаверади. Улар капитализмни «ямаб» тузатишда, ривожланиш номи остида инқирозларни келажакка кўчиришда давом этишаверади. Улар диабет ёки гипертония каби сурункали касалликка чалинган кишига ўхшайдилар. Бундай касалликка чалинган киши – касалликни даволаш воситасига эга бўлмаган ҳолда – унинг асоратларини даволашга уринади. Бундай касалликларнинг кучайиши баъзида томирларда қон ивиб қолишига ва ўлимга олиб бориши мумкин. Шунга ўхшаш капитализмнинг узоқ вақт давом этган инқирозлари капиталистик давлатлардаги иқтисодий ва сиёсий таназзул билан тугайди. □

## ИСЛОМНИНГ ҒАРИБЛИГИ, УНИНГ ЯНГИЛАНИШИ ВА ҲИЗБ УТ-ТАҲРИР (2)

Ҳомид Абдулазиз

Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«بَدَأَ الْإِسْلَامُ غَرِيبًا، وَسَيَعُودُ كَمَا بَدَأَ غَرِيبًا، فَطُوبَى لِلْغُرَبَاءِ»

**«Ислом ғариб бўлиб бошланди ва яна аввалгидек ғарибликка қайтади. Ғарибларга тубо жаннати бўлсин».** (Муслим ва Ибн Можа бу ҳадисни «Фитан» бобида ривоят қилганлар). Имом Санадий Ибн Можанинг ҳадис тўплами ҳошиясида келтирган шарҳида айтади: «Ғариб» сўзи тарафдорларининг сони кам бўлади деганидир. Араб тилида бу сўз аслида ватанидан йироқда бўлган киши учун қўлланган. «**وَسَيَعُودُ** **يَا** **غَرِيبًا** **Яна ғариблигига қайтади»** сўзи, гарчи тарафдорлари кўп бўлсада, уни қўллаб-қувватлаб, унга ёрдам кўрсатадиганлар оз бўлади, деган маънони англатади. «**فَطُوبَى لِلْغُرَبَاءِ** **Ғарибларга тубо жаннати бўлсин»**, дегани Исломда буюрилган амалларни бажараётган кишиларга тубо жаннати бўлсин маъносидадир. Тубо – жаннат ва жаннатдаги дарахтнинг номи деб тафсир қилинган. Ҳадисда Исломга ёрдам бераман ва унда буюрилган амалларни бажараман деган киши ўз ватанидан узоқлашиб, бегона юртларда ёлғизлик азобига дош бериши керак, деган огоҳлантирув бор.

### **2 – Иқтисодий соҳадаги ғариблик:**

Исломдаги шўрога асосланган бошқарув низоми меросдан меросга кўчадиган подшоҳлик тузумига ўтган даврда Ислом ва Умнат тўғри бошқарув низомидан йироқлашди. Бироқ, гарчи байъат низомини нотўғри қўллаш юз берган бўлсада, исломий бошқарув низоми 1924 йилда Халифалик қулатилгунига қадар давом этди. Халифалик қулатилишидан олдин ўн уч аср давомида иқтисодий соҳада Исломдан йироқлашиш асло юз бермади. Чунки давлат мусулмонлардан шаръий асосларда пул йиғиб, уларни шаръий нусусларга мувофиқ тақсимлаган. Бироқ, Халифалик қулатилганидан кейин иқтисодий соҳада Ислом ва Умнат жиддий ғарибликка учради. Чунки Ислом бошқарувдан йироқлашганидан кейин иқтисодий соҳада Ислом ҳаётдан бутунлай олиб ташланди. Мана шундан бошлаб мусулмонлар орасида судхўрлик муомалалари кенг тарқалди ва бутун мамлакат бўйлаб судхўрлик банклари иш юрита бошлади. Закот масаласи давлат идораси ва эътиборидан ташқаридаги шахсий масалага айланди. Кенг тарқалган монополия, мақсадсиз бойлик тўплаш ва мусулмон мамлакатларда одамлар ҳаёти устидан капиталистик тузумнинг ҳукмронлик қилиши ҳақида айтмаса ҳам бўлади.



Ҳизб ут-Таҳрир нашр этган «Исломда иқтисод низоми», «Халифалик давлатида моллар» ва «Намунавий иқтисодий сиёсат» китобларида, шунингдек, Ҳизб қабул қилган «Халифалик давлати дастури»да давлатнинг иқтисодий соҳадаги низомлари ҳамда бошқарув, таълим, ижтимо низоми, ташқи сиёсат ва булардан бошқа масалалар кўрсатиб берилди. Ушбу китоблар Исломни ҳаётнинг барча ишларини қамраб олувчи тузум сифатида яна бир бор намоиш этишда муҳим нуқта бўлди. Чунки Ҳизб иқтисод низомини Умматга мисли кўрилмаган фикрий тарзда тақдим этди. Иқтисод низоми китобининг муқаддимаси капитализм ва коммунизмнинг иқтисод низомларига берилган зарбанинг бошланиши бўлди.

Ҳизб бу билангина кифояланмади, балки, иқтисодий муаммонинг илдизи миллий даромад ҳамда товар ва хизматларнинг нисбий етишмаслигида эмас, аксинча, бойликни одамлар ўртасида тақсимлаш жараёнида эканлигини тушунтирди. У барча иқтисодий муаммолар учун амалий ечимларни тақдим этди ҳамда мулкка оид шариат аҳкомларини тушунтириб, мулкнинг давлат мулки, хусусий мулк ва жамоат мулки каби турларини санаб ўтди. Бундан ташқари, исломдаги ширкатлар аҳкомларини ҳамда ҳиссадорлик ва кооператив жамиятларини, суғурта ширкатларининг Исломга зидлигини баён қилар экан, янги ижтиҳодни тақдим этди. Шунингдек, қандай қилиб иқтисодий барқарорликни рўёбга чиқариш ҳамда пул бирлигини тўлиқ олтин ва кумуш қопламалар билан захиралаш орқали пул бирлиги барқарорлигига эришиш мумкинлигини тушунтирди.

Ҳа, ушбу китоблар янги ижтиҳод, Уммат тарихидаги муҳим воқеа, шунингдек, Умматнинг фикҳий ва сиёсий янгиланиши йўлида ташланган қадам бўлди. Ҳизб – Аллоҳнинг фазли билан – ушбу фикр ва аҳкомларни Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик давлатида татбиқ этиш учун бор кучи билан ҳаракат қилмоқда. Албатта, эртанги кун уни кутиб турган киши учун яқиндир.

### **3 – Ижтимоий соҳадаги ғариблик:**

Гарчи эркак ва аёлга алоқадор шаръий аҳкомлар, бошқача айтганда, бугунги кунда «шахсий ҳолатлар» дея номланган ҳукмлар Халифалик қулатилганидан кейин бузғунчи қўллардан йироқда бўлган бўлса-да, бироқ, сўнгги йилларда аёлга хос аҳкомларга қарши Ғарбнинг кампанияси бошланди. Ғарб Ислом кўрғонларидан бири ҳисобланган мусулмон оилани парчалашга эришиш умидида аёлни тўрга илинтиришга ҳаракат қилмоқда. Шайх Тақийюддин Набаҳоний роҳимаҳуллоҳ «Исломда ижтимо низоми» китобида ушбу жиҳатга эътибор қаратиб, Исломнинг аёл

ҳақидаги тўғри кўз-қарашини баён қилиб берди. Бу кўз-қарашга кўра, аёл она, уй бекаси ва сақланиши керак бўлган номусдир. Шунингдек, у аёлнинг Исломий давлатдаги сиёсий ролини ҳам тушунтириб ўтди. Бироқ, Фарб бу соҳадаги ҳужумларини ҳалигача тўхтатмади. Аксинча, у Исломга қарши аёвсиз урушида бу жиҳатга эътибор қаратиш муҳимлигини англаб етганидан кейин, ҳужумларини янада кучайтирди. Бунга Қосим Аминнинг «аёллар эркинлиги» номли китобини, CEDAW конвенциясини ва Пекин аёллар конференциясини мисол қилиш мумкин.

Кофир Фарб мусулмон оила ва жамиятни, шунингдек, бутун Ислом Умматини қасддан йўқ қилиш учун ўтмишда қандай ҳаракат қилган бўлса, бу ҳаракатини бугунги кунда ҳам давом эттирмоқда. У Ислом юртларида ўзининг ҳазорати ва тушунчаларини ёйишда аёлдан фойдаланиб, унинг баъзи муаммолари ортига яшириниб ҳаракат қилмоқда. У Ислом аҳкомлари устидан ғалаба қилишига замин яратадиган «динни янгилаш», «диний хитобни такомиллаштириш» ҳамда шаръий аҳкомларни – унинг даъво қилишича – ҳозирги замонга мослаштириш учун «ўзгартириш» каби муҳим ва хатарли сарлавҳаларга эътиборини қаратди. Фарб оила ва жамият ҳаётида аёлнинг роли муҳимлигини билгани учун ўзининг захарли найзасини муслима аёлга, унинг асл роли ва иффатига қаратди. Шунинг учун, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу масалада бир нечта халқаро конвенциялар ва декларацияларни қабул қилди. Масалан, 1979 йили қабул қилинган CEDAW (Аёлга нисбатан дискриминациянинг барча турларини тугатиш) конвенцияси қабул қилинди. Бу машъум конвенциянинг ёмонлиги Бальфур декларацияси ёмонлигидан кам эмас. Ушбу конвенциянинг иккинчи моддасида «диний асосларга таянган қонун ва урфларни ҳеч бир истисносиз бекор қилиш ва уларни халқаро қонунларга алмаштириш» кўрсатилган. Бундан ташқари, ушбу қарорларни мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг ижросини ва рўёбга чиқишини таъминлаш учун бир қатор халқаро конференциялар ўтказилди. Бундай конференцияларнинг биринчиси «аёллар йили» дея номланиб қолган 1979 йилда Мексиканинг Мехико шаҳрида ўтказилди. Конференция иштирокчилари аёлнинг тенг ҳуқуқлилигига, унинг тараққиёт ва тинчликка ҳисса қўшишига доир декларация қабул қилишди... Фарбнинг эркак ва аёл ўртасидаги тенгликка чақириши ғаразли чақириқ бўлиб, у бу орқали аёлни Фарб аёлидек бизнесда ва кўнгили очишда фойдаланиладиган матога айлантириш учун, уни мустаҳкам кўрғонидан ва шарафли уйдан чиқаришни истайди. Шунинг учун Ҳизб бутун мусулмонларни, хоссатан, муслима аёлни CEDAW конвенциясига ўхшаган конвенциялар, шунингдек, кофир Фарб орбитасида

айланиб, унинг бузуқ ҳазоратини тарғиб қилаётган феминистик ташкилотлар хатаридан огоҳлантириш кампаниясини бошлади.

Ҳизбнинг CEDAW конвенциясига қарши олиб борган кучли кампанияси кўп давлатларни бу конвенцияни тасдиқлашда иккиланишга мажбур қилди. Дарҳақиқат, Ҳизб Ислом фикрларига қарши Ғарб бошчилик қилаётган мафкуравий урушда Умнат манфаатларини кучли ҳимоя қилувчи сифатида тан олинди. Ислом Уммати Ҳизб ут-Таҳрир билан бирга, шунингдек, холис уламолар ва тақводор даъватчилар билан бирга капиталистик мафкура ҳамда Умнат орасидаги малай муфаккирлар сабабли дунё дучор бўлган аянчли аҳволдан уни олиб чиқишга қодир. Умнат Ислом ақидасини одамлар ҳаётини ва улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи сиёсий ақида сифатида қабул қилиши зарур. Шунинг учун Ҳизб ут-Таҳрир фаоллари ва ундан бошқа самимий мусулмонлар фаолияти Умнатда ушбу ақидани сиёсий тушунчаси билан мустаҳкамлашга қаратилиши лозим. Ислом ақидасини сиёсий ақида сифатида қабул қилиш Ислом Умматига барча соҳаларда илғор Умнатга айланишига ҳамда бутун дунёни ҳидоятга бошлаб, уни капитализм қулатган тубсиз жарликдан қутқаришига имкон беради. Бу иш Аллоҳга қийин эмасдир.

#### **4 – Таълим соҳасидаги ғариблик:**

##### **а) Исломий давлатдаги таълим тарихи:**

Ислом оламидаги таълим фақат исломий ақидага асосланган таълим сифатида танилган. Бу – то Ислом давлати қулатилгунига қадар, аниқроғи, ундан биров олдин кофир Ғарб баъзи исломий қитъаларда сиёсий аралашувни ва бевосита ҳарбий босқинни амалга ошириб, ҳаёт йўналишини, хусусан, таълим дастурларини ўзгартиргунига қадар шундай давом этди. Ҳақиқатдан ҳам, таълим Қуръонни ўргатувчи мактабларга асосланар ва масжид бошланғич таълим муассасаси эди. Бинобарин, ўша давр давомида Умнат таълим соҳасида асло ғурбатда яшамади. Ислом олами нафақат диний масалаларда илм-фан ва уламолар маёғи бўлди, балки, кўплаб уламолар шаръий илмларни теран ўрганиш билан бир қаторда астрономия, химия, арифметика ва жуғрофия каби фанларни ҳам эгалладилар.

Исломий Халифалик Ислом Умматини уйғотишга муваффақ бўлди. Умнат шон-шуҳрат чўққисига кўтарилди, бутун башариятга етакчилик қилди ва барча соҳаларда биринчилик мақомини эгаллади. Унинг мактаблари турли соҳаларда исломий жамият пойдеворларини мустаҳкамлаган олим, сиёсатчи ва етакчиларни етиштириб чиқарди. Давлат арбоблари, ҳарбий қўмондонлар, фақиҳлар ва донишманд билимдонлар етишиб чиқди. Халифалик дунёни зулматдан нурга олиб чиқди, ўзи етиб борган ҳар бир

жойда адолат ўрнатди, фаровонлик ва ҳамжиҳатликни рўёбга чиқарди ва яхшиликни ёйди. Халифалик фуқаролари икки дунё бахт-саодатига эришдилар. Чунки улар Аллоҳни таниб, Унга тўғри тарзда қуллик қилдилар. Улар устунликка эришиш учун керакли дунё билимларини эгалладилар ва асрлар оша уларнинг ҳазорати юксалганидек, маданияти ҳам гуллаб-яшнади.

Таълим муассасалари бошиданок Исломий давлат томонидан қўллаб-қувватланди. Шунинг учун мусулмонлар олдида уламоларнинг қадри юксалди ва улар ҳамма жойда ҳеч қандай тўсиқсиз дунё билимларини эгалладилар. Таълим олиш барча фуқаролар учун бепул бўлди. Исломий давлат илм-фанга ўзига хос исломий хусусият беришга эътибор қаратди. Мусулмонлар илм-фанни такомиллаштирдилар, китоб ва қўлланмаларни исломий тушунчаларга мувофиқ равишда таржима қилдилар. Ислом ақида ва ҳаёт низоми сифатида барча нарса унинг атрофида айланадиган марказий ўқ ва икки дунё бахт-саодатига йўл кўрсатадиган компас вазифасини ўтади.

Исломий давлатнинг сўнги кунларида Ислом Уммати тубанликка учраб турган бир пайтда Ғарбда илмий уйғониш юз берди. Мусулмонлар Ғарбнинг илм-фанда устунлигини ва қурол-яроғда кучлилигини кўришгач, бундан кучли таъсирландилар ҳамда уларга кучли ва маданиятли деб қарай бошладилар. Натижада, баъзи мусулмонлар эс-ҳушини йўқотиб, Ғарбнинг барча нарсаларини ҳақ деб қабул қилдилар.

Мустамлакачи ўзининг мусулмонлар юртларини босиб олиши яхшилик ва барака бўлганига ҳамда мусулмонларни уйқудан уйғотиб, уларни энг замонавий илмлар билан таништирганига ишонтаришга қаттиқ ҳаракат қилди. У – мусулмонлар математика ва химия каби дунёвий билимлар ҳақида ҳеч нарса билишмайди, деган мазмундаги гап-сўзларни тарқатди. Ҳатто ўша пайтдаги Азҳар шайхи Анбобийга: Арифметика, геометрия, астрономия ва биология каби фанлардан мусулмонларга таълим бериш мумкинми? – деган савол берилганида, гўё мусулмонлар илгари бундай фанлар билан таниш бўлмагандай «Уларни ўрганиш фойдалилигини тушунтирган ҳолда таълим бериш жоиз» – деб жавоб берган эди. Ўша пайтдан бошлаб, мусулмон юртлардаги таълим тизимига бузқлик кириб кела бошлади. Ғарб таълим программаларини тузишга ҳамда таълим жараёнини исломий қадриятларга зид бўлган ғарбча йўналишда юргизишга ҳаракат қилди. Фақат бугина эмас, балки, у диний таълимни ҳаётнинг барча асосларидан узиб қўйди.

2001 йилги 11 сентябр воқеаларидан кейин Қўшма Штатлар ва бир қатор Европа давлатлари барча исломий юртлардаги таълим

программаларини ўзгартиришни талаб қилишди. Улар жиҳодга ундаган ҳамда яҳудийларга алоқадор бўлган Қуръон оятлари ва ҳадисларни таълим программаларидан чиқариб юборишга чақирди. Бу чақирди билан Миср ва яҳудий давлати ўртасида тинчлик келишуви имзоланганидан кейинги тинчлик маданиятини ёйиш чақирдиқларига мос иш тутишди. Бир неча йил ўтгач, Американинг бу босими ўз самарасини берди ва таълим дастурига Америка манфаатларига таҳдид солувчи элементлар киритилмаган ҳолда ўзгартириш киритилди.

Баъзи бир пайтда, айрим кишилар ғарбпараст ҳукуматлар томонидан таклиф қилинган таълим тизимини илмий нуқтаи назардан энг яхши таълим тизими деб ўйлашди. Кўпчилик муфаккир ва ўқитувчилар баъзи таълим программалари, восита ва услубларига алоқадор айрим ислохотларгагина эътибор беришди. Бироқ, Ҳизб таълим фалсафасини ҳамда таълим сиёсатини ўзи белгилайдиган ва таълим программалари ишлаб чиқарилишини назорат қиладиган ҳақиқий давлат соясида мусулмонларнинг қандай таълим олиши кераклигини аниқлаш бўйича новаторлик ишини амалга оширди.

### **б) Ҳизб ут-Таҳрир томонидан асос солинган таълим сиёсати:**

Кутилаётган Халифалик давлатида таълим фалсафаси етук исломий шахсияни яратишга ҳамда шахснинг ўз яратувчиси, борлиқ, инсон ва ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини юксак исломий қадриятлар асосида шакллантиришга асосланиши лозим. Зеро, айти шу юксак исломий қадриятлар шахсни Аллоҳ Таолога қуллик қилишга ҳамда Қуръон ва Суннатдан келиб чиққан шариат аҳкомларини бажаришга тайёрлайди. Шунингдек, таълим фалсафаси ўзининг ҳаётдаги вазифасини онгли равишда тушунган мусулмон авлодни етиштиришга ҳам асосланиши лозим. Зеро, бундай онгли авлод ҳуқуқ ва вазифалар жиҳатидан яратувчиси билан, ўзи билан ва бошқа инсонлар билан бўлган алоқасини идрок этади. Ҳизб ут-Таҳрир ўз сақофатида айти шу нарсани тушунтиришга ҳаракат қилади. Моҳиятан бу сақофат амалий сақофатлиги билан ажралиб турадики, Ҳизб уни жиддийлик ва самимийлик билан барпо этишга ҳаракат қиладиган буюк Ислом давлатида мукамал низом бўлиши учун тайёрлаган.

Таълим жараёнида асосий вазифа исломий шахсияни шакллантиришга қаратилган. Шунингдек, Росулulloҳ ﷺ башорат қилган Халифалик давлати орқали Умматни ва бутун дунёни ҳаётнинг барча соҳаларида фойда келтириш учун керакли бўлган барча билим, касб, фан ва технология билан таъминлашга асосланади. Бу автоматик тарзда амалга ошадиган иш эмас,

аксинча, кўп жиҳатларни ўз ичига олган жараёндир. Масалан, ўқувчилар учун таълим олишнинг барча меъёрларига эга бўлган таълим даргоҳини тайёрлаш шулар жумласидандир. Ўқитиш деганда, ўқитувчи ўқувчилари билан муайян вазифаларни бажариш ва аниқ мақсадларга етиш учун амалга оширадиган ҳаракатлар тушунилади. Таълим ўқувчилар хатти-ҳаракатини белгиланган мақсад ва фаолиятлар сари ўзгартириши керак. Шунинг учун, таълим жараёни таълим платформасини ташкил этувчи барча омилларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши лозим. Чунки ўқитувчи билан ўқувчи кўзланган мақсадга етиш учун айна шу платформада ҳамкорлик қилади.

Таълим-тарбия инсондан ажралмайдиган жараён бўлиб, у Аллоҳ ерни ва ердаги жонзотларни мерос қилиб олгунига қадар давом этади. Таълим-тарбия Қуръон ва Суннат асосида олиб борилиши лозим. Ислом мусулмон одамнинг тушунча ва ғояларини ваҳидан ташқари манбалардан олишига йўл қўймайди. Шу боис, тарбия ва мактаб учун Ислом кўз-қарашидан келиб чиққан аниқ ва кенг тушунча бўлиши керак. Зеро, инсонни тарбиялашдан мақсад, уни дунё ва охират учун тайёрлашдир. Чунки у Аллоҳнинг ердаги халифасидир.

Мадраса инсоннинг шахсиясини шакллантириб, уни қўллаб-қувватлашда асосий таянч вазифасини ўтайди. Чунки инсон аввал оилада улғаяди, сўнг уни улғайтирган оила етук инсон бўлиб тарбияланиши учун уни таълим даргоҳига жўнатади. Мадраса – ўқувчига унинг жамиятдаги вазифаси ва ролига мос муайян хулқ-атворни тақлиф қиладиган биринчи тарбиявий муассасадир. Ўқувчи мадрасага ҳамда унинг тарбиялаш, таълим бериш ва йўналтиришдаги ролига ҳурматидан келиб чиқиб унга боради. Бу шуни англатадики, мактаб жамият ва Умматнинг шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Чунки инсон табиатан умри давомида нимандир ўрганади ва бошқаларга ўргатади.

Аввал мусулмонларга масжидда таълим берилди, сўнг таълим бериш учун махсус мактаб бинолари қурилди. Уша пайтдан бошлаб мадрасаларнинг мақсади, мусулмонни ўзи қабул қилган ва унга чақираётган диннинг намунаси, шунингдек, қалби ва онгини тўлдирган ҳамда унинг ўзи ва бошқа одамлар билан бўлган муносабатлари акс этган фикрларнинг тирик намунаси сифатида тарбиялашга қаратилди. Исломий мадраса ҳаёт учун керакли илм-фан, технология ва билимларни бирлаштиришга, шунингдек, исломий шариатга садоқатли бўлиш ҳамда шариатга зид бўлган мафкура ва тузумларга аралашмаслик руҳини ривожлантиришга эътиборини қаратди.

Исломий мадраса бошиданоқ Қуръони Карим оятларига амал қилиб, амалий изланиш ва фикрлаш руҳини ривожлантиришга, Аллоҳнинг коинотдаги оятлари тўғрисида фикрлаш ва Аллоҳнинг махлуқотларидаги ҳикматини англаш қобилиятини кучайтиришга ҳаракат қилди. Бундан мақсад, шахснинг ўзига топширилган фаол ролини бажаришига имкон беришдир. Шунингдек, исломий мадраса Ислом шариатида дин билан илм-фан ўртасида тўлиқ уйғунлик мавжудлигини тушунтирди. Чунки Ислом дин билан дунёнинг бирлашмаси бўлиб, исломий фикр ҳар бир даврда инсон ҳаёти талабларини энг юксак суратда қондиради.

Ислом давлатида таълимнинг ғояси:

- Исломни тўғри ва мукамал тушуниш;
- Ислом ақидасини сингдириш ва ёйиш;
- Талабани исломий қадриятлар, билимлар ва олий ғоялар билан озуқалантириш;
- Талабага турли касб ва билимларни ўргатиш;
- Давлатни иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, илмий ва сиёсий жиҳатдан шакллантириб ривожлантириш учун конструктив йўналишларни ривожлантириш.

Бир сўз билан айтганда, исломий таълим шахсни ўз жамиятининг қурилишида фойдали элемент бўлиши учун тайёрлашни мақсад қилади ва бу қуйидагича амалга ошади:

1. Талабалар ўзларининг ҳаётдаги ролларини тушунувчи, ақидасини онгли равишда ҳимоя қилувчи ҳамда Ислом ақидаси асосида икки дунё яхшилигига ҳаракат қилувчи бўлиб ўсиб улғайиши учун уларга Ислом ақидасини ва фойдали ҳунарларни ўргатиш.

2. Ушбу ғояни амалга ошириш ва кетма-кет ютуқларни қўлга киритиш учун керакли кадрлар билан таъминлаш.

3. Бир вақтда ҳам шахснинг, ҳам жамоатнинг манфаатларига эътибор бериш. Шахсга у учун фойдали, етарли таълим беришдан унинг манфаати кўзда тутилади. Шунингдек, шахслар таълим олган билимлардан жамоатни фойдалантиришдан жамоат манфаати кўзда тутилади.

4. Талабаларга исломий сақофатни сингдириш. Сақофат тавҳид илми каби унинг баҳсига исломий ақида сабаб бўлган билимлардан иборат бўлади. Ёки у фикҳ, тафсир ва ҳадис каби исломий ақидага асосланган бўлади. Ёки ақидадан балқиб чиққан аҳкомларни тушуниш уни тақозо этган билимлар бўлади. Бунга Исломдаги ижтиҳод учун керакли бўлган луғат илми (грамматика), мусталаҳул ҳадис ва усули фикҳ каби билимларни мисол қилиш мумкин. Умнат тарихида унинг ҳазорати, таниқли арбоблар, қўмондонлар ва уламолар ҳақидаги хабарлар бўлгани учун, тарих

Уммат сақофатининг бир жузи ҳисобланади. Уммат сақофати шахсларнинг шахсиясини шакллантиради. Чунки сақофат уларнинг турмуш тарзига таъсир ўтказиб, уни исталган турмуш тарзга айлантиради.

Юқоридагиларга асосланиб, Ислом давлатидаги таълим жараёнининг ўзига хос вазифаларини тушуниб олиш мумкин. Жумладан:

1. Ислом аҳкомларига бўлган ишончни тиклаш ҳамда Умматни унинг бошқа халқлардан устунлигини кафолатлайдиган исломий сақофат билан янгитдан тарбиялаш. Зеро, Уммат сақофати унинг мавжуд бўлишининг асосидир.

2. Муслмонларга Ислом сақофатини сингдириш ва уларга ҳар қандай ёт сақофатнинг етиб боришига йўл қўймаслик.

3. Барча босқичларда тизимли таълим жараёнини олиб бориш муслмонлар қалбида Уммат сақофатини сақлаб қолишнинг ягона усулидир. Чунки сақофат энг сўнгги илоҳий рисолатни тамсил этади.

4. Ғарб сақофати билан заҳарланган, унинг ғояларини қабул қилган ёки унга тақлид қилган ва унинг моддий ютуқларига қойил қолган муслмонларни даволаш учун самарали восита ишлаб чиқиш.

5. Уммат бидъат, хурофот ва ширкка тушиб қолмаслиги учун унинг қалбида ақидасини сақлаб қолиш таълим жараёнининг энг муҳим мақсадларидан биридир.

6. Муслмонлар шахсиясини шакллантириш ва уни мустаҳкамлаш учун тизимли дастурларни ишлаб чиқиш.

7. Моддий ва мафкуравий жиҳатдан қудратли бўлган давлатни барпо этиш. Бундай давлат ҳозирги рақамли асрнинг барча реалликлари билан ҳамнафас бўлишига ёрдам берадиган кучли билим, мустаҳкам имон ва илғор технологияларга таянади.

Ҳизб ут-Таҳрир буни ўз адабиётларида, хусусан, ўзи томонидан тайёрланган дастур лойиҳасининг таълим сиёсати бўлимида, шунингдек, ўзи нашр қилган «Халифалик давлатида манҳажий таълим асослари» китобида баён қилган. Ҳизб бу ғояларнинг Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик давлатида қўлланишини таъминлаш учун бор кучи билан ҳаракат қилмоқда. У Умматда бу ғоялар ҳақида умумий онгдан келиб чиққан жамоатчилик фикрини шакллантириш учун уларни баён қилиб беради. □



## ХУД СУРАСИ СОЧИМНИ ОҚАРТИРДИ...

﴿فَأَسْتَقِمَّ كَمَا أُمِرْتُ﴾

«БАС, (ЭЙ МУҲАММАД) ЎЗИНГИЗГА БУЮРИЛГАНИДЕК, ТЎҒРИ  
ЙЎЛДА БЎЛИНГИЗ» (2)

**Доктор Муҳаммад Ҳивроний – Муборак Шом замани**

Аллоҳ Таоло «ғам йили»да пайғамбарлар исми билан аталадиган учта сура: Юнус, Ҳуд ва Юсуф сураларини нозил қилди. Бу суралардаги оятларда даъватнинг Маккадаги даври, айниқса, Қурайшнинг даъватга нисбатан душманлиги кўлами акс этади. Даъватнинг Макка даври энг машаққатли ва оғир давр бўлиб, мазкур сураларнинг оятлари ўша даврдаги ҳодисалар билан ҳамоҳанг нозил бўлди ва уларни муолажа қилди. Шунингдек, Пайғамбар ﷺ ни Аллоҳ буюрган йўлдан юришини таъкидлади. Биз ушбу жиҳатлардан иккитасини аввалги мавзуларимизда айтиб ўтдик. Биринчиси, нусратга эришиш учун Аллоҳ буюрганидек тўғри йўлда бўлиш. Иккинчиси, бор кучни даъватга сарфлаш. Ушбу мақоламизда эса, қуйидаги бошқа жиҳатлар ҳақида тўхталиб ўтамыз:

### **Учинчидан: Балоларга сабр қилиш:**

Ақлли одам ўзгартириш йўли тиконли ва машаққатли ҳамда гоҳида табиий ва гоҳида ғайритабиий бўлишига шубҳа қилмайди. Одатда ўзгартиришга ҳаракат қилаётганлар ишнинг бошида кучсиз ва маҳоратсиз бўладилар. Шунинг учун улар бир гуруҳга бирлашиши, мабда адабиётлари ва ўзгартириш лойиҳасининг тафсилотларини яхши ўрганиши ҳамда фикрий, руҳий ва ташкилий жиҳатдан тайёрланишлари лозим. Зеро, одамлар устидан ҳукмрон бўлиб турган ботил режимларни махсус бўлинмалар куну тун кўриқлайди. Шунингдек, бу режимларни мудофаа қиладиган ва барча соҳаларда уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган армиялар тайин қилинган. Куфр давлатларининг уларни ҳимоя қилиши ва ғамхўрлик кўрсатиши ҳақида айтмаса ҳам бўлади. Шунинг учун бизнинг юртларимизда, айниқса, Халифалик қулатилиб, у ерда мустамлакачи кофир фасод уруғини сепганидан кейин ўзгартиришга чақирувчилар вазифаси бирор кун ҳам енгил бўлмайди.

Табиийки, ботил аҳли кучи етганича ўз имтиёзлари ва манфаатларини ҳимоя қилади. Айниқса, нуфуз эгалари биринчилардан бўлиб ўзгартириш байроғини кўтарганларга қаршилиқ қилади. Чунки Аллоҳ Таоло ер ва ундаги нарсаларни яратганидан бери ҳаёт қонуни ўзи шундай. Қуръон Карим Роббиларига имон келтирган, сўнгра ўз замонасидаги куфр жамияти ва режимларини ўзгартиришни истаган, аммо бир қанча

вақт ўтгач, жиноятчиларнинг зўравонлигидан кўрқиб тоғдаги форга яширинган йигитлар ҳақида ҳикоя қилади. Шунинг учун даъватни етказувчилар ва ўзгартиришга ҳаракат қилаётганлар бу йўлда мусибатларга йўлиқиш табиий эканини англамоқлари лозим. Балки бу каби мусибатлар бўлмаганда одамлар ким ростгўю ким ёлғончи ва ким мунофиқ эканини билмаган бўлар эдилар.

﴿أَحْسِبِ النَّاسُ أَنْ يُتْرَكُوا أَنْ يَقُولُوا ءَامَنَّا وَهُمْ لَا يُفْتَنُونَ ﴿٢٠٠﴾ وَلَقَدْ فَتَنَّا الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَلَيَعْلَمَنَّ اللَّهُ الَّذِينَ صَدَقُوا وَلَيَعْلَمَنَّ الْكٰذِبِينَ﴾

**«Одамлар: «Имон келтирдик», дейишлари билангина, имтиҳон қилинмаган ҳолларида, қўйиб қўйилишларини ўйладиларми?! Ҳолбуки Биз улардан аввалги (имон келтирган барча) кишиларни имтиҳон қилган эдик-ку!! Бас (шу имтиҳон воситасида) албатта Аллоҳ («Имон келтирдик» деб) рост сўзлаган кишиларни ҳам, ёлғончи кимсаларни ҳам аниқ билур»** [Анкабут 2-3]

Бу Аллоҳ Таолонинг ўз халқи устидаги суннатидир ва бу олдинги пайғамбарлар йўлидир. Аллоҳнинг суннاتини ҳеч ким ўзгартира олмас.

﴿وَلَقَدْ كَذَّبْتَ رَسُولًا مِنْ قَبْلِكَ فَاصْبِرْ عَلَىٰ مَا كَذَّبُوا وَأُوذُوا حَتَّىٰ أَنْتَهُمْ نَصَرْنَا وَلَا مُبَدِّلَ لِكَلِمَاتِ اللَّهِ وَلَقَدْ جَاءَكَ مِنْ نَبِيِّئِ الْمُرْسَلِينَ ﴿٢٠١﴾ وَإِنْ كَانَ كَبُرَ عَلَيْكَ إِعْرَاضُهُمْ فَإِنْ أُسْتِظْعَمَ أَنْ تَبْتَغَىٰ نَفَقًا فِي الْأَرْضِ أَوْ سُلْمًا فِي السَّمَاءِ فَتَأْتِيَهُمْ بِءَايَةٍ ۖ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَجَمَعَهُمْ عَلَى الْهُدَىٰ فَلَا تَكُونَنَّ مِنَ الْجَاهِلِينَ﴾

**«Маълумки, сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам ёлғончи қилинганлар. Бас, то уларга Бизнинг ёрдамимиз келгунича ёлғончи қилинганлари ва озорланганларига сабр қилганлар. Аллоҳнинг («Пайғамбарларимни ўзим қўллагайман») деган сўзларини ўзгартира олгувчи бирон кимса йўқдир. Ахир сизга (эй Муҳаммад), ўтган пайғамбарларнинг айрим хабарлари келган-ку! Агар сизга уларнинг юз ўгиришлари оғир ботиб (сабр қила олмасангиз), у ҳолда ерга (кириб кетадиган) бирон тешик ёки осмонга (чиқиб кетадиган) бирон нарвон истаб, уларга оят-мўъжиза (топиб) келтиришга қодир бўлсангиз (шундай қилаверинг). Агар Аллоҳ хоҳлаганда албатта уларни ҳидоят устида бирлаштирган бўлур эди-ку! Бас, ҳаргиз жоҳиллардан бўлманг!»** [Анъом 34-35]

Шунинг учун даъватни етказувчилар мана шу ишдан огоҳ бўлишлари лозим, чунки Аллоҳнинг ваъдаси ва амри ҳақдир. Аллоҳнинг суннاتини ҳеч ким ўзгартира олмас ва оқибат тақводорларникидир. Бухорий ваҳийнинг қандай бошлангани ҳақидаги бобда қуйидаги ҳадисни келтиради: «Варақа ибн Навфал у

кишига: Бу Аллоҳ Таоло Мусога юборган фариштанинг айна ўзидир. Кошки мен сени қавминг юртингдан қувган пайт тирик ва ёш бўлиб қолсам, деди. Шунда Росулulloҳ ﷺ: «**Улар мени ўз юртимдан қувишадими? деган эдилар**». Варақа ибн Навфал : Ҳа, албатта, сен олиб келган нарсага ўхшашини олиб келган киши тажовузга йўлиққан. Агар менга ўша кунлар насиб қилса, сенга мислсиз ёрдам берар эдим» деди. Варақа ибн Навфал билимдон ва илоҳий китобларни кўп ўқиган киши эди. Шунинг учун у Пайғамбаримиз ﷺнинг қавми у кишига қарши чиқиши ва юртидан қувиб юборишини билган эди. Бунга яна Бану Омир ибн Саъсаанинг оқсоқоли Байхара ибн Фироснинг айтганларини ҳам мисол қилиш мумкин. У бундай деган эди: «Сен ўзингдан олдин арабларга бизни нишон қилмоқчимидинг. Аллоҳ сени ғолиб қилсаю, ҳукмронлик биздан бошқаларники бўладими? Байхара яна: Аллоҳга қасамки, агар мен бу йигитни Қурайшдан ўзимга оғдириб олсам, у билан бутун арабларни бўйсундириб олар эдим, деган эди. Чунки у ўзининг ўткир назари билан барча араб қабилалари бу даъватга қарши чиқишини англаган эди. Шунингдек, Маснийнинг Исломни қабул қилишидан олдин айтган гапларини мисол қилиш мумкин. У бундай деган эди: «Эй Қурайшлик биродар, мен ўйлайманки сен чақираётган нарсани подшоҳлар ёмон кўришади». Бу киши Бану Шайбоннинг оқсоқоли ва етук ҳарбийларидан бўлиб, Пайғамбаримиз ﷺ даъватининг жиддийлигини ҳамда бу даъват ҳоқимият эгаларини қўзғаб қўйишини, шунинг учун шу ҳоқимият эгалари биринчилардан бўлиб унга қарши уруш очишини тушунар эди.

Ўзгартиришга даъват қилиш – Халифаликни ва шариат асосидаги бошқарувни барпо этишга чақиривдир. Бу чақирикнинг мавжуд куфр режимлари учун нақадар хавфли эканини ҳар бир ақлли одам тушунади. Шунинг учун биз кўрамизки, куфр режимлари даъватга қарши туриб, турли услуб ва йўллар билан унга қарши курашишади. Инсоният тарихидаги барча тоғутларнинг одати мана шудир. Шунинг учун даъватни етказувчи мана шу нарсадан огоҳ бўлиши, хавфсизлик чораларини кўриши ва Аллоҳ Азза ва Жаллага бўлган тақво билан бурканиши лозимдир. Чунки озуқаларнинг энг яхшиси тақводир. Шунингдек, даъватни етказувчи аввалгиларнинг йўлига эргашиши лозим. Чунки Аллоҳнинг суннати битта ва ўзгармасдир.

Дарҳақиқат, бошланғич босқичда нозил бўлган сураларнинг оятлари ушбу нуқтани комил, муфассал ва нозик тартибда муолажа қилди. Аллоҳ Таоло Ҳуд сурасида бундай дейди:

﴿فَلَعَلَّكَ تَارِكٌ بَعْضُ مَا يُوحَىٰ إِلَيْكَ وَضَائِقٌ بِهِءِ صَدْرِكَ أَنْ يَقُولُوا لَوْلَا أَنْزَلَ عَلَيْهِ كِتَابٌ أَوْ جَاءَ مَعَهُ مَلَكٌ إِنَّمَا أَنْتَ نَذِيرٌ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ وَكِيلٌ﴾

**«(Эй Муҳаммад), эҳтимол, сиз (мушриклар): «Унга осмондан хазина-бойлик туширилса ёки у билан бирга (унинг пайғамбар эканлигини тасдиқлайдиган) бирон фаришта келса бўлмасмиди?» деганлари сабабли ўзингизга ваҳий қилинаётган оятларнинг айримларини (уларга етказишни) тарк қиларсиз ва шу сабабли, дилингиз сиқилар? (Йўқ, сиз ўзингизга нозил қилинган оятларни тўла-тўқис ҳолида кишиларга етказаверинг, чунки) фақатгина сиз (кофирларни дўзах азобидан) огоҳлантиргувчисиз, холос, Аллоҳ, ҳамма нарсанинг устида вакил-бошқариб тургувчидир»** [Ҳуд 12]

Даъватни етказувчи дуч келадиган руҳий босимлардан бири масхара қилиш, ғоясини камситиш ва унинг рўёбга чиқишини амри маҳол, қилиб кўрсатишдир. Бу даъватни етказувчини ташвишга соладиган нарса бўлиб, гоҳида уни ўз даъватидан қайтишга ёки йўлини ўзгартиришга мажбур қилади. Айни кунларда Халифаликка даъват қилаётганларни қийнаётган нарса ҳам худди шудир. Чунки баъзилар масхара қилган ва пастга урган ҳолда Халифаликка қайтиш туялар замонига қайтиш дея тасаввур қиладилар. Айни пайтда Ғарб сақофатидан таъсирланган айрим кишилар, жумладан ўзларини «исломийлар» дея ҳисоблаётганлар Халифаликни шаръий асосидан ажратишмоқда. Шунингдек, улар Халифалик саҳобалар ишлаб чиққан тузум, уларнинг асри якун топгач, Халифалик ҳам йўқ бўлиб кетган деб ҳисоблашмоқда. Аксар исломий фаоллар эса нусрат талаб қилишни бутунлай инкор қилиб, уни хомхаёл деб ҳисоблашмоқда ва ушбу замонамиздаги қувват эгалари уни қабул қилмайди деб билишмоқда. Шунингдек, «Арабларга бўйнимизни нишон қилиб, сўнг ҳукмронликни сизларга топширамизми» қабилида мужоҳидлар ҳам уни қабул қилмайди деб ҳисоблашмоқда.

﴿وَلَقَدْ أَسْتَهْزِئُ بِرُسُلٍ مِّن قَبْلِكَ فَحَاقَ بِالذِّئِبِ سَخِرُوا مِنْهُمْ مَا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِئُونَ﴾

**«(Эй Муҳаммад), сиздан аввал ўтган пайғамбарларнинг устидан ҳам кулинган. Сўнг уларни масхара қилган кимсаларни ўша кулгилари ўраб, (домига тортиб) кетган (яъни ҳалок қилган)»** [Анъом 10]

Шунинг учун даъватни етказувчи ўз йўли ва Аллоҳнинг нусратига қаттиқ ишонмаса, ушбу босимлар қаршисида тезда тойилиб кетади. Аксар одамлар исломий даъватга бел боғлаб, сўнг нима учун тойилиб кетганларини шундан билиб олсак бўлади.

Бошқа томондан даъватни етказувчилар баъзида турли жисмоний озорлар, шу жумладан узоқ муддат қамалишга дучор бўладилар. Шунда улар сабр қилиши ва даъват йўлида сабот билан туриши лозимдир. Дарҳақиқат, бошланғич босқичда нозил бўлган

Қуръон оятлари шу ишга эътибор қаратиб, уни етарли ва кенг қамровли тарзда муолажа қилди.

﴿وَإِنْ يَمْسَسْكَ اللَّهُ بِضُرٍّ فَلَا كَاشِفَ لَهُ إِلَّا هُوَ وَإِنْ يُرِدْكَ بِخَيْرٍ فَلَا رَادَّ لِفَضْلِهِ يُصِيبُ بِهِ مَن يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَهُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ﴾

**«Агар Аллоҳ сизга бирон зиён етказса, уни фақат Ўзигина кетказа олур. Агар сизга бирон яхшилик (етказишни) ирода қилса, Унинг фазлу марҳаматини қайтара олгувчи йўқдир. У Ўзи хоҳлаган бандаларига яхшилик етказур. У мағфиратли, меҳрибондир»** [Юнус 107]

Аллоҳ Таоло ушбу оятда сизга етган зарар Аллоҳдан ва у зотнинг изни билан бўлганлиги ҳамда ўша зарарни фақат Аллоҳгина кетказа олиши ҳақида хабар бермоқда. Чунки ушбу оятдаги (У) ҳарфи жинс учун бўлган нафи ҳарфи бўлгани учун оятнинг маъноси, агар бандага бирор зарар етса, уни Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолодан бошқа ҳеч ким тўлиқ ёки қисман шаклда даф қила олмайди, агар Аллоҳ Таоло сен учун бирор яхшиликни хоҳласа, бирортаси Аллоҳнинг фазлини сендан қайтара олмайди, Аллоҳ Таоло ўз бандаларига раҳмли ва мағфиратли, деган маънода бўлади. Зеро, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِنْ يَمْسَسْكَ اللَّهُ بِضُرٍّ فَلَا كَاشِفَ لَهُ إِلَّا هُوَ وَإِنْ يَمْسَسْكَ بِخَيْرٍ فَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿۱۰۸﴾ وَهُوَ الْفَاهِرُ فَوْقَ عِبَادِهِ وَهُوَ الْحَكِيمُ الْخَبِيرُ﴾

**«Ахир Аллоҳ шаънига бўҳтон қилган ёки Унинг оятларини ёлғон деган кимсадан ҳам золиброқ ким бор?! Албатта (бундай) жиноятчи кимсалар нажот топмаслар. Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларига зиён ҳам, фойда ҳам етказа олмайдиган нарсаларга ибодат қиладилар ва: «Ана шу нарсалар Аллоҳ ҳузурида бизларнинг оқловчиларимиз», дейдилар. Айтинг: «Аллоҳга осмонлар ва ердаги У зот билмайдиган нарсаларни (шерикларни) билдириб қўймоқчимисизлар?!» Аллоҳ уларнинг (мушрикларнинг) ширкларидан пок ва юксак бўлган зотдир»** [Анъом 17-18]

Ким Аллоҳ Таолонинг синовига сабр қилса, У зотнинг розилигига эришади ҳамда дунё ва охиратда мукофотга сазовор бўлади:

﴿وَاتَّبِعْ مَا يُوحَىٰ إِيَّاكَ وَأَصْبِرْ حَتَّىٰ يُخْرَجَ اللَّهُ وَهُوَ خَيْرُ الْخَارِجِينَ﴾

**«(Эй Мухаммад), ўзингизга ваҳий қилиб юборилаётган нарсага (яъни амру фармонларга) эргашинг ва то Аллоҳ Ўз ҳукмини туширгунича, (даъват йўлидаги машаққатларга ва кофирлар томонидан етадиган озорларга) сабр қилинг. У зот ҳукм қилгувчиларнинг энг яхшисидир»** [Юнус 109]

﴿وَأَصْبِرْ فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجْرَ الْمُحْسِنِينَ﴾

«(Эй Муҳаммад, машаққат ва озорларга) **сабр қилинг! Зотан, Аллоҳ чиройли амал қилгувчиларнинг ажр-мукофотларини зое эмас**» [Ҳуд 115]

Лекин ушбу ва бошқа оятлар қанчалик муолажа қилишига қарамай, даъватни етказувчи қалбига заифлик сизиб кириши табиийдир. Шунинг учун жамоат ёки унинг етакчиси ушбу хатони муолажа қилиши лозим. Пайғамбаримиз ﷺ сийратларида шу каби ҳодисалар ривоят қилинган... Ҳаббоб ибн Арат رضي الله عنه шундай ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ каъбанинг соясида тўнини ёстиқ қилиб ётган экан, биз у кишига: Аллоҳга дуо қилиб, бизга ёрдам беришини сўрамайсизми деган эдик. У киши:

«قَدْ كَانَ مِنْ قَبْلِكُمْ، يُؤْخَذُ الرَّجُلُ فَيُحْفَرُ لَهُ فِي الْأَرْضِ، فَيُجْعَلُ فِيهَا، فَيَجَاءُ بِالْمِنْشَارِ فَيُوضَعُ عَلَى رَأْسِهِ فَيُجْعَلُ نَصْفَيْنِ، وَمُشَطُّ بِأَمْشَاطِ الْحَدِيدِ مَا دُونَ حَمِيهِ وَعَظْمِهِ، فَمَا يَصُدُّهُ ذَلِكَ عَنْ دِينِهِ. وَاللَّهِ لَيَتَمَنَّاهُ هَذَا الْأَمْرَ، حَتَّى يَسِيرَ الرَّكَّابُ مِنْ صَنْعَاءَ إِلَى حَضْرَمَوْتِ، لَا يَخَافُ إِلَّا اللَّهَ وَالذَّبَّ عَلَى غَمِيهِ، وَلَكِنَّكُمْ تَسْتَعْجِلُونَ»

«Сизлардан аввалгилар даврида киши ушлаб келиниб, унга чуқур қазилар, сўнг шу чуқурга туширилиб, арра билан бошини ўртасидан иккига бўлиб ташланар эди. Темир тароқлар билар таралиб, гўшти билан суяги ажратиб олинарди. Аммо бу нарса уни динидан қайтаролмас эди. Аллоҳга қасамки, албатта Аллоҳ бу ишни тамомига етказгай. Ана шунда Санъодан Ҳазрамавтга йўл олган отлиқ ҳеч нарсадан кўрқмай бемалол борадиган бўлади. У фақатгина Аллоҳдан ва қўйларини бўри еб кетишидан кўрқади, холос. Сизлар эса, шошяпсизлар». Бухорий ривояти. Бу улуғ саҳоба даъват ишида янги эмас эди, балки мўминлар ичида олтинчи имон келтирган ва аввалгилардан эди. Лекин унга етган озорнинг қаттиқлигидан Пайғамбар ﷺ дан нусрат сўраб дуо қилишини сўради ва шошилди. Лекин Росулulloҳ ﷺ унинг сабрига таққослаб бўлмайдиган аввалгиларнинг сабрини эслатдилар. Сўнгра Аллоҳнинг нусрати албатта келиши ҳақида хушхабар бердилар.

### **Тўртинчи: Ноумид бўлмаслик лозим**

Даъватни етказувчи фикрий, руҳий ва ташкилий жиҳатдан тайёр бўлганидан кейин барча қийинчиликларни енгиб, бор кучини ишга солиб, зулмат булутларини парчалаб ҳамда илоҳий нур байроғи ва Росулulloҳ ﷺ ливосини кўтариб ва даъватига эргашиб мақсад сари шиддат билан ҳаракат қилмоғи лозим. Агар бу йўлда руҳий ёки жисмоний озорга йўлиқса, бунга сабр қилиши керак. Лекин ноумид бўлиши ёки умидини пучга чиқариши мумкин эмас. Дарҳақиқат,

илк босқичда нозил бўлган оятлар ноумидлик мавзусига эътибор қаратиб, уни муолажа қилган.

Қуръонда ноумидлик лафзи саккиз марта келган бўлса, ушбу даврда нозил бўлган оятларда ноумидлик (ىءس) лафзи тўрт марта келган:

﴿يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰذٰهَبُوْا فَتَحَسَّسُوْا مِنْ يُّوسُفَ وَاَخِيْهِ وَا لَا تَايَسُوْا مِنْ رَّوْحِ اللّٰهِ اِنَّهٗ لَا يَأْتِيْسُ مِنْ رَّوْحِ اللّٰهِ اِلَّا الْفَوْمُ الْكٰفِرُوْنَ﴾

**«Эй ўғилларим, боринглар, Юсуф ва унинг биродарини изланглар ва Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмгина ноумид бўлур»** [Юсуф 87]

Бу оятлар Аллоҳдан ноумид бўлиш даъватни етказувчининг сифати эмаслиги, балки у кофирларнинг сифати эканини баён қилади. Бошқача айтганда, даъватни етказувчи ноумид бўлмаслиги керак. Чунки у аламлар ичра умидни, шикастлар ичра нусратни ва зулмат ичра нурни кўради. Нега шундай бўлмасин, ахир у гуноҳкор ва жинойтчилар пайдо қилган куфр зулматларини парчалайдиган нур машъалини кўтармоқда-ку.

Қуръон оятлари ноумидлик ҳақида баён қилганидек, элчилар ва Пайғамбарлар гоҳида ўз қавмлари уларни даъватдан тўсгани ва жамият даъват қаршисида қотиб қолганини кўришди. Даъватни етказувчи мана шундай пайтда ноумид бўлмаслиги, балки Аллоҳнинг нусратидан хушxabар беришда давом этмоғи лозим. Чунки қандайдир жамият қотиб қолса, Аллоҳ хоҳласа даъват олдида бошқа жамиятнинг эшиги очилади. Пайғамбаримиз ﷺ Макка жамияти қотиб қолгач, араб қабилаларидан ёрдам сўрашда бор кучини ишлатди. Шунда ансорларнинг хабари кела бошлади. Ҳеч қанча вақт ўтмай, Мадинадан Пайғамбар ﷺ га ва Аллоҳнинг динига нусрат белгилари кўринди. Сўнгра Росулulloҳ ﷺ Мадинага ҳижрат қилдилар.

﴿حَتّٰى اِذَا اسْتَيْسَسَ الرُّسُلُ وَاظُنُّوْا اَنْهُمْ قَدْ كٰذَبُوْا جَآءَهُمْ نَصْرُنَا فَنُجِّىْ مِنْ دَشَآءٍ وَا لَا يُرَدُّ بَآسُنَا عَنِ الْفَوْمِ الْمُجْرِمِيْنَ﴾

**«Ҳар қачон пайғамбарларимиз ноумид бўлиб: «Бизлар ёлғончи қилиндик – пайғамбар эканлигимизга ишонмадилар», деб ўйлай бошлаганларида, уларга Бизнинг мададимиз – ғалабамиз келиб, Биз хоҳлаган кишиларга нажот берилар эди. (Аммо) жинойтчи бўлган қавмдан бизнинг азобимиз қайтарилмас!»** [Юсуф 110]

Демак, пайғамбарларнинг ноумид бўла бошлашлари нусрат келишидан хабар беради.

## Бешинчи: Ҳар бир нарсанинг ўз вақти бор

Албатта Аллоҳнинг суннати ҳар бир махлуқнинг белгиланган ажали бўлишини тақозо этди. Шунингдек, Аллоҳ Азза ва Жалла ҳукм қилган ҳар бир ишнинг маълум вақти ва белгиланган ажали бор. Аллоҳ Таологина биладиган ҳикматга кўра ундан олдинга ҳам ўтиб кетмайди ва орқада ҳам қолмайди. Бу иш махлуқотларда Аллоҳнинг суннатидан чиқиб кетмайди. Бу иш шахсга, халқларга ва инсоний жамиятларнинг барчасига мос келади. Чунки кунлар айланиб тураверади.

﴿وَتِلْكَ الْأَيَّامُ نَدَاوُهَا بَيْنَ النَّاسِ وَلِيَعْلَمَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَيَتَّخِذَ مِنْكُمْ شُهَدَاءَ ۗ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الظَّالِمِينَ﴾

**«Агар (бугун — Уҳудда) сизларга жароҳат етган бўлса, (Бадр жангида) у қавмга ҳам худди шундай жароҳат етган. (Токи ибрат бўлсин деб) ва Аллоҳ ҳақиқий имон келтирган кишиларни билиши ҳамда ораларингдан шаҳидларни саралаб олиши учун бу кунларни (яъни ғалаба ва мағлубият кунларини) одамлар орасида айлантириб турамиз. Аллоҳ золим кимсаларни севмайди»** [Оли Имрон 140]

Бу мабдага нисбатан айтилган. Аммо даъватга нисбатан айтадиган бўлсак, у ҳам Аллоҳнинг суннати доирасида рўй беради. Чунки даъватнинг босқичлари тўла бўлгач, Аллоҳ белгилаб қўйган нарсага мувофиқ хотима келади.

Пайғамбарлар ва элчиларнинг даъвати шундай бўлган. Чунки илк босқичда нозил бўлган Қуръон оятлари шунга ишора қилади:

﴿وَلِكُلِّ أُمَّةٍ أَجَلٌ فَإِذَا جَاءَ أَجْلُهُمْ لَا يَسْتَأْخِرُونَ سَاعَةً وَلَا يَسْتَقْدِمُونَ﴾

**«Айтинг (эй Мухаммад): «Мен агар Аллоҳ хоҳламаса (ўзгалар у ёқда турсин), ўзимга ҳам бирон зиён ё фойда етказишга қодир эмасман. (Бинобарин, келажак, ғайб илмларидан ҳам хабардор эмасман, лекин) ҳар бир миллат-авлод учун бир ажал бордир. Қачон ажаллари етса, уни бирон соат кетга ҳам сура олмайдилар, илгари ҳам қила олмайдилар»** [Юнус 49]

Ҳуд сураси эса, аввалгиларнинг қиссаларини баён қилар экан, ўтган халқларнинг аҳволи ҳақида баён қилган суралардан бошқача тарзда қуйидаги ишорани қайта-қайта такрорлайди. Аллоҳ Таоло Нуҳ қавми ҳақида бундай дейди:

﴿حَتَّىٰ إِذَا جَاءَ أَمْرُنَا وَفَارَ التَّنُّورُ قُلْنَا أَحْمِلْ فِيهَا مِنْ كُلِّ زَوْجٍ مِّنْ أَنتَنِينَ وَأَهْلَكَ إِلَّا مَن سَبَقَ عَلَيْهِ الْقَوْلُ وَمَنْ ءَامَنَ وَمَا ءَامَنَ مَعَهُ إِلَّا قَلِيلٌ﴾

**«То Бизнинг фармонимиз келиб, ердан фавворалар отилган вақтда, (Нуҳга) дедик: «У кемага ҳар (жонивордан) бир**



**жуфтдан ва аҳли оилангни чиқаргин. Лекин қайси кимсалар хусусида Бизнинг сўзимиз** (яъни, ғарқ бўлиш ҳақидаги ҳукмимиз) **ўтган бўлса,** (уларни терс қилгин). **Яна имон келтирган кишиларнинг барчасини** (кемага чиқаргин)!» **Унга имон келтирган кишилар эса жуда оз эдилар»** [Худ 40]

Од ва Самуд қавми ҳақида бундай дейди.

﴿وَلَمَّا جَاءَ أَمْرُنَا نَحْنُ حَكِيمًا ۖ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ بِرَحْمَةٍ مِنَّا وَنَحْنُ إِلَهُ ۖ عَذَابٌ غَلِيظٌ﴾

**«Қачонки Бизнинг фармонимиз** (яъни, азобимиз) **келганида, Худ ва у билан бирга имон келтирган кишиларни Ўз раҳмат-марҳаматимиз билан қутқардик ва уларга қаттиқ азобдан нажот бердик»** [Худ 58]

﴿فَلَمَّا جَاءَ أَمْرُنَا نَحْنُ صَالِحًا ۖ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ بِرَحْمَةٍ مِنَّا وَمِن خِزْيِ يَوْمِئِذٍ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ الْقَوِيُّ الْعَزِيزُ﴾

**«Энди қачонки Бизнинг фармонимиз** (яъни, биз юборган бало) **келганида, Солиҳ ва У билан бирга имон келтирган кишиларга Ўз раҳматимиз билан** (у азобдан) **ва ўша кундаги шармандалиқдан нажот бердик. Албатта, Парвардигорингиз ҳақиқий куч-қудрат эгасидир»** [Худ 66]

Лут қавми ҳақида бундай деса,

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّبِعُوا هَذِهِ السُّبُلَ فَتَفْسَدُوا وَتَكْفُرُوا ۚ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ بِرَحْمَةٍ مِنَّا وَمِن خِزْيِ يَوْمِئِذٍ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ الْقَوِيُّ الْعَزِيزُ﴾

**«(Фаришталар айтдилар): Эй Иброҳим, бу баҳсни қўй. Чунки Парвардигорингнинг фармони келиб бўлган. Албатта, уларга қайтариб бўлмас азоб келгувчидир»** [Худ 76]

﴿فَلَمَّا جَاءَ أَمْرُنَا جَعَلْنَا عَلَىٰ جَنَّتَيْنِ مِنَّا مِن مَّاءٍ حَارًّا فَتَمَنَّوْنَ أَن يَأْتِيَكُم مِّنَّا مَاءٌ بَارِدٌ تَشْتَبُونَ﴾

**«Энди қачонки Бизнинг фармонимиз** (яъни азобимиз) **келганида, у жойларни остин-устун қилиб юбордик ва уларнинг** (кофирларнинг) **устига сопол тошларни пайдар-пай ёғдирдик»** [Худ 82]

Мадян ҳақида бундай дейди:

﴿وَلَمَّا جَاءَ أَمْرُنَا نَحْنُ شُعَبِيًّا ۖ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ بِرَحْمَةٍ مِنَّا وَأَخَذَتِ الَّذِينَ ظَلَمُوا الصَّيْحَةَ فَأَصْبَحُوا فِي دِيَارِهِمْ جِثِيمِينَ﴾

**«Қачонки Бизнинг фармонимиз** (яъни азобимиз) **келганида, Шуъайбга ва у билан бирга имон келтирган кишиларга ўз раҳматимиз билан нажот бердик. Золим кимсаларни эса даҳшатли қичқириқ тутиб, ўз диёрларида тўкилиб қолдилар»** [Худ 94]

Худ сурасидаги (Қачонки Бизнинг фармонимиз (яъни азобимиз) келганида) ибораси гўё тингловчининг қулоғига Аллоҳнинг амри албатта амалга ошади, фақат унинг Аллоҳ белгилаб қўйган ва у ҳақида бирор бандасини хабардор қилмаган вақти бор деб

пичирлаётганга ўхшайди. Шунинг учун даъватни етказувчилар ўз даъватларида қаттиқ тириши, ўз йўлларида сабот билан туриши, ундан бошқасига ўтмаслиги ҳамда даъват йўлида Аллоҳ Таоло уларни бошқа бандаларидан ажратиб олиш учун белгилаб қўйган озорлар етганида сабр қилиши лозим. Шунингдек, сабр билан Аллоҳдан нусрат кутишлари лозим. Аллоҳ Таоло Мусо ﷺ тилида бундай дейди:

﴿قَالَ مُوسَى لِقَوْمِهِ اسْتَعِينُوا بِاللَّهِ وَأَصْبِرُوا إِنَّ الْأَرْضَ لِلَّهِ يُورِثُهَا مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَالْعَاقِبَةُ لِلْمُتَّقِينَ﴾ ﴿قَالُوا أَوْدَيْنَا مِنْ قَبْلِ أَنْ تَأْتِيَنَا وَمِنْ بَعْدِ مَا جِئْتَنَا قَالَ عَسَى رَبُّكُمْ أَنْ يُهْلِكَ عَدُوَّكُمْ وَيَسْتَخْلِفَكُمْ فِي الْأَرْضِ فَيَنْظُرَ كَيْفَ تَعْمَلُونَ﴾

«(Фиръавннинг сўзларидан даҳшатга тушиб кетганларида) **Мусо қавмига деди:** «Аллоҳдан мадад тилаб, сабр-тоқат қилингиз! Бу ер шак-шубҳасиз Аллоҳникидир. Уни Ўзи хоҳлаган бандаларига мерос қилиб берур. Оқибат-натижа эса тақводорларники (Аллоҳдан кўрққанларники) бўлур». Улар айтдилар: «**Сен бизга (пайғамбар бўлиб) келишингдан илгари ҳам** (яъни ўшанда ҳам Фиръавн ўғилларимизни ўлдириб, аёлларимизни тирик қолдириб, зулм қилган эди), **сен келганингдан кейин ҳам озор кўрдик**». У (Мусо) деди: «**Шояд Парвардигорингиз душманларингизни ҳалок этиб, сизларни бу ерга халифа қилса ва қандай амаллар қилишингизни кўrsa**»» [Аъроф 128-129]

Бу оятда Мусо ﷺ Фиръавн ва унинг қавмини даъват қилишда бор кучини ишлатганидан кейин, ўша кунни албатта келишини билган ҳолда ўз қавмини сабр қилишга ва Аллоҳдан нусрат ва ғалаба кутишга буюряпти. Сўнгра Фиръавн даврининг тугаши бошланди, яъни Фиръавннинг кўп йиллик ҳукмронлик даври тугади, мевалар камайиб кетди, тўфон, чигиртка, бит, бақа ва қон балолари бошланди. Сўнгра тоғут Фиръавнга якун ясайдиган ҳақиқий давр келди. Унда илоҳий буйруқ туфайли Фиръавн ва унинг қавми сувга чўкди ва заифҳол кишилар сабр қилгани туфайли имкониятга эришишди.

﴿وَأَوْرَثْنَا الْقَوْمَ الَّذِينَ كَانُوا يُسْتَضَعُونَ مَشْرِقِ الْأَرْضِ وَمَغْرِبَهَا الَّتِي بَرَكْنَا فِيهَا وَتَمَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ الْحُسْنَىٰ عَلَىٰ بَنِي إِسْرَائِيلَ بِمَا صَبَرُوا وَدَمَرْنَا مَا كَانَ يَصْنَعُ فِرْعَوْنُ وَقَوْمُهُ، وَمَا كَانُوا يَعْرِشُونَ﴾

«(Миср ва Шомдаги) **ернинг Ўзимиз баракотли қилган машриқ ва мағрибларига бечора қавми** (яъни Бану Исроилни) **ворис қилиб қўйдик. Сабр-тоқат қилганлари сабабли Бану Исроилга Парвардигорингизнинг** («Бу ердан бечора бўлган зотларга инъом қилишни ва уларни одамларга етакчи қилиб қўйишни истаймиз», деган) **гўзал сўзлари тўла-тўқис бўлди.**

**Фиръавн ва қавми қуриб олган иморатларни ва баланд қилиб кўтарган қасрларни эса вайрон қилдик»** [Аъроф 137]

Аммо Пайғамбаримиз Мухаммад ﷺнинг даъвати хусусида айтадиган бўлсак, у киши ўз даъватида ва ёрдам беради деб ўйлаётган қабилалардан ёрдам сўрашида бор кучини сарфлаганларидан кейин, барча қабила раҳбарлари билан бўлган музокаралар муваффақиятсизликка юз тутганидан кейин, Макка жамияти тошдек қотиб қолганидан кейин, яъни пайғамбарликнинг ўн биринчи йилида Пайғамбаримиз олдига Хазраж қабиласидан олти киши келди. Улар Пайғамбаримизнинг даъватини қабул қилишди ва иккинчи йили Хазраж ва Авс қабилаларидан ўн икки киши келишди. Шу йили биринчи Ақаба байъати юз бериб, Пайғамбаримиз ﷺ улар билан бирга улуғ саҳоба Мусъаб ибн Умайрни юборди. Аллоҳ Таоло бу саҳобийнинг қўлида Мадина аҳли ва раҳбарлари қалбини очди. Бир йил ўтмасдан Мадина Ислому давлати тикланиши учун тайёр бўлди. Сўнгра иккинчи Ақаба байъати бўлиб, муслмонлар ва Пайғамбар ﷺ Мадинага ҳижрат қилишди. Демак ҳар бир нарсанинг ўз вақти бор ва Аллоҳнинг амри албатта рўёбга чиқади. Чунки барча ишлар Аллоҳнинг қўлидадир.

﴿وَلِلَّهِ عَيْبُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَإِلَيْهِ يُرْجَعُ الْأُمُورُ كُلُّهَا فَاَعْبُدْهُ وَتَوَكَّلْ عَلَيْهِ وَمَا رَبُّكَ بِغَفِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ﴾

**«Осмонлар ва ер фақат Аллоҳникидир ва барча ишлар Унинг Ўзига қайтарилур. Бас, Унга ибодат қилинг ва Ўзига суянинг! Парвардигорингиз қилаётган амалларингиздан гофил-беҳабар эмасдир»** [Худ 123]

Хотима, Иломий Халифалик қулатилганига бир қанча вақт ўтишига қарамай, Аллоҳнинг ҳабиби ва танлаган пайғамбари бўлмиш Мухаммад ﷺнинг Уммати зўравон бошқарув, жиноятчи ҳукмдорлар ҳамда золим кофир қонунлар ўчоғида қовурилмоқда. Айни шу қонунлар туфайли қонлар оқизилиб, номуслар топталди ҳамда одамлар хор ва танг-бахтсиз ҳаётда яшаб келди. Чунки мустамлакачи кофирлар бу Умнат тепасига жиноятчи ҳукмдорларни ўрнатиб қўйганди. Натижада улар Умнатнинг бойликларини талон-тарож қилишди ҳамда уларни мустамлакачининг манфаатига бўйсундиришди. Умнат буларнинг барчасига қарамай, ўз султони ва ўзлигини қайта тиклайдиган йўлни қидирмоқда. Бироқ, буни рўёбга чиқариш учун қилинган ҳаракатлар ҳозирча бирор муваффақият келтирмади.

Ўзгартиришга даъват қилувчилар буни амалга ошириш учун Пайғамбар ﷺ Аллоҳнинг буйруғи асосида Ислому салтанатини тиклагунга қадар юрган тариқатни маҳкам ушлашлари керак.

﴿ثُمَّ جَعَلْنَاكَ عَلَىٰ شَرِيعَةٍ مِّنَ الْأَمْرِ فَاتَّبِعْهَا وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ﴾

**«Сўнгра (Эй Муҳаммад), Биз сизни (дин) ишидан бир шариат (аниқ-равшан йўл) устида (барқарор) қилдик. Бас, сиз (фақат мана шу йўлга) эргашиг ва билмайдиган кимсаларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг!»** [Жосия 18]

Пайғамбаримиз ﷺ Аллоҳ Таоло белгилаб берган ўзгартириш йўлини маҳкам тутиши вожиб экан, демак ўзгартиришга чақираётган даъватни етказувчилар ҳам ўша йўлни маҳкам тутишлари лозим. Чунки у ягона шаръий йўлдир. Зеро, Умматнинг аввали нима билан ислоҳ бўлса, охири ҳам ўша нарса билан ислоҳ бўлади.

Росулulloҳ ﷺ Умматнинг салтанати Аллоҳнинг изни билан қайта тикланиши ҳақида хушxabар берганлар. Имом Аҳмад ўзининг Муснадида Ҳузайфадан ривоят қилишича Росулulloҳ ﷺ бундай дейдилар:

«تَكُونُ التُّبُوَّةُ فِيكُمْ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَا حِجَابٌ فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا عَاصًا، فَيَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا جَبْرِيَّةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَا التُّبُوَّةُ. ثُمَّ سَكَتَ.»

**«Сизларнинг орангизда Аллоҳ хоҳлаганича пайғамбарлик давом этади. Сўнг Аллоҳ хоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосида Халифалик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг раиятига зулм ва адолатсизликлар етадиган подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг золим-зўравон подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлади. Кейин Пайғамбар ﷺ сукутга чўмдилар».**

Пайғамбаримиз ﷺ яна ушбу Умматнинг мулки кеча ва кундуз етиб борган ергача етиб бориши ҳақида хушxabар берганлар. Имом Муслим ўзининг саҳиҳ тўпламида Савбондан ривоят қилишича Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«إِنَّ اللَّهَ رَوَى لِي الْأَرْضَ فَرَأَيْتُ مَشَارِقَهَا وَمَغَارِبَهَا، وَإِنَّ أُمَّتِي سَيَبْلُغُ مُلْكُهَا مَا رَوَى لِي مِنْهَا. وَأَعْطَيْتُ الْكَنْزَيْنِ الْأَحْمَرَ وَالْأَبْيَضَ، وَإِنِّي سَأَلْتُ رَبِّي لِأُمَّتِي أَنْ لَا يُهْلِكَهَا بِسَنَةِ بَعَامَةٍ، وَأَنْ لَا يُسَلِّطَ عَلَيْهِمْ عَدُوًّا مِنْ سِوَى أَنْفُسِهِمْ فَيَسْتَبِيحَ بَيْضَتَهُمْ، وَإِنَّ رَبِّي قَالَ: يَا مُحَمَّدُ، إِنِّي إِذَا قَضَيْتَ قَضَاءً فَإِنَّهُ لَا يَرُدُّ، وَإِنِّي أَعْطَيْتُكَ لِأُمَّتِكَ أَنْ لَا أَهْلِكَهُمْ بِسَنَةِ بَعَامَةٍ، وَأَنْ لَا أُسَلِّطَ عَلَيْهِمْ عَدُوًّا مِنْ سِوَى أَنْفُسِهِمْ يَسْتَبِيحَ بَيْضَتَهُمْ وَلَوْ اجْتَمَعَ عَلَيْهِمْ مَنْ بِأَفْطَارِهَا – أَوْ قَالَ مَنْ بَيْنَ أَفْطَارِهَا – حَتَّى يَكُونَ بَعْضُهُمْ يُهْلِكُ بَعْضًا وَيَسْبِي بَعْضُهُمْ بَعْضًا»

**«Аллоҳ ерни менга йиғиб кўрсатди. Мен унинг кун чиқишидан кун ботишигача барча жойларини кўрдим. Аниқки, Умматим мулки менга йиғиб кўрсатилган жойларгача етиб боради. Менга қизил ва оқ (олтин ва кумуш) хазиналари берилди. Мен Роббимдан Умматимни қаҳатчилик йили билан оммавий ҳалок қилмаслигини ҳамда дахлсизликларини (яъни жамоаларини, аслларини, азизликларини) поймол қиладиган, ўзлардан бўлмаган бир кимсани устларидан ҳукмрон қилмаслигини сўрадим. Роббим менга деди: эй Муҳаммад, мен бирор ишни ҳукм қилсам, уни ҳеч ким қайтаролмас. Мен Умматингизни қаҳатчилик йили билан оммавий ҳалок қилмасликни, шунингдек, то ўзларининг орасидан бир-бирларини ҳалок қилиб, асир оладиган кимсалар чиқмагунча, ер юзидаги барча одамлар уларга қарши жамланишса ҳам ўзлардан бўлмаган кимсани уларнинг устига ҳукмрон қилмасликни ҳукм қилдим».**

Уммат тахминан ўн йилдан бери, хусусан араб баҳори қўзғолони ва айниқса муборак Шом қўзғолонидан бери ғалаёндадир. Чунки Уммат уни бошқараётган тизим мустамлакачи кофирнинг маҳсули эканини, бу тизим ўшанинг манфаатига ишлашини ва у мутлақо Умматга ёт эканини ҳамда Уммат уни қулатишга ҳаракат қилиши лозимлигини тушуниб етди. Айниқса, социализм қулаб, бугунги кунда капитализм қулаш арафасида турган бир пайтда, Уммат фақат Роббисининг шариатини ҳакам қилиш билангина иззат ва ҳурматини тиклай олишини англаб етди.

Бугун Умматда улкан ҳаракат бошланди. Ушбу улкан ҳаракат Умматда ўзгартиришга бўлган ҳаракатни ва мустамлакачи кофир малайларга қарши инқилобни пайдо қилди.

Уммат фақат Ислом билангина озод бўлишини англади. Лекин мана шу нарсага ҳаракат қиладиганлар Пайғамбаримиз ﷺнинг тариқатини маҳкам ушлашлари лозим. Уммат армияларидаги қўмондонлардан иборат қувват эгалари эса, исломий лойиҳа яъни Пайғамбарлик минҳожини асосидаги Халифалик лойиҳасини эгаларига ёрдам бериш учун шошилишлари лозим. Чунки қувват эгалари Саъд ибн Муоз رضي الله عنه ғолиб бўлган нарса билангина ғолиб бўлишади. Шунда ер юзидаги мусулмонлар бахтли бўлишади. Қуддус, Фаластин, Кашмир, Андалусия, Туркистон, Аракан, Кавказ ва Қрим Исломдаги азизлигига қайтади. Мустамлакачи кофир ва унинг малайлари супуриб ташланади, ер куррасининг барча жойларида уқоб байроғи яъни Росулulloҳ ﷺнинг байроғи ҳилпиради. Ўша кунда мўминлар Аллоҳнинг нусрати сабабли шодланурлар. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишига нусрат берур. У қудрат ва раҳм-шафқат эгасидир. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<b>Саудиядаги ғайри одатий манзара... Риёз дўконларида Рождество безаклари</b>		
<p>Шаҳзода Муҳаммад ибн Салмон зўравон ғоялардан «Озод ва мўтадил» мамлакатга раҳбарлик қилиш мажбуриятини олгач, Рождество арчалари ва турли декоратив чироқлар Саудия пойтахти Риёздаги совға дўконида бир йил олдин тасаввур қилиш мумкин бўлмаган кўринишда сотувга чиқарила бошлади. Бундай савдо сўнгги йилларда мамлакатда ижтимоий чекловларни юмшатиш белгиси сифатида аста-секин кўрина бошлади. Шунингдек, совға дўконида Рождество арчасидан ташқари Санта Клауснинг кийим кечаклари, турли чироқлар ва бошқалар сотувга чиқарилди. Уч йил олдин Саудияда бу каби товарларни бундай очиқ тарзда сотиш деярли имконсиз эди. Қироллик мамлакатда диний полиция бўлиб хизмат қилган маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш комиссияси ролига ва ниҳоят чек қўйди. Одамлар ўн йиллар давомида Рождествога хос товарларни яширин тарзда сотиб олишар эди. Филиппин, Ливан ва бошқа давлатлардан келган насронийлар Рождествони ёпиқ эшиклар ортида ёки мусофирлар яшайдиган маҳаллаларда деярли яширин тарзда нишонлашар эди. Валиаҳд шаҳзода Саудия Арабистонида концертлар ўтказиш, кинотеатрларни қайта очиш, ва мамлакатни модернизация қилиш лойиҳасининг бир қисми сифатида аёлларга ҳайдовчилик имкониятини бериш каби катта ўзгаришларни амалга оширди.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Ибн Салмон ўз мамлакатини диний эркинликларни бузган мамлакатлар рўйхатидан чиқарган экан, уни Аллоҳнинг азобидан ким чиқаради?</p>		
<b>Зариф ўз нутқининг нотўғри талқин қилинишига норозилик билдириб, «Эрон яҳудийларни денгизга улоқтирмоқчи» деган даъволарни масхара қилди</b>		
<p>CNN ахборот агентлигининг хабар беришича, Эрон ташқи ишлар вазири Жавод Зариф яҳудийлар ҳамда «Эрон яҳудийларни денгизга улоқтирмоқчи» деган даъволар ҳақида ўз мулоҳазасини билдириб берган баёноتلари нотўғри талқин қилинганини билдирди. Зариф АҚШнинг «Яқин Шарқ медиа тадқиқот институти» (MEMRI) берган ҳисоботга ўзининг расмий Твиттер саҳифасида изоҳ бериб, жумладан бундай деди: «Яқин Шарқ медиа тадқиқот институти яна ўзининг тубан даражасига тушиб, «яҳудийлар» тўғрисидаги гапимдан мени антисемитизмда айблашда баҳона сифатида фойдаланибди. Ҳолбуки, мен яҳудийлар тўғрисида Эронга қарши иддаоларни рад этиш мақсадида гапирганман, холос». Зарифнинг ушбу гапларини Эроннинг расмий ахборот агентлиги таржима</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>қилиб чоп этган. Ахборот агентлигининг хабар беришича, ташқи ишлар вазири қўшимча қилар экан, «Эрон яҳудийларни денгизга улоқтирмоқчи» деган даъволарга кулгим келади. Чунки мен Фаластин масаласи ечими барча тарафлар, яъни яҳудийлар, мусулмонлар ва масиҳийлар иштирок этадиган референдум ўтказиш деб биламан» деди...</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Зарифнинг саҳифасида бу ёлғонларга бир қаранг... У Эроннинг «яҳудийларни денгизга улоқтиради», деган гапидан тониб, қатъийлик билан буни баҳона ва ёлғон, деяпти-я! Қаранглар, унинг наздида Фаластин ечими фақат референдум ўтказиш орқали бўлар эмиш... Ҳа, яҳудийларни душман ҳисобламасликда Эрон ҳукмдорлари ҳам бошқа мусулмон юртларидаги жиноятчи ҳукмдорлардан фарқ қилишмайди. Фаластин масаласига нисбатан хиёнат ва жиноят қилишда Эрон ҳукмдорлари ҳам, бошқа исломий юртлар ҳукмдорлари ҳам баробарлар. Нафақат баробарлар, ҳатто саҳнада ўзларига топширилган ролларни керагидан ортиқча қилиб ўйнашмоқда!</p>		
<p><b>Дейли Телеграф: Саудиянинг таълим дастурини ўзгартириш борасидаги йўналишлари... тарихий ўзгаришдир</b></p>		
<p>Дейли Телеграф газетасининг билдиришича, «Саудия антисемитизм ва исломий зўравонликни қўллаб-қувватловчи ғоялардан қутулиш учун таълим дастурининг катта қисмини ўзгартирди». Газета буни «мамлакат йўналишидаги кўзга кўринарли тарихий ўзгариш, деб атади. Газетада келтирилган бу жумла, (Исроил)нинг мактаб таълимидаги диний ва сақофий бағрикенгликни назорат қилиш институти тадқиқотидан олиб келтирилган. Таълим тизими ва ундаги ўзгаришларни кузатиб боришга ихтисослашган ушбу тадқиқот марказининг билдиришича, мамлакатдаги ва хориждаги 30 мингдан ортиқ мактабларга Риёз томонидан тарқатилган ўқув қўлланмалари «яҳудийлар бутун оламга ҳукмронлик қилишмоқда», каби уларнинг тили билан айтганда «фитнали» матнлардан тозаланган. Бундан ташқари, гомосексуаллар ва муртадларни ўлдиришга чақирадиган матнлар ҳам олиб ташланган. Ўқув марказининг қўшимча қилишича, Саудия «дарахт ва тошлар яҳудийлар ҳақида гапирганидан кейин мусулмонлар яҳудийларни ўлдирадиган қонли жанг ҳақида хабар берадиган матнларни олиб ташлаган. Газета бу ўзгаришлар Саудияни босқинчи (Исроил) билан алоқаларни нормаллаштиришга чақирдиш учун АҚШ воситачилигида бўлиб ўтмоқда деб ёзади. Бунда у Саудия таълим дастури «Мусулмонларни жиҳод ва шаҳидлик»ка қизиқтирадиган матнлардан тозалангани ҳақида</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Муслмон муслмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>айтади. Газетадаги мақола ушбу сўзлар билан яқунланади: «Саудия Арабистони (Исроил) билан муносабатларини расман нормаллаштирган давлатлар қаторига кирмаса-да, ўқув дастури ўзгариши яҳудийлар билан доимий муносабатларни қабул қилиш ва минтақада уларнинг борлигини тан олиш учун амалга ошираётган кенг ўзгаришлар ва тенденцияларнинг бир қисмидир.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Саудия ҳукмдорлари барчанинг кўз ўнгида яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштириб, Аллоҳга очиқ осий ва фосиқ ҳукмдорларга айланишаётган бир пайтда, икки ҳарам юрти уламулари қаёқда қолди?! Аллоҳ Таоло айтади:</p>		
<p style="text-align: center;">﴿وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَٰسِقُونَ﴾</p>		
<p><b>«Кимда-ким Аллоҳ нозил этган дин билан ҳукм этмас экан, улар фосиқлардир»</b> [Моида 47]</p>		
<p><b>Россия ўз муфтийларини Мисрда ўқитмоқчи</b></p>		
<p>Миср муфтиятига кўра, Россия муфтийлар кенгаши раиси Равил Гайниддин билан Мисрда Россия имомларини ўқитиш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Миср муфтияти ва халқаро фатво бьюроси томонидан ўтказиладиган Россия уламулари ва имомлари кенгаши аъзолари учун ўқув курси Қоҳирада 2020 йилнинг 21 ва 22 декабр кунлари интернет орқали ўтказилди. Бу ҳар икки томоннинг Ислом ҳуқуқшунослиги, сақофий, маърифий ва илмий ишларнинг барча жабҳаларида, айниқса, муфтийларни тайёрлаш ва уларнинг илмий ва билим даражаларини ошириш борасида биргаликда ишлашни фаоллаштириш истаги доирасида бўлиб, умумий манфаатларга хизмат қилиш, терроризм ва экстремизм ғояларига қарши курашишнинг замонавий муаммоларини ҳал қилиш ва Ислом Уммати ёшларининг тарбиясига эътибор қаратиш учун амалга оширилмоқда. Халқаро фатво котибиятига кўра, шартноманинг энг муҳим вазифаларидан бири фатво кенгаши ва доиралари ўртасида илмий, амалий ва ташкилий тажриба алмашиш ҳамда исломий асосларнинг биринчи мудофаа линияси сифатида фатво кенгашлари ва доираларида ўрта ўқув дастурини қувватлайдиган ҳамкорлик қуриш ва олам бўйлаб ҳазорий фатво қийматларини ёйишдир. Бундан ташқари, Россия Федерацияси муслмонлари диний бошқармаси ўз мақсадларига эришишда бош котибиятнинг энг муҳим аъзолари ва шерикларидан биридир.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Аниқки, Ғарбдаги тадқиқот марказлари Исломга қарши кураш доирасида Исломни тушунишда мўътадилликни ёйишни тавсия қилмоқда. Бошқача айтганда, Исломни ношаръий</p>		



ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Ғарбча услубда тушунишни тавсия қилмоқда. Кейин Ғарб давлатлари бу тавсияни қабул қилиб, уни мусулмонларнинг ҳукмдорларига мусулмонларга зўрлаб тиқиштиришни буюрди. Ўз навбатида ҳукмдорлар расмий уламоларга вақф вазирлиги ва фатво идоралари орқали шаръий тус беришларини буюрди... Шунинг учун бундай уламоларни Исломга қарши курашда ҳокимларнинг шериклари деб атаймиз. Уларнинг барчаси Аллоҳга эмас, балки Ғарбга бўйсунувчидир.</p>		
<p><b>Дубайда «гетто» (яхудийлар маҳалласи) қурилиши бошландими?</b></p>		
<p>«Бугунги Исроил» газетаси Дубайдаги энг нуфузли жойларнинг бирида бир турар жой лойиҳаси бошланаётгани ва унда Амирликлар ва умуман араб дунёсида биринчи марта яҳудийлар ибодатхонаси, шанба кунлари соат жадвали билан ишловчи лифт ва яҳудийларнинг таҳорат (ювиниш) хонаси бўлиши ҳақида ёзган. Лойиҳанинг яна бир эътиборли жиҳати шундан иборатки, у исроиллик ишбилармон Вейцман ва Суриялик яна бир ишбилармон ҳамкорлигида бунёд этилмоқда. Исроиллик ишбилармон Вейцман турар жой лойиҳасига ташриф буюрар экан, Суриялик ишбилармон лойиҳанинг иккинчи қаватида ҳашаматли шаклда ташкил этилган ибодатхонани қимматбаҳо совға сифатида тақдим этган. Суриялик ишбилармон «агар квартираларни сотишга муваффақ бўлсам, кошер озиқ-овқатларига хизмат қилувчи ресторан ва ювиниш хонаси ташкил этаман», дея ваъда қилган. Сешанба куни бу ерда Мезуза (диний маросим) ва Тавротнинг ўралиши маросими бўлиб ўтган. Газетанинг оғоҳлантиришича, Исроил, Франция, Грузия ва бошқа мамлакатлардан келган ўнлаб тадбиркорлар, раввинлар, кўчмас мулк эгалари (Исроил)-Дубай конференциясида иштирок этишади. Бундан ташқари, улар Дубай ҳудудида анъанавий яҳудийлик муҳитида Ханукка (яхудий чироқлар) маросимида қатнашишади. Вейцман айтади: «Ўтган йили амирликлардаги янги дўстларимиз билан Ханукка кунини нишонлашимизга ҳеч ким ишонмаган эди... Биз ижтимоий муносабатлардан ташқари (Исроил) ва бошқа юртлардан келган инвесторлар учун турли хил вариантларни очадиган ишончли бизнес алоқаларини ўрнатамиз».</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Шундай қилиб Амирликларнинг ҳукмдорлари дунё, ифлослик ва хиёнатда биринчи эканликларини ҳамда душманларига яқин ва Умматига бегона эканликларини исботламоқдалар...</p>		

<p>ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ</p>	<p>قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»</p>	<p>ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ</p>
<p><b>Моссад «Apple TV» ва «Netflix»дан ўз мижозларини жалб қилишда фойдаланмоқда</b></p>		
<p>«Вашингтон Пост» газетасидаги бир мақолада айтилишича, (Исроил)нинг Моссад разведка ташкilotи ўзининг жосуслар жалб қилиш ишида «Netflix» ва «Apple TV Plus»дан фойдаланиб келади. Газетага кўра, Моссад ўзининг кўп йиллик махфий хизматларидан сўнг охириги пайтларда қатор сериаллар ва фильмлар орқали дунё сайтларини эгаллашни бошлаган. Унда яна маълум қилинишича, Моссадга жосуслар жалб қилиш жараёнлари ижтимоий медиа платформалари орқали ҳамда «Моссаднинг жасоратлари» ҳақидаги ёлғон маълумотлар тарқатиш орқали янада кучайган. Хабарда келишича, собиқ агентлар Моссад ўз манфаатига хизмат қиладиган телесериаллар ва бадий фильмларни янада кўпроқ намойиш қилишга эътибор қаратаётганини айтган. Газетанинг хабар беришича, Моссаднинг бир ходими Моссаднинг миссиялари ва операцияларини жамоатчиликка очиб бериш бизнинг меросимизни қўллаб-қувватлайди ҳамда одамлар ғурурни ҳис қилиши ва келгуси авлод ҳақида ўйлаши имконини беради, биз учун янги мижозлар керак, дейди. (Исроил)лик режиссёр Эйтан Фокс Моссад ҳақида шоулар ва фильмлар тайёрлаш жараёни осон кечади, чунки ёзувчи ва продюсерлар Моссадга яқин доира бўлиб, уларнинг ҳар бирининг Моссадда ё амакиси ёки дўсти ишлайди, дейди.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Мусулмонлар ҳукмдорларининг хиёвати ва сўнги пайтдаги уларнинг яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштириши туфайли мусулмонлар майдони ҳимоясиз қолмоқда. Шунинг учун улар бундай душман каналлардан ўзларини сақлашлари лозим. Шунингдек, улар рошид Халифалик давлатини барпо қилишлари лозимки, ана шунда мусулмонларнинг барча ишлари тўғри амалга ошади... □</p>		

## ҚУРЪОНИ ҚАРИМ СУҲБАТИДА

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِن نَّسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا إِكْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِنَا رَبَّنَا وَلَا تُحَمِّلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ وَاعْفُ عَنَّا وَارْحَمْنَا أَنْتَ مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ﴾

**«286. Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди. (Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир. Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг бўйинларига қўйган юкингни юклама! Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама! Бизларни афв эт, (гуноҳларимизни) мағфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла! Ўзинг хојамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил!»** [Бақара 286]

Амални унутиш аслида беҳосдан, ўйланмаган ҳолда тарк қилишдир. У икки хил бўлади:

Биринчидан, унутиш бевосита юз беради. Масалан, одам рамазон ойида рўзалигини унутиб, нимадир еб, ичиб қўяди. Ёки кимдир хотираси заифлашгани туфайли ўқиган Қуръонини ё берган ваъдасини эсидан чиқариб юборади. Бу каби унутишларга жазо йўқ. Улар Пайғамбар ﷺнинг «**Умматимдан олиб ташланди...**», деган ҳадисларига киради. Аллоҳ бундай унутиш учун жазоламайди.

Иккинчидан, унутиш кишининг ўз ихтиёри билан содир бўлади. Масалан, кимдир ўз ишлари билан овора бўлиб намоз вақтини ўтказиб юборади. Ёки кимдир ҳеч қандай касал бўлмаса ҳам, эътиборсизлигидан келиб чиқиб, ёдлаган Қуръонини эсидан чиқаради. Яна кимдир ўзининг ишлари билан овора бўлиб, ваъдасини унутади. Бундай унутишлар учун жазо бор. Улар оятда айтилган ўша дуога алоқадор унутишлардир.

﴿رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا﴾

**(Парвардигоро, бизни азобингга гирифтор айлама!).**

Хато (билмасдан қилинган иш) ҳам икки турли бўлади:

Биринчиси, бехосдан қилинган хато. Масалан, булутли кунда кимдир кун ботди, деб ўйлаб оғзини очиб юборади. Кимдир саҳрода ёмғирли кунда қиблани аниқлай олмай бошқа тарафга қараб бомдод намозини ўқийди. Қуёш чиққанидан кейин ўзининг бошқа тарафга қараб намоз ўқиганини англайди. Яна кимдир зехни пастлиги ёки тили норавонлиги туфайли тўғри қироат қила олмайди. Яна кимдир бир хато ишни тўғри, деб қилади. Масалан, саҳродан кимдир келиб, Пайғамбар ﷺ билан намоз ўқийди ва намознинг ичида туриб, аксириб юборган одамга, саломат бўлинг, деб юборади. Бундай дейиш намозни бузишини билмайди. Чунки шаҳардан узоқда яшагани ва ўргатадиган одам бўлмагани туфайли ҳали бу ҳақда эшитмаган бўлади. Мана шу каби ишлар Пайғамбар ﷺнинг «**Умнатимдан олиб ташланди...**», деган ҳадисларига киради.

Иккинчиси, кимдир атайин тескари иш қилади. Яъни, ўз ихтиёри билан шариатга зид иш қилади. Масалан, рамазонда кун ботишидан олдин билиб туриб, оғзини очиб юборади ёки зарур шаръий ҳукмларни ўрганишга қодир бўла туриб ўрганмайди-да, билиб туриб, Аллоҳ тақиқлаган ишларни қилаверади.

Банда Павардигорига айнан мана шундай хатолари учун азобламаслигини сўраб дуо қилади.

﴿رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا﴾

(**Парвардигоро, бизни азобингга гирифтор айлама!**), деган муборак оятдаги хато сўзи мана шундай маънони англатади. Бу оятнинг якунидан ҳам кўриниб турибди.

﴿وَأَعْفُ عَنَّا﴾

(**Бизларни афв эт**). Муоҳаза сўзи азоблаш маъносини билдиради. Гарчи у муфоала бобида келган бўлса-да, азоблаш фақат бир томондан, Аллоҳ томонидан бўлади.

Бу муборак оятда Аллоҳ Таолога бизни унутганимиз яъни, бошқа ишлар билан машғул бўлиб, У Зотнинг буйруқларини бажармаганимиз, аниқроқ қилиб айтганда ўзимиз бепарволик қилганимиз учун ҳам, қасддан қилган хатоларимиз учун азобламаслигини сўраб илтижо қилиш бор.

Бу муборак оятда ифодаланган, азобланишга олиб борадиган унутиш ва хато мана шу. Бундан бошқа хато ва унутиш учун Аллоҳнинг марҳамати ила азоб йўқ. Пайғамбар ﷺ айтадилар:

﴿إِنَّ اللَّهَ وَضَعَ عَن أُمَّتِي الْحَطَأَ، وَالتَّسْيَانَ، وَمَا اسْتُكْرِهُوا عَلَيْهِ﴾

«**Аллоҳ Умнатимдан билмасдан қилинган, унутиб қилинган ва мажбурланиб қилинган (амалларнинг гуноҳи)ни олиб ташлади**».

Мана шу ерда бир савол туғилади: Агар бу оятда ифодаланаётган хато ва унутиш гуноҳ бўладиган бўлса, Муслимнинг ҳадисидаги Аллоҳнинг ижобат қилишини қандай тушунамиз? Бундан биз бу гуноҳлар учун жазоланмаймиз, деган маъно чиқадими?

Аллоҳ Таолонинг ижобат қилиши Пайғамбар ﷺ тафсир қилиб берганларидек, дуо қилиб сўраган истакларимизни амалга ошириб беришидир, яъни, гуноҳларимизни ўчириб, бизни мағфират қилиши ё биздан бир ёмонликни даф қилиши ёки ухровий савобимизни кўпайтиришидир. Термизий Абу Ҳурайра йўлидан чиқарган мана бу ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَا مِنْ رَجُلٍ يَدْعُو اللَّهَ بِدُعَاءٍ إِلَّا أُسْتَجِيبَ لَهُ فَإِمَّا أَنْ يُعْجَلَ لَهُ فِي الدُّنْيَا، وَإِمَّا أَنْ يُدَخَّرَ لَهُ فِي الْآخِرَةِ، وَإِمَّا أَنْ يُكْفَرَ عَنْهُ مِنْ ذُنُوبِهِ بِقَدَرٍ مَا دَعَا مَا لَمْ يَدْعُ بِإِثْمٍ أَوْ قَطِيعَةٍ رَحِمٍ أَوْ يَسْتَعْجِلَ، قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ كَيْفَ يَسْتَعْجِلُ؟ قَالَ: يَقُولُ دَعْوَتُ رَبِّي فَمَا اسْتَجَابَ لِي»

**«Қайси бир киши Аллоҳга бирон бир дуо қилса, модомики, гуноҳ иш учун, қариндошчиликни узиш учун қилмас ёки шошилтирмас экан, дуоси ижобат бўлиши аниқ - ё сўраган нарсаси шу дунёнинг ўзида тезда берилади ё охиратига захира қилиб қўйилади ёки қанчалик дуо қилган бўлса, шунчалик гуноҳлари каффорат қилинади. Шошилтириши қандай бўлади, эй Аллоҳнинг пайғамбари, деб сўрашган эди, Парвардигоримга дуо қилдим, лекин У ижобат қилмади, дейишидир»**, деб жавоб бердилар Пайғамбар ﷺ. Жобир йўлидан қилинган яна бир ривоятда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَا مِنْ أَحَدٍ يَدْعُوا بِدُعَاءٍ إِلَّا آتَاهُ اللَّهُ مَا سَأَلَ أَوْ كَفَّ عَنْهُ مِنَ السُّوءِ مِثْلَهُ مَا لَمْ يَدْعُ بِإِثْمٍ أَوْ قَطِيعَةٍ رَحِمٍ»

**«Қайси бир одам бирон бир дуо қилса, модомики, гуноҳ учун ёки қариндошчиликни узиш учун қилмас экан, Аллоҳ унинг сўраганини беради ё ундан бир ёмонликни даф қилади»**.

Аллоҳ Таолонинг

﴿وَقَالَ رَبُّكُمْ ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ﴾

**«Парвардигорларингиз: «Менга дуо-илтижо қилинглар. Мен сизларга (қилган дуоларингизни) мустажоб қилурман», деди»**

[Ғофир 60]

Ва

﴿وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادِي عَنِّي فَإِنِّي قَرِيبٌ أُجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِ إِذَا دَعَانِ﴾

**«Бандаларим Сиздан (эй Мухаммад) Мен ҳақимда сўрасалар. Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуогўйларнинг дуосини ижобат қиламан»**

[Бақара 186]

деган оятлари ҳам шу қабилдандир.

У ижобатни мўминлар дуоси билан боғлайди. Шуларнинг ҳаммаси Пайғамбар ﷺ айтиб ўтган ижобат маъносида. Шунинг учун ижобат Аллоҳ Таолонинг фазлидандир. Биз афв сўраб, мағфират сўраб, кофирлар устидан ғалаба сўраб, унутиб ва билмасдан қилган хатоларимиз учун бизни азобламаслигини, жазоламаслигини сўраб, устимизга оғир юкларни юкламаслигини сўраб, дуо қиламиз ва шуларнинг ҳаммасида дуойимиз ижобат бўлишига аниқ ишонамиз. Чунки Пайғамбар ﷺнинг ҳадисларида Аллоҳ Таолонинг Ўзи бу ҳақда суюнчли хабар берган. «**Хўп, деди**». Бу ижобат Аллоҳ Таолонинг дуода сўралган нарсани амалга ошириб бериши, яъни, гуноҳларимизни кечириб, кофирлар устидан ғолиб қилиши ҳам ё биздан бирор ёмонликни даф қилиши ҳам ёки дуойимизни охиратимиз учун захира қилиши ҳам бўлиши мумкин. Аллоҳ Мағфиратли, Раҳмли, Саховатли Зотдир. Ижобат шу дунёнинг ўзида бўлиши шарт эмас. У юқорида айтиб ўтилган тарзда бўлиши ҳам мумкин.

﴿رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا إِصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِنَا﴾

**(Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг буйинларига қўйган юкингни юклама!), (إِصْرًا)**

Одамни оғир аҳволга солиб қўядиган қийин ишни, оғир юкни. Ҳар бир буюрилган оғир иш иср ҳисобланади.

﴿وَيَضَعُ عَنْهُمْ إِصْرَهُمْ وَالْأَغْلَالَ الَّتِي كَانَتْ عَلَيْهِمْ﴾

**«Улардан юкларини ва устларидаги кишанларини олиб ташлайди»**

[Аъроф 157]

Бу ерда худди Бану Исроил ва бошқаларга юклаганидек, бизнинг устимизга ҳам оғир ишларни юкламаслигини сўраб, Аллоҳга дуо қилиняпти. Уларга тавба учун бир-бирларини ўлдириш ишини юклаганди. Аллоҳ бу дуони ижобат қилиб, бизга тавба йўлини осон қилиб беряпти. У Бану Исроилда бўлгани каби бир-биримизни ўлдириш эмас, кўнгилни холис Худога боғлаб, гуноҳни тарк қилиш, гуноҳ қолдирган доғларни тозалаш ва қайтиб унга яқинлашмаслик, холос.

﴿رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ﴾

**(Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама!)** яъни, эй Парвардигор, худди олдинги умматларга юборганингдек, бизга тоқатимиз етмайдиган ой тутулиши (ер ютиши), ҳайвонга айланиш, вайрон бўлиш ва яшин уриш каби балоларни юборма.

Аллоҳ Таоло бизга ўзимизга оғирлик қиладиган ишларни юкламаслигини сўраб дуо қилишни ўргатганидан кейин тоқатимиз етмайдиган ишлар учун бизни жазоламаслигини сўраб ҳам дуо қилишни ўргатди. У Раҳмли ва Шафқатли Зотдир.

﴿وَأَعْفُ عَنَّا وَاعْفِرْ لَنَا وَارْحَمْنَا﴾

**(Бизларни авф эт, (гуноҳларимизни) мағфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла!)** Олдинги дуо каби Аллоҳ Таоло буни Парвардигоро сўзи билан бошламади. Чунки бу уч дуо олдинги уч дуога муқобил тарзда келяпти. Кейингилар олдингиларга ҳам атф ва ҳам натижа бўляпти. Авф этиш унутиб ва билмасдан қилинган иш учун азобламасликнинг, мағфират қилиш агар устимизга оғир ишлар юкланадиган бўлса, уларни яхши бажара олмаслигимизнинг муқобилидир.

Раҳмат эса тоқатимиз кўтара олмайдиган ишлар учун жазоланишимизнинг муқобилидир.

**(Ўзинг хожамизсан!)** Ант мَوْلَانَا яъни, Подшоҳимиз, Хожамиз, Бошқарувчимиз. Бу сўз аслида масдар бўлиб, ундан фоил ирода қилиняпти. Яъни, Сен бизнинг Хожамизсан, денглар, деган маънода.

﴿فَأَنْصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ﴾

**(Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил!)** Фо сабабни ифодалаб келяпти. Чунки Аллоҳдан нусрат сўраб дуо қилишнинг сабаби Аллоҳнинг Хожа, Подшоҳ, Бошқарувчи Зот эканлигидир. Масалан, сен сахийсан-ку, менга саховат кўрсат ёки сен паҳлавонсан-ку, қўшнингни ҳимоя қил, дейсиз.

Имом Аҳмад Абу Зардан чиқарган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай дейдилар:

﴿أُعْطِيَتْ حَوَاتِيمُ سُورَةِ الْبَقَرَةِ مِنْ كَنْزٍ تَحْتَ الْعَرْشِ وَلَمْ يُعْطَهُنَّ نَبِيٌّ قَبْلِي﴾

**«Менга Бақара сурасининг охирлари Аршнинг остидаги кондан берилди. Улар мендан олдинги бирон пайғамбарга берилмаган».**

Имом Аҳмад Ҳузайфа йўлидан чиқарган ҳадисда мана бундай дейилган:


﴿... وَأُعْطِيَتْ هَذِهِ الْآيَاتِ مِنْ آخِرِ الْبَقَرَةِ مِنْ كَنْزٍ تَحْتَ الْعَرْشِ لَمْ يُعْطَهَا نَبِيٌّ قَبْلِي﴾

**«...Бақара сурасидаги бу охирги оятлар менга Арш остидаги кондан берилди. Улар мендан олдинги бирон пайғамбарга берилмаган».**


### Бақара сурасининг хотимаси

Энди мана шу сура ҳақида сўнги сўзни айтамыз. Бу сура ақида ва шариатга тегишли Ислоҳ ҳукмларининг ҳаммасини бўлмаса ҳам аксариятини қамраб олган.

Унда мўминлик, кофирлик ва мунофиқлик моҳияти очиб берилган. Сўнг кофирларга қарши Аллоҳнинг маъбудликда ҳам, парвардигорликда ҳам ягоналигига, шерикдан, боладан, ўхшашдан, хотиндан Пок эканига ҳужжатлар келтирилган. Кейин Аллоҳнинг каломи бўлган, бирон жойига биронта ноҳақлик аралашмаган Қуръон мушрикларни беллашувга чақирган. Унинг мислини инсон зоти ярата олмаган, бундан кейин ҳам ярата олмайди.

Бу сурада Одам ни ер юзига Халифаликка тайёрлаш баён қилинган. Аллоҳ у кишини энг гўзал суратда яратди. Унга соғлом ақл ва тоза табиат ато этди. Шу билан у ўзини яратган Зотга имон келтирди ва Унга ибодат қилди, дуо қилди. Кейин Аллоҳ унга нарсаларнинг номларини ўргатди. Бошқачароқ қилиб айтганда у Парвардигордан фикрлашга, янги фикрлар келтириб чиқаришга замин бўлгучи собиқ маълумотларни олди. Шундай қилиб, унинг зурриёти нарсалар хусусида тафаккур қилди, ҳақиқатни аниқлади, Аллоҳнинг пайғамбарларини кутиб олишга ҳозирлик кўрди. Хуллас, ҳар ким экканини ўрадиган бўлди, юзнинг қийиқлигига ойнадан ўпкалашнинг ҳожати қолмади.

Кейин Аллоҳ Таоло пайғамбарларни Аллоҳнинг оятлари билан мубашшир ва назир қилиб, яъни, мўминларга Аллоҳнинг розилиги ва жаннатлар ҳақидаги суюнчли хабарни етказувчи қилиб, кофирларни эса Аллоҳнинг ғазаби ва интиқомидан огоҳлантирувчи қилиб юборди.

Бу сурада яҳудлар, уларнинг хиёнатлари, макру ҳийлалари, Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганлари, ўзларига нозил бўлган китобларни ўзгартириб юборганлари, динни савдога қўйганлари, Аллоҳнинг оятларини арзимас баҳога сотганлари, Пайғамбар га қарши тил бириктирганлари, одамларни имон йўлидан тўсганлари, ўзлари пасткаш, мунофиқ, хоин, бевафо одамлар экани, уларга хорлик ва мискинлик ёзилгани ҳамда кофирларга хор қилгучи азоб борлиги баён қилинган.

Кейин бу сурада аслий ва фаръий шаръий ҳукмлар, зулм, зулмнинг турлари, масжидлардан тўсиш, гувоҳликни беркитиш, илмни яшириш зулмлари, намоз, закот, рўза, ҳаж, жиҳод, никоҳ, талоқ, ийло, эмизиш, Аллоҳ йўлида инфоқ қилиш, рибо, дайн, афв, мағфират, раҳмат мавзуларида гап боради. Аллоҳ (ҳамма нарсани) Қамраб олувчи Билимдон Зотдир.

Ва ниҳоят хотима. Нақадар гўзал, нақадар ёқимли хотима! Аллоҳнинг нусрати. Нақадар ажойиб нусрат! Аллоҳ Ўз ваъдасига хилоф қилмас!



﴿أَنْتَ مَوْلَانَا فَأَنْصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ﴾

**(Ўзинг хожа мизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни голиб қил!).**

Бу муборак суранинг фазли жуда буюк.

Имом Аҳмад ва имом Муслим (матн Муслимники) Абу Умомадан чиқарган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«افْرءُوا الْقُرْآنَ فَإِنَّهُ يَأْتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ شَفِيعًا لِأَصْحَابِهِ، افْرءُوا الزَّهْرَاوِينَ الْبَقْرَةَ وَسُورَةَ آلِ عِمْرَانَ فَإِنَّهُمَا تَأْتِيَانِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ كَأَنَّهُمَا غَمَامَتَانِ، أَوْ كَأَنَّهُمَا غَبَائِيتَانِ، أَوْ كَأَنَّهُمَا فِرْقَانِ مِنْ طَيْرٍ صَوَافٍ تُحَاجَّانِ عَنِ أَصْحَابِهِمَا، افْرءُوا سُورَةَ الْبَقْرَةِ فَإِنَّ أَخْذَهَا بَرَكَةٌ وَتَرْكُهَا حَسْرَةٌ وَلَا تَسْتَطِيعُهَا الْبَطَلَةُ»

**«Қуръонни ўқинглар. У қиёмат кунда уни ўқиганларга шафеҳ (шафоат қилгувчи) бўлиб келади. Икки заҳрони – Бақара ва Оли Имрон сураларини ўқинглар. Бу икки сура қиёмат кунда икки булутдек бўлиб, икки соядек бўлиб, (соя солиб тургувчи) саф тортган қушлар тўдасидек бўлиб келадилар ва ўзларини ўқиганларга ҳужжат бўладилар. Бақара сурасини ўқинглар. Зеро, уни олиш баракадир, ташлаш эса ҳасрату надоматдир. Уни ўқиган одамга сеҳргарнинг таъсири ўтмайди».**

Захро сўзи нур сочувчи, ярақлаган маъноларини англатади. Ой ва қуёш маъносида ҳам қўлланади. Бақара ва Оли Имрон суралари икки захро, деб ҳам аталади.

Имом Аҳмад ўзининг «Муснад»ида Маъқал ибн Ясор йўлидан чиқарган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«الْبَقْرَةُ سَنَامُ الْقُرْآنِ وَذُرْوَتُهُ»

**«Бақара сураси Қуръоннинг ўркачидир, чўққисидир».**

﴿وَمَا جِئُوكُمْ بِآيَاتٍ إِلَّا تَوَلَّوْا سِوَاهَا كَذِبًا وَمَنْ يُكَذِّبْهُ لَا يَقْبَلْهُ اللَّهُ وَلَا يُنصِرْهُ﴾

**«Охирги тилаклари эса бутун оламлар Парвардигори — Аллоҳга ҳамду сано айтишдир»** [Юнус 10]

**«Эй Аллоҳим, Сен ҳар қандай нуқсондан Поксан, Сенга ҳамд айтаман. Гувоҳлик бераманки, Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сендан мағфират сўрайман. Сенга тавба қиламан».**

**Ҳизб ут-Таҳрир амири улуғ олим шайх Ато ибн Халил Абу Рошта қаламига мансуб «Тайсир фи усулит тафсир» китобидан Бақара сурасининг тафсири ниҳоясига етди. □**

## РОСУЛУЛЛОҲ ﷺ НИНГ ПАЙҒАМБАРЛИК ДАВРИ ОЛДИНГИ ПАЙҒАМБАРЛАР ДАВРИДАН ОҒИР ЭДИ (2)

– Имом Табароний Манбит Аздийдан шундай ривоят қилади: «Мен жоҳилият пайтида Расулуллоҳ ﷺ нинг

«يَا أَيُّهَا النَّاسُ، قُولُوا: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، تَغْلِبُوا»

**«Эй одамлар! Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ денглар, нажот топасизлар»**, деганини эшитганман. Шунда айрим одамлар у кишининг юзига қарата туфласа, айримлари тупроқ сочишди, яна баъзилари у зотни ҳақоратлади. Шу пайт, бир қиз қадаҳда сув олиб келди. Расулуллоҳ ﷺ юзи ва қўлларини ювиб, у қизга

«يَا بِنْتِ! لَا تَخْشِي عَلَيَّ أَيْبِكَ غَيْلَةً، وَلَا ذَلَّةً!»

**«Қизалоғим, отангизнинг ўлдирилиши ва хўрланишидан қўрқманг»**, дедилар. Шунда мен у қиз ким, дея сўрагандим, Расулуллоҳ ﷺ нинг қизи Зайнаб, дея жавоб беришди.

– Урва айтади: Мен Ибн Осга мушриклар Расулуллоҳ ﷺ га қилган энг ёмон муносабат тўғрисида айтиб беринг деган эдим, у бундай деди: Пайғамбаримиз ﷺ Каъба тоши устида намоз ўқиётган эдилар, Уқба ибн Абу Муайт келиб, тўни билан Расулуллоҳ ﷺ нинг бўйнидан қаттиқ бўғди. Шунда Абу Бакр رضي الله عنه унинг елкасидан тортиб, Расулуллоҳ ﷺ ни ҳимоя қилди. Сўнгра:

﴿أَتَقْتُلُونَ رَجُلًا أَنْ يَقُولَ رَبِّيَ اللَّهُ وَقَدْ جَاءَكُمْ بِالْبَيِّنَاتِ﴾

**«Бир кишини, «Менинг Парвардигорим Аллоҳдир», дегани учун ўлдиурмисизлар?! Ҳолбуки, у сизларга Парвардигорингиз томонидан аниқ ҳужжатлар келтирди-ку»** [Ғофир 28]

деди. Бухорий ривояти.

– Абу Яъло Анас ибн Моликдан шундай ривоят қилади: Бир марта Расулуллоҳ ﷺ ни шундай уришдики, у киши ҳушидан кетиб қолдилар. Шунда Абу Бакр رضي الله عنه: Роббим Аллоҳ деган кишини ўлдирасизларми? – деди. Улар: Бу ким дейишган эди, бу мажнун Абу Бакр деб жавоб беришди. Шунда улар

Росуллоҳни қўйиб, Абу Бакрни азоблашга ўтишди. Бу ҳадисни Ҳоким ҳам ривоят қилиб, Муслим шартига кўра саҳиҳ деган.

– Абу Бакрнинг ушбу позицияси ҳақида Муҳаммад ибн Уқайл ривоят қилган ҳадисда Имом Алий ибн Абу Толиб رضي الله عنه айтиб берганлар. У киши хутба қилар экан: Эй одамлар, энг жасур киши ким деган. Одамлар, эй мўминлар амири энг жасур киши сиз бўласиз дейишди. Шунда у киши, тўғри, мен ким билан яккама-якка олишсам албатта ғолиб бўлганман, лекин Абу Бакр رضي الله عنه мenden кўра жасурроқ. Чунки биз катта Бадр ғазотида Росулulloҳ ﷺга қапа тикиб, ким Росулulloҳ ﷺ билан бирга қолиб, у кишини мушриклардан ҳимоя қилади деган эдик, Абу Бакрдан бошқа бирор киши турмади. Абу Бакр رضي الله عنه қиличини яланғочлаб, Росулulloҳ ﷺ ёнида турди ва бирорта ҳам мушрикни у кишига яқинлаштирмади. Шунинг учун Абу Бакр رضي الله عنه энг жасур кишидир. Али رضي الله عنه яна айтади: Қурайш Росулulloҳ ﷺни ушлаб олиб, бири урса, бошқаси силкитар ва Аллоҳ ягона деяпсанми дейишар эди. Шунда, Аллоҳга қасамки, Абу Бакрдан бошқа бирор киши яқинлаша олмади. Абу Бакр уларнинг баъзиларини урди, яна бири билан жанг қилди ва бошқасини силкиб, айтдики: Ҳолингизга вой бўлсин, Роббим Аллоҳ деган кишини ўлдирасизларми? Сўнгра Али رضي الله عنه эгнидаги чопонини ечиб йиғлади ҳатто соқоллари ҳўл бўлиб кетди. У Аллоҳга қасам ичиб айтдики: Абу Бакр яхшироқми? Ёки Фиръавн оиласидаги мўминми? Шунда одамлар жим бўлиб қолишди. Сўнгра Али رضي الله عنه айтди: Аллоҳга қасамки, Фиръавн оиласидан имон келтирган ер юзи билан тўла бўлса-да, уларнинг барчасидан Абу Бакр яхшироқдир. Чунки Фиръавн оиласидаги киши имонини яширган эди, Абу Бакр эса имонини ошкор қилди. Бу ҳадисни Баззор ривоят қилган ва айтганки, биз бу ҳадисни фақат мана шу йўлдан ривоят қилинганини биламиз.

– Абдуллоҳ ибн Масъуд айтади: Росулulloҳ ﷺ масжидда намоз ўқиётган эдилар. Абу Жаҳл ибн Ҳишом, Робианинг икки ўғли Шайба ва Утба, Уқба ибн Абу Муайт, Умайя ибн Халаф ва яна икки киши, барчаси бўлиб етти киши келишди. Росулulloҳ ﷺ эса узоқ сажда қилдилар. Шунда Абу Жаҳл айтди: Қайси бирингиз фалон қабиланинг бўғизланган ҳайвонининг ичак-човоқларини олиб келади, уни Муҳаммаднинг устига ташлаймиз. Шунда Уқба ибн Абу Муайт

уни олиб келиб, саждада турган Росулulloҳ ﷺ устига ташлади. Мен эса ҳеч нарса айта олмай турар эдим. Сўнгра мени ҳимоя қиладиган куч бўлмаганидан кетаётган эдим, Росулulloҳ ﷺнинг қизи Фотима бу ишдан хабар топиб келди ва ичак-човоқларни у кишининг елкасидан олиб ташлади. Сўнгра Қурайшга қараб, уларни сўқди, лекин улар унга бирор нарса қилишмади. Бу ҳадисни Баззор ва Табароний ривоят қилган. Мушриклар бу ишни қилиб, кулишгани ва кулгининг қаттиқлигидан бир-бирига суяниб қолишгани ҳақида саҳиҳ лафзлар келган.

– Робиа ибн Убайд Дийлий айтади: Эшитишимча, Росулulloҳ ﷺ билан энг кўп олишганлар Қурайшдир. Росулulloҳ ﷺнинг уйи Абу Лаҳаб ва Уқба ибн Абу Муайтнинг уйи ўртасида эди. Улар бирин-кетин келиб, у кишининг уйларига ҳайвонларнинг қони, бачадони ва ичак-човоқларини ташлаб кетишар эди. Росулulloҳ ﷺ эса: Эй Қурайш жамоаси, бу нақадар ёмон қўшничилик, дея уларни камонининг учи билан бир четга суриб қўяр эдилар. Бу ҳадисни Табароний Авсат китобида ривоят қилган.

– Урва ибн Зубайр رضي الله عنه айтади: Абу Толиб вафот этгач, Росулulloҳ ﷺга янада озор кучайди. Шунда у киши бошпана ва ёрдам беришларини умид қилиб Сақифга бордилар ва у ерда Сақифнинг учта раҳбари; Абдуялал ибн Амр, Хубайб ибн Амр ва Масъуд ибн Амрлар билан учрашдилар. Уларга қавми етказаетган озорлар ҳақида айтиб улардан ёрдам сўрадилар. Улардан бири: Агар сени Аллоҳ юборган бўлса, мен Каъбанинг устидаги ёпинчиғини ўғирлашга тайёрман – деди. Иккинчиси: Аллоҳга қасамки, мен сен билан бошқа гаплашмайман. Негаки, агар ўзинг айтаётгандек, Аллоҳнинг элчиси бўлсанг, мен сен билан гаплаша олмайдиган даражада шарафли мавқега эгасан. Учтинчиси эса: Аллоҳ бизга юборишга сендан бошқа одам топа олмадими? – деди... Сўнг бу ишни Сақифга тарқатиб юборишди. Сақифликлар Росулulloҳ ﷺни масхара қилиб, у кишининг йўлига икки саф бўлиб тизилишди ва у кишини тошбўрон қилишди. Таъқиб қилиб келган сақифликлар қайтиб кетишгач, Росулulloҳ ﷺ оёқларидан қон оққан ҳолда бир узум токининг соясига ўтирдилар. Бу пайтда Робианинг икки ўғли Утба ва Шайбалар Росулulloҳ ﷺни кузатар эди. Росулulloҳ ﷺ уларнинг Аллоҳ, Росули ва у киши билан бирга бўлганларга нисбатан

адоватини билганидан уларнинг келишини хоҳламади. Лекин улар Найнаволик Аддос номли насроний қулни бир бош узум билан Росулulloҳ ﷺ га юборишди. Аддос узумни олиб келиб, Росулulloҳ ﷺ ning олдиларига қўйди. Шунда Росулulloҳ ﷺ Бисмиллаҳ деган эдилар, Аддос ҳайрон бўлди. Росулulloҳ ﷺ ундан: **Эй Аддос, сен қаерликсан, деб сўрадилар.** Аддос: Мен Найнаводанман деди. Шунда Росулulloҳ ﷺ: **Унда сен солиҳ инсон Юнус ибн Маттонинг мамлакатидан экансан,** дедилар. Аддос Росулulloҳ ﷺ га: Сиз Юнус ибн Маттони қаердан биласиз, деб сўради. Росулulloҳ ﷺ Юнус ва у ҳақида билганларини айтиб бердилар. Росулulloҳ ﷺ Аллоҳнинг рисолатини етказар экан, бирортасини ҳақорат қилмас эдилар. Аддос: Эй Аллоҳнинг росули менга Юнус ибн Матто ҳақида айтиб беринг деди. Росулulloҳ ﷺ Юнус ибн Матто ҳақида юборилган ваҳийдан сўзлаб бергач, Аддос эгилиб дарҳол Росулulloҳ ﷺ ning қўллари ва қон оқаётган оёқларини ўпа бошлади. Робианинг икки ўғлидан бири иккинчисига қараб: Қара бу одам хизматкорингни ақлини олди деди. Аддос икковининг олдига келганида: Ҳолингга вой эй Аддос, сенга нима бўлди, бу одамнинг боши ва қўл оёқларини ўпяпсан, сен бу ишни бизга нисбатан қилмайсан-ку дейишди. Аддос: Бу киши яхши инсон экан, у менга Аллоҳ бизга юборган элчи Юнус ибн Матто ҳақида айтиб берди, деди. Шунда у иккиси кулиб: У сени насроний динидан буриб юбормасин, чунки у ёлғончи дейишди. Шундан сўнг Росулulloҳ ﷺ Маккага қайтдилар». Бу ҳадисни Абу Нуайм Далоил китобида чиқарган.

– Урва айтади: Оиша онамиз ﷺ Росулulloҳ ﷺ га: Эй Аллоҳнинг Росули сиз учун Уҳуд кунидан ҳам оғирроқ кун бўлганмиди? – деб сўраганларида, Росулulloҳ ﷺ:

«لَقَدْ لَقِيتُ مِنْ قَوْمِكَ وَكَانَ أَشَدَّ مَا لَقِيتُ مِنْهُمْ يَوْمَ الْعَقَبَةِ، إِذْ عَرَضْتُ نَفْسِي عَلَى ابْنِ عَبْدِ يَالِيلِ بْنِ عَبْدِ كَلَالٍ فَلَمْ يُجِبْنِي إِلَى مَا أَرَدْتُ، فَانْطَلَقْتُ وَأَنَا مَهْمُومٌ عَلَى وَجْهِي، فَلَمْ أَسْتَفِقْ إِلَّا بِقَرْنِ الثَّعَالِبِ، فَرَفَعْتُ رَأْسِي فَإِذَا أَنَا بِسَحَابَةٍ قَدْ أَطْلَعْتَنِي، فَتَنَظَرْتُ فَإِذَا فِيهَا جَبْرَيْلُ، فَنَادَانِي، فَقَالَ: إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ قَدْ سَمِعَ قَوْلَ قَوْمِكَ لَكَ، وَمَا رُدُّوا عَلَيْكَ، وَقَدْ بَعَثَ إِلَيْكَ مَلَكَ الْجِبَالِ لِتَأْمُرَهُ بِمَا شِئْتَ فِيهِمْ، قَالَ: فَنَادَانِي مَلَكُ الْجِبَالِ وَسَلَّمَ

عَلَيَّ، ثُمَّ قَالَ: يَا مُحَمَّدُ، إِنَّ اللَّهَ قَدْ سَمِعَ قَوْلَ قَوْمِكَ لَكَ، وَأَنَا مَلِكُ الْجِبَالِ وَقَدْ بَعَثَنِي رَبُّكَ إِلَيْكَ لِتَأْمُرَنِي بِأَمْرِكَ، فَمَا سَمِعْتِ، إِنْ سَمِعْتِ أَنْ أُطِيقَ عَلَيْهِمُ الْأَحْشَبِينَ، فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: بَلْ أَرْجُو أَنْ يُخْرِجَ اللَّهُ مِنْ أَصْلَابِهِمْ مَنْ يُعْبُدُ اللَّهَ وَحْدَهُ لَا يُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا»

«Қавмингиздан кўп нарса кўрдим. Уларнинг энг оғири Ақаба куни бўлган эди. Мен ўзимни (нusrат беришлари учун) Ибн Абдуялил ибн Абдукулолга рўпара қилдим. У менинг сўровимни қабул қилмади. (Мен у ердан) ғамгин ҳолатда чиқиб, бошимни эгиб юриб, Қарнуссаолибга етиб келганимни сезмай қолибман. Бошимни кўтаргандим, бир парча булут менга соя солиб турган экан. Қарасам, булутда Жаброил алайҳиссалом ўтирибди. Шу пайт у менга нидо қилиб, Аллоҳ Таоло қавмингизнинг сизга берган жавобларини эшитди ва сизга Тоғлар фариштасини (қавмингиз) ҳақида истаган нарсангизга буюришингиз учун юборди, деди. Шунда тоғлар фариштаси менга салом бериб айтдики: Эй Муҳаммад Аллоҳ Таоло қавмингизнинг сизга айтган сўзларини эшитди. Мен тоғлар фариштасиман. Роббингиз мени сизнинг буйруғингизни бажаришим учун юборди. Истасангиз шу икки тоғни уларнинг устига ёпиб қўяман – деди. Шунда Росулulloҳ ﷺ: Йўқ, мен уларнинг пуштикамарларидан ёлғиз Аллоҳга ибодат қиладиган ва У зотга ҳеч кимни шерик қилмайдиган кишиларни чиқаришини Аллоҳ Таолодан умид қилиб қоламан, дедилар».

Росулulloҳ ﷺ ўша куни Аллоҳга илтижо қилиб, ўзининг куйидаги машҳур дуосини ўқиган эдилар:

«اللَّهُمَّ إِلَيْكَ أَشْكُو ضَعْفَ قُوَّتِي وَقِلَّةَ حِيلَتِي وَهَوَانِي عَلَى النَّاسِ، يَا أَرْحَمَ الرَّاحِمِينَ، أَنْتَ رَبُّ الْمُسْتَضْعَفِينَ وَأَنْتَ رَبِّي، إِلَى مَنْ تَكَلَّمِي، إِلَى بَعِيدٍ يَتَجَهَّمُنِي، أَمْ إِلَى عَدُوِّ مَلَكَتَهُ أَمْرِي، إِنْ لَمْ يَكُنْ بِكَ عَلَيَّ غَضَبٌ فَلَا أَبَالِي، وَلَكِنْ عَافَيْتَكَ هِيَ أَوْسَعُ لِي. أَعُوذُ بِنُورِ وَجْهِكَ الَّذِي أَشْرَقَتْ لَهُ الظُّلُمَاتُ، وَصَلَحَ عَلَيْهِ أَمْرُ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ، مِنْ أَنْ تَنْزِلَ بِي غَضَبَكَ، أَوْ يَجْلَّ عَلَيَّ سُخْطُكَ، لَكَ الْعُنْبَى حَتَّى تَرْضَى، وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِكَ»

«Аллоҳим! Ўзинга қувватим заифлигидан, чорам озлигидан, одамлар олдида ожизлигимдан шикоят қилурман! Эй раҳмлиларнинг раҳмлиси, Сен заифҳолларнинг Парвардигорисан! Сен менинг Парвардигоримсан! Мени кимларга топшириб қўйдинг?! Ёқтирмайдиган нотанишларгами?! Ёки ишимни душманга топширдингми?! Агар менга ғазаб қилмаган бўлсанг, буларга эътибор бермайман! Фақат Сенинг офиятинг мен учун кенгдир. Еру осмонлар зиё таратишига, зулматлар ёришишига, дунё ва охира т ишлари ислоҳ бўлишига сабаб бўладиган юзинг нури ила, менга ғазабинг нозил бўлишидан ва қаҳринг тушишидан паноҳ тилайман. Токи, рози бўлгунингча узримни айтаман. Сендан ўзгада ҳеч қандай қувват ва қудрат йўқдир». □

## ҒАЗАБДАН ТИЙИЛИШ

– Абу Саид رضي الله عنه бизга шундай сўзлаб берган эди: Ашаж исмли киши Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم олдиларига Абдуқайсдан элчи бўлиб келди. У туясини чўктириб, уни боғлади. Сўнг ўзи кийиб келган икки чопонини ечиб, бошқа чиройли кийимларини кийди. Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم уни нима қилаётганини кузатиб турардилар. Ашаж Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم олдиларига келиб, салом берди. Шунда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم унга:

﴿يَا أَشَجُّ إِنَّ فِيكَ خُلُقَيْنِ يُحِبُّهُمَا اللَّهُ: الْحِلْمُ وَالتَّوَدُّةُ﴾

**«Эй Ашаж, сенда Аллоҳ яхши кўрадиган икки хислат: донолик ва вазминлик бор экан»,** дедилар. Ашаж: Эй Аллоҳнинг Росули бу хислатларни менга Аллоҳ берганми ёки уларни ўзим касб қилганманми? – деб сўради. Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم: **«Уларни сенга Аллоҳ берган»,** дедилар. Шунда Ашаж менга Аллоҳ ва Росули яхши кўрадиган нарсани берган Зотга ҳамд бўлсин – деди.

– Имом Бухорий ўзининг саҳиҳ тўпламида ибн Аббосдан шундай ривоят қилади: Уяйна ибн Ҳисн Умарнинг олдига кириш учун рухсат сўради, рухсат берилгач, унинг олдига кириб: Эй Хаттобнинг ўғли огоҳ бўл, чунки Аллоҳга қасамки, сен бизга кўп совғалар улаша олмайсан ва бизнинг орамизда одиллик қила олмайсан, деди. Умар эса ғазабланиб, уни таъзирини бериб қўйишни хоҳлади. Шунда Ҳур айтди: Эй мўминлар амири Албатта Аллоҳ Таоло

﴿حُذِ الْعَفْوَ وَأْمُرْ بِالْعُرْفِ وَأَعْرِضْ عَنِ الْجَاهِلِينَ﴾

**«(Эй Муҳаммад), марҳаматли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгиринг!»** [Аъроф 199]

деди. Аллоҳга қасамки, Умарга Қуръон ояти ўқилгач тўхтади. Чунки у Аллоҳни китоби ўқилганда дарҳол тўхтар эди.

– Умар ибн Абдулазиз омилига шундай мактуб ёзган эди: «Ғазабланиб турган пайтингда жазолама, агар бирор кишига ғазаблансанг, уни ҳибсга ол. Ғазабинг сўнгач, уни чиқариб, жиноятига яраша жазола ва ўн беш даррадан оширма».

– Ибн Аббос رضي الله عنه Аллоҳ Таолонинг

﴿وَلَا تَسْتَوِ الْحَسَنَةُ وَلَا السَّيِّئَةُ ادْفَعْ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ فَإِذَا الَّذِي بَيْنَكَ وَبَيْنَهُ عَدَاوَةٌ

كَأَنَّهُ وَبَيْنَ حَيْمٍ﴾

**«Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ҳар қандай ёмонликни) энг гўзал сўзлар билан даф қилинг! (Шунда) баногоҳ сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ-содиқ дўст каби бўлиб қолур»** [Фуссилат 34]



ояти ҳақида бундай деган эди: Ғазаб келганда сабр қилиш, ёмонликни кечириш лозим. Агар улар шундай қилсалар Аллоҳ уларни кечиради ва душманларини бўйсундиради». Бухорий ривояти.

– Ривоят қилишларича бир киши Абу Бакрни сўккан эди, Абу Бакр унга: Аллоҳ Таоло сендан яширгани бундан ҳам кўп, дедилар.

– Ибн Қоййим айтади: Одамлар дўзахга учта эшикдан киришади; Аллоҳнинг дини борасида шубҳа уйғотган шубҳа эшиги, нафс ҳавони Аллоҳнинг розилиги ва итоатидан устун қўйган шаҳват эшиги, Аллоҳнинг бандаларига нисбатан душманликни пайдо қилган ғазаб эшиги.

– Ҳасанул Басрий айтади: Мусулмоннинг белгилари: Динда қувватли бўлиш, мулозимликни маҳкам тутиш, қатъий имон, ақлли билим, шафқатда зийраклик, барчанинг ҳаққини ўрнига қўйиш, бойликни тежаш, муҳтожликка чидаш, қодир бўлганича эҳсон қилиш, қийинчиликка сабр қилиш. Мусулмон ғазабини босади, нафрат устида бирлашмайди, шаҳватга мағлуб бўлмайди, очофатлик қилиб шарманда бўлмайди, ҳирси туфайли аҳмоқлик қилмайди, ният билан чекланмайди, мазлумга ёрдам беради, заифга раҳм қилади, бахиллик қилмайди, исрофгарчиликка йўл қўймайди, ҳаддидан ошмайди, хасислик қилмайди, зулм кўрса кечиради, жоҳилни афв қилади, нафс ҳавосини қийнайди ва одамлар ундан роҳат фароғат кўради.

– Ривоят қилинишича, бир киши Салмонни сўкканда, бундай жавоб қилди: «Агар тарозимнинг палласи енгил келса, мен сен айтган нарсдан ёмонроқман. Агар оғир келса, сен айтаётган нарса менга зарар бермайди».

– Бир аёл Молик ибн Динорга: Эй риёкор, деган эди, у: сендан бошқаси мени бундай таърифламаган эди, деб жавоб қилди.

– Аҳнаф ибн Қайс айтади: Ким менга душманлик қилса, мен унинг ишидан уч нарсанинг бирини топдим: Агар у мендан юқори бўлса, унинг қадр қимматини билдим, агар мендан қуйи бўлса, ундан ўз қадримни кўтардим, агар мен билан бир хил бўлса, мурувват қилдим.

– Ҳасанул Басрий айтади: кимда ушбу тўрт хислат бўлса, Аллоҳ уни кечиради: Рағбат пайтида, кўрқиб турганда, шаҳват уйғонганда ва ғазаб келганда нафс ҳавосини жиловлай олса.

– Абу Дардонинг бир қули бўлиб, унинг чорваларини боқар эди. Бир куни Абу Дардо унинг олдига келди ва бир қўйни оёғи синган ҳолда топди. Абу Дардо: Уни ким синдирди деб сўради. Қули эса: уни мен қасддан ғазабингни қўзғаш ва мени урушинг ҳамда гуноҳкор бўлишинг учун синдирдим деди. Шунда Абу Дардо:

Мен сени мени ғазаблантиришга мажбурлаган нарсадан, яъни шайтондан ғазабланаман деди ва уни озод қилиб юборди.

– Ибн Муборакка: Бизга бир калимада чиройли хулқларни жамлаб берингчи дейишган эди, у киши: «Ғазабдан тийилиш», деб жавоб берди.

– Ато ибн Абу Рабоҳ айтади: «Уламоларни умрининг охирида йиғлашга мажбур қилган нарса ғазабланиб, эллик, ёки олтмиш, ёки етмиш йиллик умрини вайрон қилишидир».

– Фотима رضي الله عنها эри Али ибн Абу Толиб رضي الله عنه ҳақида бундай деган эди: «Иккимиз ўртамизда бир нарса бўлиб, мени ғазаблантирса, у киши чиқиб кетар эди». Бухорий ривояти.

– Бир киши Али ибн Ҳусайн رضي الله عنهни сўккан эди, унга эғнидаги чопонини отди ва унга минг дирҳам беришларини буюрди. Баъзиларнинг айтишича, Али ибн Ҳусайнда мақталадиган беш хислат мавжуд эди: донолик, озорни кетказиш, бандани Аллоҳдан узоқлаштирадиган нарсалардан йироқ бўлиш ҳамда пушаймонлик ва тавбага қизиқиш.

– Маймун ибн Меҳронниқига меҳмон келган эди, жориясига кечки овқатни тезлатишини буюрди. Шунда жория шошилганча ичи таомга тўла идишни олиб келаётиб, тойилиб кетди ва овқатни хўжайини Маймуннинг устига тўкиб юборди. Маймун унга: Эй жория мени куйдирдинг деган эди, жория: Эй бошқаларга яхшилик ўргатадиган ва одамларга одоб берадиган зот Аллоҳ Таолонинг қавлига қулоқ тутмайсизми, деди. Маймун: Аллоҳ Таоло нима дебди – деди. Шунда жория:

﴿وَالْكٰظِمِيْنَ الْعَيْظَ﴾

**«Ғазабларини ичларига ютадиган»**

[Оли Имрон 134]

деяпти деди. Маймун: Ғазабимни ютдим деган эди, жория

﴿وَالْعٰفِيْنَ عَنِ النَّاسِ﴾

**«Одамларнинг (хато-камчиликларини) афв этадиган»**

[Оли Имрон 134]

деди. Маймун: Сени афв қилдим деган эди, жория: Яна қўшинг чунки Аллоҳ айтяптики:

﴿وَاللّٰهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِيْنَ﴾

**«Аллоҳ бундай яхшилик қилувчиларни севади»**

[Оли Имрон 134]

деди. Шунда Маймун: Сен Аллоҳ йўлида озодсан деди. □

(Исроил)нинг «ЕДИОТ АХРОНОТ» ГАЗЕТАСИ:  
САУДИЯНИНГ ТАЪЛИМ ДАРСЛИКЛАРИДА ЭНДИ  
СИОНИЗМ ХАТАРИ ҲАҚИДА ГАПИРИЛМАЙДИ

(Исроил)да чиқадиган Едиот Ахронот газетасининг «Арабий 21» таржима қилган мақоласида (Исроил)лик ёзувчи Даниэл Салами «Саудия ўқув дарсликларида асосий ўзгаришлар кузатилаётгани ҳақида ёзади. Унинг изоҳлашича, (Исроил) тадқиқот ва сиёсатлар институти ўтказган тадқиқот бу йўлда амалга оширилган қониқарли натижаларни очиб берган бўлиб, бу нарса Саудия Арабистони таълим тизимида ижобий ўзгаришлар бўлаётганига далолат қилади. Зеро, мактаб дарсликларидан зўравонликка ундовчи жумлалар ҳамда бир қанча йилдан бери мавжуд бўлиб келган ва яҳудийларга душманлик руҳидаги материалларнинг асосини ташкил қилган дастур олиб ташланган. Мақола муаллифининг таъкидлашича, Саудиядаги мактаб ўқув дастурларидан «сионистлар ҳаракатининг бир қанча воситалар, жумладан гиёҳванд моддалар ва аёллар савдоси, йирик маблағлар орқали дунёга ҳукмронлик қилишга ҳаракат қилаётгани» тўғрисидаги жумлалар олиб ташланган. Бундан ташқари, (Исроил) давлатини тан олмайдиган ва (Исроил)нинг Нилдан Фуротгача кенгайиши ҳақида турли ривоятларни келтирадиган «сионизм хатари» номли боб тўла бекор қилинган. Лекин Саудия ўқув дастурларида шу пайтгача (Исроил) давлатининг номи пайдо бўлмаган.

Мактабларда яҳудий давлатининг қонунийлиги ҳақида ҳеч қандай гап йўқ, лекин яҳудийларга нисбатан ифвогарона гап-сўзларнинг катта қисми мўътадиллашган. Ёзувчининг яна таъкидлашича, сионизм ирқчиликни тарғиб қилувчи сиёсий ҳаракат деб таърифланган жумлалар бутунлай олиб ташланган. Бу эса, шу кунларда мамлакатда эволюцион ҳаракат бўлаётгани ва у яқин келажакда яна давом этиши ҳамда Исроилга нисбатан позиция янада мўътадил бўлишини ҳамда бу Саудия ва (Исроил) ўртасида яқинлашув бўлаётганини акс эттиришини таъкидлайди. Айниқса, Тель-Авив билан айрим араб давлатлари, хусусан Кўрфаз давлатлари ўртасидаги муносабатлар нормаллашаётган сўнгги даврларда яқинлашув кучайиб бораётганини айтади. Ёзувчининг маълум қилишича, сўнгги ойларда исроиллик тадқиқотчилар Кўрфаз давлатларидан келган дарсликларни ўрганиш борасида саъй-ҳаракатлар қилишган. Амирликлардаги (Исроил)га нисбатан вазият яхши томонга ўзгарган. Институт директори ўринбосари Арик Агасси бундай дейди: «Саудия ўқув дарсликларидаги натижалар ниҳоятда қониқарли бўлиб шуни исботламоқдаки, барча халқлар билан яхши муносабатда бўлиш, тинчлик ва бағрикенглик масалалари борасидаги бутун дунё дарсликлари таркибига бизнинг илмий тадқиқотларимиз ижобий таъсир кўрсатмоқда. Саудияликлар дарсликлар борасида тўғри йўл ва тўғри йўналишда кетишмоқда. Уйлаймизки, очиқ ва бағрикенг жамиятнинг калити ҳам мана шудир. Бу нарса келажакда ҳақиқий тинчликни ўрнатиш ва уни рўёбга чиқаришда ёрдам беради».

**Ал-Ваъй:** Айрим Араб давлатларидаги ушбу кескин ва тез ўзгаришларни (улар олдин яширин тарзда амалга оширилган эди) кузатган киши Аллоҳнинг ёрдам бериши, динни ғолиб қилиши ва иккинчи рошид Халифалик тикланиши ҳақидаги ваъдаси тез орада рўёбга чиқишини англайди. Шунингдек, Саудия Арабистони ҳукмдорларининг (Исроил)га бўлган муносабатларини кузатган киши Аллоҳ Таоло бу шубҳали оилани ҳамма олдида шарманда қилишни хоҳлаётганини, бу оила Исломдан ҳеч нарсани шакллантирмаётганини ва унинг расмий уламолари ҳукмдорлар каби ёмон уламолар эканини билиб олади. □

## МАРОКАШНИНГ (ИСРОИЛ) БИЛАН МУНОСАБАТЛАРНИ НОРМАЛЛАШТИРИШИ МОССАД БИЛАН ЎРНАТИЛГАН УЗОҚ ЙИЛЛИК ЯШИРИН ҲАМКОРЛИК ТАРИХИГА ЭГА

(Исроил)лик ёзувчи ҳамда сиёсий ва ҳарбий таҳлилчи Ронен Бергман «Нью Йорк таймс»да берилган мақоласида Марокаш билан (Исроил) ўртасидаги муносабатлар нормаллаштирилишининг расмий эълони ортида олтмиш йиллик яширин ҳарбий ва разведка ҳамкорлиги турганини ёзди. (Исроил)лик ёзувчининг маълум қилишича, Марокаш билан ўрнатилган алоқалар анча олдин, яъни 1948 йилда (Исроил) давлати эълон қилинмасдан бошланган. Зеро, унда аксар яҳудийлар Марокашга кўчиб келган ва уларнинг сони миллионга яқин эди. Ёзувчининг қўшимча қилишича, Марокаш қироли яҳудийларни ўз юртларидан жамойи тарзда кўчиб келиши ва қурол олиб юришига рухсат берган. Яҳудийлар марокашликларни қурол-яроғдан фойдаланиш бўйича машқдан ўтказган ҳамда Марокаш разведка хизматини назорат технологияси билан таъминлаган. Шунингдек, икки тараф айғоқчилар томонидан тўпланган маълумотлар бўйича ҳамкорлик қилган. Ёзувчи ҳамкорликдаги ҳал қилувчи лаҳза 1956 йили бўлганига эътиборни қаратади. Чунки унда Моссадга араб давлатлари саммитида иштирок этаётган сиёсий ва ҳарбий лидерлардан иборат делегацияларнинг люкс хоналарини эшитиш (прослушка)га рухсат берилган. Бу Моссадга разведка ва армия учун муҳим бўлган араб тафаккури, имкониятлари ва режаларини ўрганиш ва 1967 йилда бўладиган урушга тайёрланишда мисли кўрилмаган имконият яратди. Ёзувчи ҳарбий разведка бошлиғи Шломо Газитдан шундай келтиради: «Бу аудиоёзувлар ҳақиқатан ҳам фавқулодда разведка ютуғи эди. Чунки бу ёзувлар бизнинг (Исроил) армиясининг Мисрга қарши урушда ғалаба қозониш ҳиссини янада кучайтирди». Мухолифат вакили Бин Барака ҳақида айтадиган бўлсак, араб давлатлари саммитидаги жосусликка кўп ўтмай, у Марокаш разведкаси илтимосига кўра Моссад томонидан Парижга олиб келинди. Марокашлик ва уларнинг Франциялик ҳамкорлари уни ўғирлаб кетиб, ўлгунича қийнашди. Шундан кейин Моссад агентлари унинг жасадини йўқ қилишди.

Ёзувчининг билдиришича, ўн йиллардан кейин қирол Ҳасан иккинчи ва унинг ҳукумати 1973 йилдаги Кэмп-Дэвид келишуви олдидан икки давлат расмийлари ўртасида махфий учрашувлар ўтказиш учун (Исроил) ва Миср ўртасидаги алоқа каналига айланган. Шунингдек, (Исроил) Американи Марокашга ҳарбий ёрдам беришига кўндириш учун ўз ҳиссасини қўшган. Бергманнинг айтишича, Марокаш разведкаси Ал-Қоиданинг раҳбарини ўлдириш учун Бин Ладеннинг котибинини ишга ёллаш борасидаги Моссаднинг режаси (ушбу режа муваффақиятсиз чиққан)га қўшилган. Ёзувчининг таъкидлашича, Марокашнинг ҳозирги қироли бир қанча йиллар давомида ҳаракат қилиб, ўз мамлакати томонидан Саҳронинг аннекция қилинишига Американи рози қилиш учун (Исроил)дан ёрдам сўраб келган ва ниҳоят унинг орзуси амалга ошди. Ёзувчи яна айтадики, Марокашнинг ташқи разведкаси бошлиғи Ясин Мансурий ҳам ушбу учрашувларда аҳён-аҳёнда иштирок этган ва ўзининг ҳамкасби, Моссаднинг бошлиғи Йосси Коэн билан учрашган. Шунингдек, улар айрим музокаралар ўтказиб, муносабатларни нормаллаштириш учун шартнома тузишган.

**Ал-Ваъй:** бу Марокаш ҳукмдорлари ҳақида эди. Улардан бошқа ҳукмдорлар муносабатларни нормаллаштириш борасида нима ишлар қилишаётган экан? Бир кун келиб улар ҳам фош бўлади... Мусулмонларнинг ҳукмдорлари ва яҳудийлар Уммат кўксига санчилган, суғуриб олиниши керак бўлган Ғарбнинг ханжаридир. □